R 496

Гулистон

5
1995

Ўзбекистон
халқ шоираси
ЗУЛФИЯ
сиймоси.

Рассом
Лайло
САЛИМЖОНОВА.

Гулистон

5

1995

Ижтимоий-сиёсий ва бадиий-безакли журнал

Журнал икки ойда бир марта чиқади.

Эски №

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тилаб МАҲМУДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Абдумўмин БОЙМАТОВ,
Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Тоҳир МИРЖАЛИЛОВ,
Абдусафихон РАҲМОНОВ,
Михли САФАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Шерали СОКИН
(масъул котиб),
Рустам ХЎЖАЕВ,
Муҳсин ҚОДИРОВ,
Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ,
Эркин ҲАЙИТБОЕВ.

Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган.

ГБ УзССР Ж

Ислом КАРИМОВ:

«Тасаввур қилингки, ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзгор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзгор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади. Бундан чиқадиган хулоса: Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласидир.

Бугун кенг жамоатчилик вакиллари, биринчи навбатда, ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар ва бошқаларнинг бундай муҳим, ҳаётимизни ҳал қилувчи масалага эътиборини, ташаббусини жалб этиш вақти келди, деб ўйлайман.

Марказий Осиёда фаол меҳнат қилаётган жамоатчилик бизга ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғусини, муқаддас Туркистон туйғусини қайтадан тиклаш, халқларимиз қалбига пайванд этиши мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Ўйлайманки, ягона Туркистон шиорини барча халқларимиз қўллаб-қувватлашига заррача ҳам шубҳа йўқ. Буни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда ва бу барчамизга аён бўлиши керак...

Умид қиламанки, минтақа мамлакатларининг интеграцияси, бирлашуви учун хизмат қиладиган жамоатчилик ҳаракати тузилса ва бу ҳаракатда ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, қардош халқларимизнинг бирлиги учун курашга қодир инсонлар — ҳам Қозоғистон, ҳам Қирғизистон, ҳам Туркманистон, ҳам Тожикистон, ҳам Ўзбекистон вакиллари қатнашса, нур устига нур бўлиши аниқ.

Мазкур жамоатчилик ҳаракати «Туркистон — умумий уйимиз» деб номланса — айни муддао».

Президент Ислом КАРИМОВнинг
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида
сўзлаган нутқидан.

Муқованинг биринчи бетида:

«ГУЛИСТОН» журнали 70 ёшга тўлди. Сиз рангли суратда унинг турли йилларда чиққан сонларидан намуналар кўриб турибсиз.

Журналнинг ушбу 5 (сентябрь-октябрь) сони «ГУЛИСТОН» ташкил топганлигининг 70 йиллигига бағишланади.

Тилаб МАҲМУДОВ

САЖДАГОҲИМСАН,

Инсондаги ватан туйғуси қачон уйғонади? Илк баҳор ариқ ёқаларида қулоқ очган ялпизларга кўзинг тушгандами, ё атроф тераракка табиатнинг кўм-кўк гиламлари ёйилиб сени багрига тортгандами, ё бепоён осмон қўйнида ҳилпираётган варрак титрашини томоша қилгандами, ё ҳовлингдаги балх тути пишиб, унинг шохларида сакраб юрганингдами? Балки остонангдан узоқ-узоқ ерларга кетиб қолиб, таниш гўшаларни, қадрдон сиймоларни эслаганингда, кўз олдингга келтирганингдами?

Ишқилиб, Ватан туйғуси шундай азиз ва мўътабар ҳиссиётки, у қаерга бормайлик, нима иш қилмайлик, ким билан мулоқотда бўлмайлик, бизни ўзига тортиб турувчи муқаддас саждагоҳдир.

Беватанда она-Ватан туйғуси ўзгачароқ. Беватаннинг Ватан туйғуси кемтик, ногирон ва ўксикдир. Инсоннинг барча улуғвор орзу ва ниятлари ўз Ватани билан боғлиқ, шу Ватан истиқболи сари йўналган тақдирдагина унга нашъу намо, бахту шодлик, маънавий поклик ва соғломлик ато этади. Ватан учун қанча жабру жафоларга бардош бермоқ; Ватан учун, зарур бўлса, киши ўз жонидан жудо бўлмоқ; Ватан учун кечани кеча, кундузни кундуз демай меҳнат қилмоқ — инсоний камолот ва миллий балоғатнинг ифодасидир.

Ватан севгиси — кўз ёшларнинг ҳатто селдай оқиши, шиор каби жарангловчи чақириқлар эмас, дилни тилга, тилни дилга айлантиргувчи маънавият салтанатидир. Бу салтанатда тил ҳам, дил ҳам, тафаккур ва шуур ҳам эркин ва ихтиёрийдир. Эркинлик ва ихтиёрийлик Ватан туйғуси, меҳри ва садоқатининг абадийлик ҳамда безаволлик тимсолидир.

Ватан туйғуси доимо Ватан тақдири ва истиқболи билан боғлиқ. Маълум тарихий шароитларда халқ билан Ватан, Ватан билан шахс ўртасидаги мутаносибликни вужудга келтириш, мамлакат ҳаётида, тинчлик ва осойишталикка асосланган ислоҳотлар тизимини бошқариш ниҳоятда муҳим муаммо ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи сессиясида Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, бугунги кунда Ўзбекистонда сиёсий тизим тикланаётган, ҳокимият турли тармоқларининг фаолияти шакланаётган масъулиятли бир пайтда, уларнинг ҳаракатларини бир-бирига уйғунлаштириш, улар ўртасидаги номутаносибликни бартараф этиш, келгусида низоадоватларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатларга чек қўйиш — буларнинг ҳаммаси бугунги ва эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи масалалари эканини аксарият жамоатчилигимиз, халқимиз тўғри тушунади, яхши англайди.

Ана шунинг учун март ойининг охирида ўтказилган умумхалқ Референдуми Ватанимиз ва халқимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди. Сайловчилар Ватанимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга, Президент ва ҳукумат ўтказаётган сиёсатга Ватан манфаати, миллат истиқболи нуқтаи назаридан ўз муносабатларини билдирдилар.

Ватанимиз тарихидаги бу улкан воқеанинг моҳияти нималардан иборат?

Мамлакатимиз тарихида биринчи бор умумхалқ маслаҳати, умумхалқ овоз бериши жараёни содир бўлди; Референдум халқимизнинг багрикенглик, олижаноблик фазилатларини, эътиқоди баландлигини, онги юксаклигини тасдиқлаб берди; одамларимизнинг асли томир ўзаги бақувват бўлиб, уларнинг руҳий-маънавий яқинлиги, аҳиллиги, меҳр-оқибатлилиги яна бир карра намоён бўлди; олиб борилаётган сиёсатга, танлаган йўлимизга фуқаролар ишончининг нақадар мустаҳкамлиги намойиш этилди.

«Референдумнинг натижасини мен халқимга қилган озмикўпми хизматларимнинг жавоби деб биламан, — деди Ислом Каримов. — Чуқур миннуният билан айтмоқчиман: агар бу дунёда чексиз ишонч ва юксак ҳурмат-эътиборга сазовор бирор одам бўлса, мен ўша, кечаю кундуз халқимнинг бахтини, истиқболини тилаб ҳудога минг шукроналар айтиб юрган инсонман...

Яхши биламанки, бундай юксак ишонч мен учун хайр-эҳсон эмас, аввалambor улкан масъулият, огир мажбурият, шарафли ваколатдир».

Дарҳақиқат, Референдум натижалари шундан далолат берадики, юртимизда тинч-тотув, осойишта меҳнат учун шарт-шароит мавжуддир. Кўппартиявийлик асосида парламент сайланди. Жамиятнинг турли табақалари манфаатларини ифода этувчи партиялар аста-секин ўз фаолиятларини кенгайтириб боришда. Ана шундай бир шароитда Ватан тақдири, халқимиз истиқболи учун ишонч билан курашувчи кучларни бирлаштирувчи, кимнинг қайси партияга ва ижтимоий гуруҳга мансублигидан қатъи назар, уларнинг эзгу ният ва интилишларини яқинлаштирувчи нуқталарни топиш ва шу асосда меҳнат қилиш ниҳоятда муҳим масала бўлиб қолди.

Президентимиз айтиб ўтганидек, сохта обрў топишга уриниш, уруғчилик, гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, ошна-оғайнигарчилик, нафс балосидан халос бўлгани ҳолда барча саъй-ҳаракатлар, халқимиз ақл-заковати Ватанимизда тинчлик, осойишталик ва барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашга қаратилмоғи лозим. Ана шунда фаровон ҳаёт учун, ҳар бир оиланинг тўкин дастурхони учун эзгу шароит яратилган бўлади. Бинобарин «диёримизда яшаётган ҳар бир инсон, ким бўлишидан қатъи назар, шу заминда вояга етган, унинг сувини ичган, нонини еган, тузини тотган ватанпарвар, ҳар қандай сиёсий куч — шундай муқаддас мақсадлардан ортиқ яна нимани исташи мумкин?»

Ватан туйғуси, муҳаббати — бу мавҳум кечинма, тасаввур эмас. У тиниқ туйғуларнинг аниқ йўналишини, эзгу ниятларни ифода этувчи ватанпарварликдир.

Ватанпарварлик — бу мамлакатни нафақат душман тўпларидан, ҳасадли кўзлар, гаразли нигоҳлардан асраб қолишда, бугунни эрта билан, эртани орзу билан улаб, юрт осойишталиги йўлида меҳнат қилишда кўзга яққол ташланади.

«Ватанни севмоқ иймондандир» деган ақидага содиқ халқимиз иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳам жанг майдонларида, ҳам мамлакат ичкарисида фидокорона меҳнат қилди, юксак инсонпарварлик ва ватанпарварлик намуналарини намоён этди. Ота-оналаримиз, опа-сингилларимиз қаҳратон қишда дийдираб, ёз саратонида ёнса-да ўзи емасдан, киймасдан топган-тутган насибасини фронтга жўнаттани, азоб-уқубатларга чидаб, фидойилик кўрсатгани ҳаммага аён. Ўша машъум йилларда, бир бурда нон жондай азиз бўлганда халқимиз бошпанасиз қолган бева-бечора, ёш болаларга ўз уйининг тўридан, юрак-багридан илиқ жой ажратди. Ана шунинг учун «Уруш даври воқеаларини, жангчиларимизнинг жасоратини таҳлил этишда ва таърифлашда ҳам мафкурабозликни, баландпарвоз гапларни, дабдабали шиорларни ка-

ВАТАН!

майтириб, умри эрта хазон бўлган оталаримиз, акаларимиз хотираси олдида изтироб билан бош эгиб, уларнинг жасоратини фахр билан эслаб, аввалambор, ҳалок бўлганларнинг оилаларига гамхўрлик қилиш, бугун ҳаёт бўлган собиқ жангчиларга фақат тасаннолар айтиш билан чекланиб қолмасдан, уларга амалий ёрдам бериш — биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир».

Уруш қурбонлари ва изтиробларини бизга ватанпарварлик туйғуларимизни янада мукаммаллаштиришда ибрат бўлади. «Биз она - Ўзбекистон истиқлолини, унинг шаъну шавкатини қандай ҳимоя этишни ота-боболаримиздан мерос қилиб олишимиз ва унинг ҳимоясига ҳамиша тайёр турмогимиз даркор».

Ватанни севмоқ, унинг эркинлиги, мустақиллиги, равнақи ва истиқболи йўлида қайгурмоқ ҳар бир инсон учун чинакам эътиқод, маънавий эҳтиёжга айланиши керак. Бунинг учун ташвиқ ва таргиботнинг ҳожати йўқ. Бунинг учун Ватан ҳавоси, халқимиз навоси билан озиқланса бас! Бунинг учун элим деб, юртим деб меҳнат қилса, бас! Бунинг учун бошқа халқлар, қардошжондошлар билан дўсту биродар, аҳилу иноқ, самимий меҳрибон бўлса, бас! Бу йўлда ота-боболаримиз бизга юксак маданий-маърифий, руҳий-маънавий мерос қолдириб кетганлар.

Халқимизда «қўшнинг тинч — сен тинчсан» деган мақол бор. Шунга биноан, ҳозирги замон тараққиёти халқлар ва минтақалар ўртасидаги муносабатларда ўта ҳушёрлик ва эҳтиёткорлик билан иш олиб боришни тақозо этмоқда. Бир мамлакат тинчлиги, барқарорлиги минтақадаги ва дунёдаги тинчликка ҳам боглиқ бўлиб қолмоқда. Шу жиҳатдан Марказий Осиё минтақасидаги давлатларнинг — Тожикистон, Туркманистон, Қиргизистон, Қозогистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро алоқалари ва ҳамкорлигини ривожлантириш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунга тарихий бирлигимиз, маънавий бирлигимиз, маданий бирлигимиз, диний бирлигимиз, бир сўз, билан айттанда, чинакам инсоний бирлигимиз асос бўла олади.

Минтақамизда истиқомат қилиб келаётган тожик, туркман, қиргиз, қозоқ ва ўзбекларнинг шундай моддий ва маънавий бирлиги шаклланиб қолганки, уларни бир-биридан ҳар қандай ёвуз куч ёки ният ажрата олмайди. Бу фазилат ва ҳаёт тарзини янада кучайтириш ва кўркамлаштириш нафақат минтақа халқларига, балки инсоният ва инсонийлик учун ниҳоятда зарурдир. Президентимиз эслатишича: «Фалакнинг гардиши билан бугун қайси шахс минтақадаги қайси давлат жиловини қўлда тутиб турган бўлишидан қатъи назар, халқларимизнинг азалий бирлиги ва бир-бирига интилиши ҳар бир уйда, ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқда ва ҳар бир шаҳарда яққол сезилади. Минтақа бирлиги туйғуси нафақат маҳаллий халқ вакилларининг, балки бу гўзал заминни она-Ватан деб қабул қилган рус, украин, белорус, татар, корейс, яҳудий ва бошқаларнинг қалбидан ҳам муносиб ўрин олгандир.

Ота юртимиз Туркистон — катта бир уй, буюк бир рўзгор, буюк бир оила. Бу оила фарзандлари қанчалик яқин ва аҳил бўлса, рўзгор ҳам шунчалик обод ва тўкин бўлади».

Марказий Осиё давлатлари ва халқлари истиқболи ҳақидаги бу гап чинакам янги гап бўлди. Шунга биноан, Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш — бугунги куннинг энг долзарб масаласи бўлиб қолди.

Ижодкор зиёлилар — ёзувчилар, тарихчилар, файласуф ва санъатшунослар, матбуот ва маданият ходимлари бундай муҳим, минтақа халқлари истиқболи учун ниҳоятда зарур бўлган ҳодисани кенг кўламда ҳаётга татбиқ этишда ташаббускор бўлишлари лозим.

Мазкур жамоатчилик ҳаракатининг «Туркистон — умумий уйимиз» деб номланиши айни муддаодир. Унда ота-боболаримиздан муқаддас мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғуси, муқаддас Ватан туйғуси қайтадан тикланиб, халқларимиз қалбига мустаҳкам пайванд этилажак.

Бундай жамоатчилик ҳаракатининг Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар ва халқлар томонидан қўллаб-қувватланишига шак-шубҳа йўқ, чунки унинг асосий мақсади қадим Туркистон заминида яшаб келаётган барча халқлар, миллатлар ва элатларни тобора яқинлаштириб, ўзаро борди-келдиларни, маданий-маънавий муносабатларни, савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқаларни эркин давом эттириб, дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашдан иборатдир. Бундай маданий-маънавий ҳаракатлар бошланиб кетди. Ўзбекистонда Қозогистон маданияти кунлари, Қозогистонда Ўзбекистон маданияти кунларининг ўтказилиши Президентимиз фикрининг нақадар ҳаётий эканлигидан далолатдир.

Туркистон халқлари қадимий муштарак анъаналарга бой: тарихимиз, тилимиз, динимиз ва маънавиятимиздаги муштараклик халқлар ўртасидаги абадий дўстлик рамзидир; Буюк ипак йўли бизни тарих билан боғласа, ҳозирги мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий интеграция шартномалари бугунги халқларимиз истиқбол ва ҳамкорлик йўлини ёритмоқда.

Президентимиз Қозогистонда Ўзбекистон кунларининг тантанали очилиши маросимида сўзлаган нутқида айттанидек, «Бизга Оллоҳнинг ўзи қўшни бўлиб яшашдек улкан неъматни ҳадя этган. Бизнинг халқимизда «Ҳовли олма, қўшни ол», — деган мақол бор.

Биз азалдан буюк Турон — Туркистон деган ерда яшаймиз, бизга битта Қуёш нур сочади, бир булоқ ва бир дарёдан сув ичамиз. Огир пайтда қўшни қўшнига ёрдам берган, ундан ҳол сўраган, бир-биридан нонини, ширин сўзини аямаган.

Бизнинг илдизларимиз муштарақдир. Буюк боболаримиз Ал Беруний ва Ал Форобий, Ибн Сино ва Улуғбек, Баҳоуддин Нақшбанд ва Навоий, Бобур ва Абай, Абдулла Қодирий ва Мухтор Авезовнинг, бутун инсоният фахрланиб тилга оладиган кўплаб бошқа аждодларимизнинг юлдузлари асрлар оша бизга нур сочиб келди ва ҳозир ҳам нур сочмоқда.

Ҳар биримиз Хўжа Аҳмад Яссавий номини тилга олар эканмиз, алоҳида гурурни ҳис этамиз. Унинг фаолияти донолик ва адолат мезони бўлиб, Туркистондаги барча халқларни бирлаштириб, жипслаштириб турибди».

Бинобарин, Марказий Осиё минтақасида тинч-тотув яшашга эришиш, одамлар орасидаги бир-бирига ишонч ва дўстона муносабатларни мустаҳкамлаш, қувончли кунларда, қайгули дамларда ҳам бир-бирини қўллаб-қувватлаш, ота-боболаримиз қолдирган маънавий меросни келажак авлодлар руҳиятига гард юқтирмай етказиш мустақиллигимиз самараси ва истиқлол мезонидир.

«ГУЛИСТОН» ЖУРНАЛИ—70 ЁШДА

Шу йил ноябрь ойида «Гулистон» журнали ташкил топганлигига 70 йил тўлади.

«Қизил Ўзбекистон» газетасининг 1925 йил 5 октябрь сонида қуйидаги эълон босилган:

«Ер юзи» журналининг чиқиши ҳақидаги қарор кўчирмаси».

«Ер юзи»ни кўрсатадурғон суратлик, содда ва ҳар тўғридан маълумот бергучи журнал.

«Қизил Ўзбекистон» газет идораси мамлакатимизда бўлиб турғон кучларнинг энг яқин ва жонлик иштироки билан октябрь ойининг ўрталаридан бошлаб ўзбек матбуот дунёсида энг биринчи мартаба «Ер юзи» журнали чиқармоққа қарор қилди.

«Ер юзи» журнали Ғарбдан, Шарқдан ва бутун олам ҳодисаларидан чиройлиқ, ҳам 15 кунда бир мартаба жуда аъло қоғозда, техниканинг сўнг усули билан босилиб тарқатиладир. «Ер юзи»нинг ҳар сонида ёш шоирларимиз ва ҳикоянависларимизнинг замонавий асарлари ёзилиб турадир, мамлакатимизнинг тарихий ва асрий тирикчилигини ўқувчилар кўз олдида ёритмоққа ҳаракат қиладир, жамоат ходимларимизнинг ҳам фаол ишчиларимиз билан юртни танишдирадир, ҳали бизнинг Ўрта Осиё халқига номаълум бўлган жойлар билан, «қуш учса қаноти куяр, одам юрса оёғи куяр» қабилидаги маконларни кенг тасвир этадир, газет ва телеграф хабарларидаги воқеаларни суратлар билан кўрсатадир. Ёшларимиз орасидан санъаткор, журналист (матбуотчилар) чиқармоққа ҳаракатда бўладир, хулоса: ўқувчиларимиз «Ер юзи» журналида истаган нарсаларини топа олурлар».

«Гулистон» журналига асос пойдевор бўлган «Ер юзи» журналининг илк сони 1925 йилнинг ноябрь ойида дунё юзини кўрган эди. Мазкур нашр ҳақида ўша йилларда атоқли адиб ва донгдор журналист Зиё Саид ўзининг «Ўзбек вақтли матбуоти турихига материаллар» (1927) китобида шундай ёзади: «Ўн беш кунда бир чиқадурғон расмлик (суратлик) журнал. 1925 йилнинг охирида ва 26 йилнинг бошларида... кундалик газеталар ва қалин журналлардан ташқари дунё воқеаларини, илмий, сиёсий, ижтимоий ва жиддий ҳодисаларни кўзга гавдалантириб бергувчи русларнинг «Огонёк»идек популяр (умумий ва енгил) журналға эҳтиёж туғилғонлиғи сезилади. «Қизил Ўзбекистон» газета идораси бу эҳтиёжни қоплашни ўйлаб, «Ер юзи»ни чиқармоққа қарор қилди...».

Шундай қилиб, «Ер юзи» илк бор 1925 йилнинг ноябрь ойидан «Қизил Ўзбекистон» газетасига илова тариқасида, ҳар ўн беш кунда бир марта чиқадиган бўлди.

«Ер юзи» ўқувчилар ўртасида катта шуҳрат қозонди. Журналнинг бундай мавқега эга бўлишида унинг илк бош муҳаррири Комилжон Алимов, ундан кейин Маннон Рамз, шунингдек, масъул котиб Аъзам Айюб, Санжар Сиддиқ, Саиджон Валиев ҳамда таҳририят аъзолари — Элбек, Боту, Зиё Саид каби ларнинг хизмати бениҳоя бўлди. «Ер юзи»нинг ҳар бир сонида Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Зиё Саид, Олтой, Боту, Тошпўлат Саъдий, Абдулла Алавий каби атоқли адиблар, шоирлар, журналистларнинг мазмунан қизиқарли, бадиий юксак асарлари, мақолалари, таржималари босилиб турарди.

Журнал 20-йиллардан авж ола бошлаган матбуот ва маънавият оламига коммунистик мафкура яккаҳокимлиги сиёсатини ўтказишдан четда қолмади. Миллий маънавий мерос ва турк халқлари асори-атиқаларидаги муштарак жиҳатлар, адабиёт ва санъат асарларидаги эркин фикрларни тарғиб қилиб келаётган «Ер юзи»га қарши кураш авж олди. Тоҳир Фидойининг ҳақли таъкидлашича, ғаламисларча уюштирилган ҳужум ва тазйиқлар туфайли журнал 1931 йил декабрь ойидан бошлаб «ер юзи»ни кўрмай қолди. 1932 йил апрель—июнь ойларида «Ўзбекистон қурилишида», 1934 йил октябрь ойидан «Машъала», 1935 йил февраль ойидан бошлаб «Гулистон» номида чиқа бошлади. «Гулистон» фақат «Ер юзи»нинг моддий-техник манбаидагина туғилиб қолмасдан, айни пайтда, у журналнинг ғоявий-тематик йўлини, мундарижасини, руҳини давом эттирди. «Гулистон» 30—40-йилларда ўзбек адабиёти, маданияти, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётининг чинакам кўзгуси бўлиб қолди. 1936 йилдан то 1942 йилгача унга бирин-кетин Анқабой, Жуманиёз Шарипов, Ҳ. Абдуллаев, Насрулло Охундий, Воҳид Зоҳидов ва Эминжон Аббос сингари таниқли адиблар, шоирлар, олимлар муҳаррирлик қилдилар.

Бироқ иккинчи жаҳон уруши бошланиб, фашист босқинчиларига қарши кураш авж олган йилларда «Гулистон» фаолияти тўхтаб қолди. Янгидан чиқа бошлаган «Гулистон»га 1967 йилдан Иброҳим Раҳим, 1969—1980 йилларда Асқад Мухтор, ундан кейин то 1993 йилгача Мирмуҳсин муҳаррирлик қилдилар.

Иброҳим Раҳим муҳаррирлик қила бошлаган даврда «Гулистон»нинг ўқувчилар оммаси орасидаги шуҳрати янада кенг қулоч ёйди.

Бош муҳаррир ташаббуси билан Беллолининг «Чўмилаётган соҳибжамол» асаридан рангли нусха чоп этилганда тасвирий санъатнинг бундай нодир намунаси жуда кўп муштарийлар уйи ва дилига кириб борди. Бироқ журналда Амир Темурнинг «Темур тузуклари» ва Расул Ҳамза-

товнинг «Менинг Доғистоним» асарларининг айрим боблари эълон қилиниб, қолганлари устига қор ёғилди.

Бу даврларда «Гулистон» журналининг нуфузи анча ошиб, даврнинг долзарб муаммолари унинг саҳифаларидан ўрин олди. Журнал юз минглаб ўқувчиларига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 25 майдаги 248-қарорига биноан республикада нашр этилаётган «Нафосат» ва «Гулистон» журналлари негизида «Гулистон» журнали қайта ташкил этилди. Чунки ҳар икки журнал ҳам ўз ғоявий-тематик йўналишига кўра бир-бирига анча яқин, ҳамнафас бўлиб, уларнинг ягона бир нашрга айланишидан ҳам ўқувчилар, ҳам матбуот манфаатдор эди.

Шундай қилиб, 1994 йилнинг январь ойидан бошлаб «Гулистон» ҳар икки ойда бир марта, 8 босма табоқ ҳажмда, ижтимоий-сиёсий ва бадиий безакли журнал сифатида қайта чоп этила бошланди.

Қайта ташкил этилган «Гулистон» фақат шаклангина янгиланиб қолмади, балки севикли она-Ўзбекистон мустақилликка эришган ҳозирги тарихий даврда у мазмун эътибори билан ҳам тамомила қайтадан туғилди. Мустақиллик ғалабаларини тобора мустаҳкамлаб бориш, миллий тараққиёт мафкурасини яратиш ва ривожлантириш йўлидаги изланишлар журналнинг бош мавзу йўналишига айланди. Журнал саҳифаларидан кўп тармоқли маданият соҳаларига эътибор кучайди. Маданий мерос ва миллий қадриятлар, театр, мусиқа, тасвирий санъат ва халқ ижодиёти, маданий-маърифий муассасалар ва ҳаваскорлик дасталари фаолиятлари, қардош халқлар маданияти муваффақиятлари, адабиёт ва санъат муаммоларини журналда ёритишга катта аҳамият берилмоқда.

«Гулистон» мустақил Ватанимиз ва халқимизнинг ижтимоий-миллий онги, маънавияти, маданиятини юксалтиришдек муҳим вазифаларга сидқидилдан хизмат қилмоқда.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ,
халқ артисти.

НАФОСАТ ГУЛШАНИ

Серқуёш диёримизнинг синовлардан ўтган минбари — «Гулистон» журналининг 70 йиллик тўйи маданий ҳаётимиздаги катта воқеалардан биридир.

Кўзимни очиб «Гулистон»ни кўрганман десам, хато қилмаган бўламан. Дил қулфимни очган ҳам шу табаррук журнал, чунки отамиз Иброҳим ҳожи ўтли Муҳаммад қори уни ҳар доим севиб, мутолаа қилардилар. Шу журнал орқали Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар»ини ҳижжалаб, Ғафур Ғуломнинг «Ёдгор» асарини эса чанқоқлик билан ўқиганман.

Таҳририят «Темур тузуклари»ни чоп этиб, улуг ишга қўл урдики, бундан кенг жамоатчилик жуда катта манфаат кўрди.

Айниқса, журналда чиққан бир-биридан яхши ва чиройли расмларни одамлар энг кўзга кўринарли жойларга плакат сифатида осиб қўйишлари, менимча, қувончли ҳолдир. Баъзан инсон ишдан ҳориган пайтларида табиат қўйнига ошиқади. Ҳеч бўлмаганда, расмни кўриб, бир оз бўлса ҳам ором олади. Демак, айтмоқчиманки, журнал манзаралар билан ҳам ўқувчиларни ўзига қарата олиши мумкин экан.

Мен ушбу нашрнинг бой маънавият дунёси бўлиб қолишини жуда-жуда истардим. 1990 йилда Амриқога собиқ Совет Иттифоқидан 180 киши маънавиятга бағишланган халқаро анжуманга боргандик. Гуруҳимиз олим, диндор ва санъаткорлардан иборат эди. Биз иштирок этган анжуманни миллатчи корейс бўлган Амриқо фуқароси, файласуф ва жуда катта бойлик эгаси Мун уюштирган бўлиб, у XXI аср қайғуси билан яшар экан. У ўз маърузасида агар дин, адабиёт, санъат инсон руҳига таъсир кучини йўқотса, ҳозирги техника тараққиёти дунёни ҳалокатга олиб бориб қўйиши мумкинлигини, бу фалокатдан инсониятни фақат маънавият сақлаб қола олиши мумкинлигини уқтирди. Бир ҳафта давом этган анжуманда ҳозирги замоннинг етук ёзувчилари, дин арбоблари ўзларининг XX аср ҳақидаги қарашларини баён қилдилар. Уларнинг фикрларидан ҳамма халқларнинг ўз буюклари умуминсоний фикрларни баён қилганликлари ва тинч-тотув яшашга чақирганликлари аён бўлди.

Бугун биз истиқлолга эришган эканмиз, маънавиятнинг жуда-жуда зарурлиги яна бир бора аён бўлмоқда. Бизнинг буюкларимиз ҳам ана шу тўғрисида жуда кўп фикрларни айтишган. Масалан, Мирзо Улутбек: «Эй, одамизот, юлдузлардан ўрнак олгин сен, хайрихоҳлик ва баландлик хислатларидан. Нега одам авлоди нуқул миллат аро, динлар аро жанжалларга банд. Дунё бир, қуёш бир, инсоният бир. Шундай сўлмас бир боғдурки, боғи маърифат, ҳар эл унга экиб қўйган ўз дарахтини. Ҳар ўлканинг дилидаги нафосат гули, ўша боғнинг гулзорида яшнаб бир маҳал, насиб этган ҳар улусга таратар атрин». Абу Райҳон Беруний: «Ота-онам ҳалол, пок ҳамда художўй эди...» Баҳоуддин Балогардон Нақшбанд: «Дил ба ёру, даст ба кор» дейиши ҳам бежиз эмас, менимча.

Зеро, авлодларимиз буюклигини бугун бизнинг ёшларимиз давом эттиришлари даркор. Буни журнал кенг оммага етказа билиши керак. Журнал саҳифаларида республикамиз меҳнат аҳлини ҳалолликка, покликка чорловчи, фарзандларимизни илм олишга ундовчи мақолалар кўпроқ босилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Менинг назаримда, ушбу нашр барча матбуот нашрлари ичида доимо биринчи бўлиб келган отахон журналлардан биридир. Шундай экан, маънавиятни тарғибу ташвиқ этишда ҳам забардаст ва биринчилардан бўлиб қолсин.

Журналнинг заҳматкаш қаламкашларига ижодий муваффақиятлар ва энг муҳими — саломатлик тилайман.

ШЎРО ТУЗУМИ шароитидаги матбуотнинг шаклланиш ва ривожланиш жараёни етмиш йилдан зиёд ҳукмронлик қилган якка партиявийлик тизими шароитида кечди. Собиқ СССРда матбуот устидан мамлакатдаги ягона сиёсий ташкилот — Коммунистик партиянинг мутлоқ яккаҳокимлиги ўрнатилди, газеталар, журналлар, китобу рисолалар қиёфаси, йўналиши шу партия раҳбарияти кўрсатмалари асосида белгиланди, журналистлар фаолияти давлат ва партиявий назоратнинг қаттиқ исканжасига олинди. Матбуот партия раҳбарияти йўл-йўриқлари ва нуқтаи назарининг жарчисига айланди, ҳукмрон мафкура талабларига батамом бўйсундирилди.

Коммунистик партия ва унинг изми билан иш кўрган Совет ҳукумати тоталитар тузум кўзлаган сиёсий ва оммавий мақсадларга эришмоқ учун миллий жумҳуриятларда ҳам матбуот ривожини рағбатлантирди. Чунончи, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан собиқ Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятида ҳам ўзбек тилидаги даврий матбуот тармоғи «Камбағал деҳқон», «Ёш ленинчи», «Қизил юлдуз», «Ленин туғуни», «Батраклар газетаси», «Ишчи» каби жумҳурият миқёсидаги қатор янги рўзномалар, «Ер юзи», «Янги йўл», «Маориф ва ўқитувчи», «Аланга», «Янги қишлоқ», «Коммунист» номли янги журналлар ҳисобига кенгайди. Уларнинг айримлари бошқа номларда 30-йилларда ҳам чиқишда давом этди.

Ана шу нашрлар сафида ҳозирги «Гулистон» журналининг биринчи салафи — ўзбек тилидаги дастлабки оммавий-ижтимоий, сиёсий, адабий-бадиий ва расмли-безакли журнал «Ер юзи»нинг ўзига яраша муносиб ўрни бор.

«Ер юзи» журнали 1925 йил ноябрь ойида бунёд бўлди. Уни ташкил қилиш нияти «Қизил Ўзбекистон» жумҳурият партия рўзномаси идораси багрида тугилган эди. Ушбу газетанинг ўша даврдаги саркотиби Зиё Саид бу тўғрида қуйидагиларни ёзиб қолдирган: «Кундалик газета ва қалин журналлардан ташқари дунё воқеаларини, илмий, сиёсий, ижтимоий ва жиддий ҳодисаларни кўзга гавдалантириб берувчи русларнинг «Огонёк» журналидек популяр (умумий ва енгил) журналга эҳтиёж тугилганлиги сезилади. «Қизил Ўзбекистон» газетаси идораси бу эҳтиёжни қоплашни ўйлаб «Ер юзи»ни чиқармоққа қарор қилди».

Бу режанинг рўёбга чиқишида ўзбек журналистикасининг таниқли намояндаларидан бири, ўша кезларда «Қизил Ўзбекистон» газетаси саркотибининг муовини вазифасида ишлаган истеъдодли ташкилотчи ва қаламкаш Аъзам Айюбнинг хизмати катта бўлди. Унинг саъй-ҳаракати билан 1925 йилнинг ноябрида ўзбек ўқувчилари «Ер юзи» номли 15 кунда бир топқир чиқадиган янги журналнинг биринчи сонини олишга мушарраф бўлдилар. Бу сон 5200 нусхада Тошкентнинг Эски шаҳаридаги биринчи босмахонада чоп этилганди. Аъзам Айюб мазкур журналнинг фаол ташкилотчиси, биринчи саркотиби ва амалда биринчи муҳаррири ҳам эди. Журналнинг мавзу доирасини белгилаш, унга муаллифлар танлаш, материал йигиш, тўпланган материалларни таҳрирдан ўтказиш ва нашрга тайёрлаш, журналнинг белгиланган муддатда чиқиб туришини таъминлаш — бу сермашаққат юмушларнинг ҳаммасини журнал фаолиятининг дастлабки даврида, кўп ҳолларда, ёлгиз Аъзам Айюбнинг ўзи бажарган.

«Ер юзи» журнали дарҳол ўқувчиларнинг эътиборини қозонди. Ҳам ташқи кўриниши, ҳам мазмуни, ҳам тили жиҳатидан кенг оммага тушунарли бўлган «Ер юзи» жамоатчиликнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. «Журнал бундай юксак баҳога, — деб таъкидлаган эди Москвада чиқадиган «Журналист» ойномаси ўзининг 1927 йилдаги биринчи сонида, — энг яхши ўзбек журналистларидан бири, журналнинг бутун кучини ўз халқининг маданий эҳтиёжларига сарфлаётган ёш, сергайрат масъул котиби ўртоқ Аъзам Айюбнинг фидокорона меҳнати туфайли сазовор бўлди».

1927 йилнинг бошида Аъзам Айюб «Қизил Ўзбекистон» редакциясининг масъул котиби вазифасига тайинлангач, «Ер юзи»да котиблик ишини таниқли журналист, адабий таржимон, театршунос ва санъатшунос Санжар Сиддиқов давом эттирди.

«Ер юзи» журнали «Қизил Ўзбекистон» газетасининг нашри сифатида чиққанлиги учун ушбу газетанинг масъул муҳаррири расман «Ер юзи»нинг ҳам муҳаррири ҳисобланган. 1925—1927 йиллар оралигида журнал «Қизил Ўзбекистон» муҳаррирлари Комилжон Алимов, Маннон Рамз, Қосим Сорокинларнинг умумий раҳбарлигида чоп этилган. Аъзам Айюб, Саидғани Валиев, шоирлардан Элбек (Машриқ Юнусов), Боту (Маҳмуд Ҳодиев) журнал таҳрир ҳайъатининг аъзоси бўлганлар. Улар журнал фаолиятини йўлга қўйишда катта амалий-ташкилий кўмак кўрсатибгина қолмай, айни паллада «Ер юзи» учун талайгина адабий ва журналистик асарлар ижод этиб, журнал мундарижасини бойитишга салмоқли ҳисса қўшдилар.

Мавжуд маълумотлар журнал ташкилотчилари «Ер юзи»ни мазмундор ва ўқимишли қилиб чиқариш мақсадида унга даврнинг пешқадам адибларини фаол жалб қилишга интилганларидан далолат беради. Чунончи, журнални чиқаришга тайёргарлик кўрилаётган пайтда унинг ташаббускорлари шоир Чўлпон билан боғланиб, ундан нашр қилинажак журналнинг биринчи сонига бирон нарса ёзиб беришни ва умуман журналда қатнашиб туришни илтимос қилганлар. Кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган ижтимоий-сиёсий, адабий ва расмли-безакли журнал ташкил қилиш гояси ўзбек матбуоти жонкуяри Чўлпонни беҳад қувонтирган ва у янги нашрни журналхонлар ўртасида ташвиқ қилиш ниятида журналнинг биринчи сонига атаб «Бу нима нарса?» сарлавҳали шеър ёзиб берган.

Кейинроқ шоирнинг «Ер юзи»да қатор бошқа шеърий ҳамда публицистик асарлари босилиб чиқди. Уларнинг аксарияти журнал фаолиятининг дастлабки даврида чоп этилган.

Бу ўринда ҳурматли журналхонлар эътиборини Чўлпон билан «Ер юзи» журнали ўртасидаги алоқанинг яна бир муҳим жиҳатига жалб қилмоқчимиз. Шоир ва драматург Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг шахсий архивида Чўлпоннинг «Ер юзи» учун бирон-бир нарса ёзиб бериш тўғрисида Ҳамзага ёзган илтимосномаси сақланиб қолган. Бу мактуб матни Ҳамза асарларининг сўнгги мукаммал нашрига илова қилинган. Афтидан, бу мактубни Чўлпон Ҳамзага ё ўз ташаббуси билан ёхуд журнал таҳрир ҳайъатининг илтимосига кўра йўллаган. Му-

ЮЗМА-ЮЗ

ҳими, мазкур далил Чўлпоннинг «Ер юзи» журналига эътибор билан қараганлигидан гувоҳлик беради.

«Ер юзи» журнали теварагига уюшган пешқадам қаламкашларнинг сафи кенг бўлган. 20-йилларнинг иккинчи ярми ва 30-йилларнинг бошларида ижод билан шуғулланган биронта иқтидорли ўзбек шоири, ёзувчиси, журналисти, олими йўққи, у «Ер юзи»да ҳамкорлик қилмаган бўлсин. «Ер юзи» кўпдан-кўп ёш талантлар учун ижодий мактаб вазифасини ўтади, уларнинг адабиёт, санъат, журналистика ва фото оламига дадил кириб келишига сабабчи бўлди, ўзбек бадиий таржима адабиётини ривожлантиришда самарали фаолият кўрсатди.

Эл назарига тушган, дастлаб 5200, 1931 йил бошида эса 10700 нусхада тарқалган «Ер юзи» журнали 1931 йилнинг ёзидан чиқмай қўйди. Бу паллада жумҳуриятда таҳликали маънавий-сиёсий муҳит ҳукм сурмоқда эди. Ҳамма жойдан душман, миллатчилик қидириш бошлаб юборилганди. Ҳукмрон мафкура миллий жумҳуриятлардаги Шўро тузуми душманлари биринчи галда аксилинқилобчи миллатчилардан иборатдир, деган иғвогарона фикрни адабиёт ва журналистика орқали жамоатчилик онгига зўр бериб сингдириш пайига тушган, «миллатчиликни ва миллатчиларни фош қилиш» даврнинг энг долзарб мавзуи, деб эълон қилганди. Миллатчиликни қидириш, айниқса, матбуотда авж олдирилди. «Миллатчи» тамғаси қанчадан-қанча юртпарвар, миллатпарвар, ўзбек зиёлиларигагина эмас, балки эрксизлик, тутқинлик муҳитининг заҳматларига дош бериб, ўрни келганда ҳақ гапни айтишга, соғлом фикрни баён этишга, миллий ифтихор туйғусини ардоқлашга ботинган матбуот нашрларига ҳам босилди. «Ер юзи» журнали ҳам ана шундай адолатсизлик, зўравонлик, ўзбошимчалик асири бўлди. Ҳукмрон мафкура посбонлари, асосан, 1927 йилдан эътиборан, яъни Чўлпон, Боту, Элбек каби шоирлар турли йиғинларда ва матбуот саҳифаларида «миллатчи» деб бадном қилина бошланган пайтдан «Ер юзи» журнали устидан назоратни кучайтирдилар.

Биз юқорида Чўлпон журналда ҳамкорлик қилганини, Боту билан Элбек журнал таҳрир ҳайъатининг аъзоси бўлганликларини айтиб ўтган эдик. 1927 йилда Элбек билан Боту адолатсиз равишда ҳайъат таркибидан чиқарилдилар. Журнал саҳифаларида Чўлпон номи ҳам кўринмай қолди. Журнал юмушининг бутун оғирлигини ўз елкаларида кўтарган Аъзам Айюб, Саидғани Валиев, Санжар Сиддиқовлар «ҳушёрликка» чақирилиб, улар фаолиятини зимдан кузатиш кучайтирилди. Бироқ ҳукмрон мафкура посбонлари ўзларининг журнал ишидан қониқиш ҳосил қилмаёттанликларини турли шаклларда англатиш билан, кифояланмай, зимдан журнални бутунлай тўхтатиш режасини тайёрлай бошладилар. Бу режани амалга оширишда, жумладан, шу журнал тузини ичган, ўз даврида «қизил ғоя» учун изчил курашчилар деган ном билан довруғ қозонган икки донгдор журналист — Зиё Саид ва Комил Алиевларга тазйиқ қилиб, уларнинг хизматидан фойдаланилди. 1931 йил 6 май куни жумҳурият партия рўзномасида «Ер юзи»нинг юзи» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда «Ер юзи» журналига бутун жумҳурият жамоатчилиги кўз ўнгида «журнал социал мусобақа ва зарбдорчилик асосидаги социализм қурилишини инъикос эттиришга тиришмади», «партия бош йўли учун астойдил курашмади», «маҳаллий миллатчиларга қарши курашдан ўзини четга олди», «национал шовинистлар ва пантуркистлар учун минбар хизматини ўтади» қабилидаги бир-биридан таҳликали қатор айблар тўнкалди.

Мақола матни билан танишар эканмиз, муаллифлар нима қилиб бўлсада, «Ер юзи»ни бадном қилиш нияти билан қўлга қалам олганликларига тўла ишонч ҳосил қиламиз. Мақоланинг ҳар бир сатридан шум ният, иғво, бўҳтон ва сафсата уфуриб туради. Мақоланинг махсус топшириқ билан тайёрланганлиги унинг йўналиши ва услубидан яққол сезилади. Мақола жуда кўп кишиларни, даставвал, ижодкорларни таажжуб ва ташвишга солди. Нега бундай хосиятсиз топшириқ Зиё Саид ва Комил Алиев зиммасига юкланди экан? Бизнингча, ҳукмрон мафкура посбонлари ўзларига керакли жамоатчилик фикрини яратиш, шум ниятларининг «тўғрилиги»га жамоатчиликни ишонтириш учун ўзларининг ўткир ҳажвлари ва фельетонлари билан эл назарига тушган бу икки қаламкашнинг обрўсидан фойдаланишни кўзлаганлар.

Биз юқорида «Ер юзи»га тўнкалган айблар аслида ҳавойи эканини қайд этган эдик. Нега журнал ҳақида илгари билдирилган ижобий фикрлар, баҳолар бирдан ўзгариб қолди, у «миллатчи» нашр, деб бадном қилинди? Ахир, ўзбек вақтли нашрлари муҳаррирларининг Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг матбуот бўлими томонидан 1926 йилда ўтказилган кенгашида «Ер юзи» журнали Ўзбекистон маданий ижодининг энг яхши намунаси, деб топилган эди-ку! Ахир, Зиё Саиднинг ўзи 1927 йилда чоп эттирган «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материаллар» рисоласида «Ер юзи» ўзининг биринчи сони биланоқ ўқувчилар орасида кутилгандан ортиқ ҳусни таважжуҳ қозонди, жуда тез фурсатда ўз ўқувчиларини топди. «Ер юзи» ўз таъсисидан бошлаб ҳали тегилмаган маҳаллий мавзуларга тегмакка бошлади. Унинг энг фарқ этадиган афзал нуқтаси ҳам шудир... «Ер юзи» 2—3 сонидан кейин ўзини кўримли қилишга эришди. Расмлари ҳам Москов журналларининг маҳсулидан паст эмас, балки бирмунчаларидан юқори... «Ер юзи» Шарқ ўлкаларига, айниқса, аҳамият берди. Ўз фаолияти давомида Шарқ мамлакатларининг ҳаммасини деярли даражада ўқувчиларга таништирди. Ғарбдаги ҳеч бир ҳодисани ташбеҳ этмай ўтмайди» деб ҳақиқатни ёзган эди-ку?!

Бутун шўро матбуоти каби умуман партия чизиғи, ҳукмрон коммунистик мафкура доирасида фаолият кўрсаттан «Ер юзи» саҳифаларида сохта социализм кўринишларини акс эттирувчи адабий ва журналистик асарларга кенг ўрин берилганлигини ҳисобга олсак, «Ер юзи»нинг юзи» мақоласи муаллифларининг журналга тўнкаган: «социализм қурилишини инъикос эттиришга тиришмади», «партия бош йўли учун астойдил курашмади» деган айблари иғвогарлик мақсадини кўзлаган уйдирмадан бўлак нарса эмаслиги аён бўлади. Муаллифлар журналдан миллатчиликни қидиришга асосий эътиборни қаратадилар. Шу мақсадда «далил» сифатида журнал мақолаларидан кўплаб парчалар келтирадилар. Чунончи, журналнинг турк халқининг инглиз босқинчиларига қарши миллий мустақиллик учун курашига бағишланган бир мақоласидан қуйидаги парча келтирилади: «Туркиянинг янгидан етишган миллий шоирлари ва жамоат ходимларининг энг танноз ва энг мумтозлари Анқарада йиғилгандирлар. Буларнинг ичида энг илгарида тургани маориф нозири Ҳамидулла Субҳайбекдир. Бу одам «Турк ўчоғи»да ўқийтурган докладлари, «Турк юрти»да ёзатурғон мақола ва шеърлари билан туркларнинг миллий ҳиссиётларини ўстиришга хизмат қиладилар. Миллий истиқлол йўлида суханғўйлик қилгучилар ичида ёзувчи Юнус Нодий билан шоир Ёқуб Қодирбеклар ном чиқаргандирлар. Мусулмон хотинларининг озодликка чиқишларининг тимсоли ва намунаси Холида адиб хонимдир. Бу хоним миллий мужоҳада вақтида қўлида милтиқ бўлғон ҳолда урушга қатнашгандир».

Бу парчадан «Ер юзи»нинг юзи» мақоласининг муаллифлари чиқарган хулоса мана бундай: «Журнал бу билан озодлик учун Холида адибдай қўлга қурол кўтариб, «жиҳоди муқаддасга» чиқиш ва Ҳамидулла Субҳайбекдек миллий ҳисларини ўстиришга, Юнус Нодий ва Ёқуб Қодирбеклар сингари миллий истиқлол йўлида курашинг демакчи, бугина эмас, мусулмон хотинларни озодликка чиқаришда Холида адибдан ўрнак олишга чақириб, меҳнаткаш хотин-қизларнинг ҳақиқий озодликлари учун компартия раҳбарлигида ишлаган Роза Люксембург ва ишлаёттан Клара Цеткин ва Крупская ўртоқлардан юз ўгирмоқчи бўлади».

Аъзам АЙЮБ

«ЕР ЮЗИ»НИНГ

(«ЕР ЮЗИ», 1928 ЙИЛ, N 19)

Истиқлол туфайли бугунги кунда тарихий ўтмишимиз, урф-одатларимиз, тилимиз бир-бирига яқин бўлган диндош турк халқи билан алоқаларимиз кенгайиб боряпти. «Ер юзи» журнали Туркия билан маданий алоқалар сўқмоғини очиб, ўз ўқувчиларини турк халқи ҳаётида содир бўлаётган муҳим ижтимоий, сиёсий, маданий воқеалар билан таништиришга ҳаракат қилди. Унинг бу борадаги фаолияти қасддан туркпарастликка йўйилди. «Ер юзи» 1925 йилдаги бош мақолаларидан бирида буюк Алишер Навоий номини, унинг бебаҳо адабий меросини ардоқлаш зарурлигига эътиборни жалб қилиб, қуйидагиларни ёзганди: «Навоий турк тилини тургизган ва чиғатой адабиёти деган бир адабий мактабнинг бу кунгача яшамогига сабаб бўлган кишидир. Шунинг учун уни танимоқ, уни тақдир этмоқ бугун турклар учун бир вазифадур. Мана шу ҳолни назарга олиб, бу кун турк дунёсининг ҳар ерида — Туркияда, Озарбайжонда ва бизда унинг беш юз йиллик тўйини ўтказмак истайдирлар».

«Ер юзи»нинг юзи» мақоласи муаллифлари бу парчани: «Бу фикрлар билан журнал бир отишда икки қуён овламоқчи бўлади. Бир томондан пантуркистликни кузатса, иккинчидан, афкор оммани шўро пролетар адабиётидан четда — мистика, суфизм билан суғорилган феодализм адабиётига судраб, кундалик қурилишдан, синфий курашдан орқага қайтармоқчи бўлган», деб талқин қилдилар. Ўтмиш меросимизнинг бетакрор дурдоналари — меъморчилик обидаларини авайлаб асраш, қадрлаш ҳақидаги «Ер юзи» хитобига жавобан мақола муаллифлари: «Асори-атиқалар мерослари бўйича қолган мадрасалар тўғрисида кўз ёш тўкиш пролетар матбуотининг вазифаси эмас эди-ку!» — деб заҳарханда қилдилар.

Мақола муаллифлари тирноқ остидан кир қидиришда давом этиб, журналнинг 1929 йил 15-сонида босилган «Тоштарашлар» сарлавҳали мақола устида тўхталадилар. Миллий ҳунармандчилик тури — сангтарошликни сақлаб қолиш ва ривожлантириш таклифи илгари сурилган бу мақолада, жумладан, мана бу сўзлар ёзилганди: «Тоштарашлик Амир Темур замонасида жуда тараққий топган эди. Тоштарашлик билан эллик йил умр кечириб келган усталарнинг сўзига қараганда, Амир Темур замонасида Самарқандниг ўзида 360 та тоштараш дўкони бўлиб, мингдан ортиқ одам шу ҳунар билан кун кўрган. Ҳозирги Бибихоним, Шердор, Улуғбек, Тиллакори мадрасалари ва бошқа жойларда ётқизилган яхлит мармар тошлар шу тоштарашлар қўли билан ишланган. Фақат шу 10—15 йилдан бери тошларнинг бозори касод бўлиб, тоштарашлар бошқа ҳунарга кўчганлар». Бу парчани мақола муаллифлари қуйидагича изоҳлайдилар: «Бу фикрлар остида тоштарашларни кустпром союзларига уюштириб, уларни ҳақиқий ишчиларга (миллий пролетар кадрларга) айлантиришдан сақлаб қолиш нияти узала тушиб ётади».

«Ер юзи»нинг партия бош йўли учун астойдил курашмаганлигини «исботлаш» ниятида келтирилган «далил»лардан яна бири мана бу: «Журнал 1931 йилдаги 1-сонида ўртоқ Молотовнинг СССР Совнаркомига Раис қилиб сайланиши сиёсат дунёсида катта ҳодисалардан бўлишига қарамасдан, унинг (Молотовнинг) бир ярим квадратли кичик бир расмини жойлаштириб, 1—2 огиз изоҳ билан кифояланди».

Бу очиқдан-очиқ ғаламислик эди.

Хулоса қилиб айтсак, «Ер юзи» журнали миллийликни сақлаб қолишга интилгани учун, ўз ўқувчиларида миллий тарихимиз ва бой маданий ўтмишимиз билан фахрланиш туйғусини мустаҳкамлашга, соғлом ғоя ва фикрни ташвиқ этишга мойиллик билдиргани, халқ анъаналарига ҳурмат кўрсатгани учун бугуб ташланди. Негаким, бундай фаолиятга миллий гурурни сўндиришни ўзининг асосий мақсадларидан бири қилиб олган ҳукмрон мафкура асло йўл қўя олмас эди. Небахтки, истиқлол туфайли эндиликда биз миллий гуруримиз ва қадриятларимиз ҳақида баралла сўз айтишга мушарраф бўлдик.

Тоҳир ФИДОЙИ.
(«Ўзбекистон матбуоти» журналининг 1995 йил январь-февраль сонидан олинди).

Анкеталар* тўғрисида сўз очилганда дарҳол байрократизм эска келади. Айниқса, кулги жўрноллар анкетабозликдан қаттиқ куладирлар. Буларнинг сабаби бор: кўп жойларда бир неча ўн моддалар билан саноқсиз анкеталар тарқатилиб, уларда ҳеч қандай натижа — хулоса чиқарилмай, бекор қола беради. Агарда ишга алоқаси муҳим бўлгон саволлар билан чиққан анкеталар йигилгондан кейин яхшилаб ишлаб чиқилса, улардан келадургон фойдалар жуда кенг бўлиши керак. Бу кун уч ёшини тўлдириб, тўрт яшарлиққа қадам қўядиргон «Ер юзи» жўрнолимиз мана шу кейинги мақсад билан ўз ўқувчиларига анкета тарқотгон ва ундан чиқадургон хулосани ўзига кўпчилик томонидан берилган тарихий сабоқ деб олмоқчи эди.

«Ер юзи» Ўктабр инқилоби етти ёшга тўлгонда тугилди, ул Ўзбекистондаги меҳнаткаш оммининг талабига мувофиқ шуларга суяниб дунёга отилди. «Ер юзи»нинг тадрижий суратда ўсиб, кўп тарқалиши ўқувчиларнинг унга қизиққонини кўрсатса ҳам қўлимизда жўрнолнинг яна қайси нуқталарга қараши лозимлигини кўрсаттувчи ҳужжатлар йўқ эди. «Ер юзи» 18 савол билан тутилгон анкеталарига берилмиш жавоблар юзасидан иш кўрмакка тайёрлигини билдириб, анкеталарнинг қўйгон талабларини кўздан кечириб ўтади. Ҳозир ўз-ўзини танқид ва тузалиш замонидамиз. Анкеталар қисман мана шу танқид вазифасини адо этадирларким, биз шуларга камчиликларимизни тўлдирамиз.

Бутун анкеталар «Ер юзи»нинг ҳозиргача қаноатланурлиқ даражада келганини, ўсишини, техника жиҳатидан тараққийсини таъкидлайдирлар. «Фақат мана бу сони яхши деб кўрсата олмайман. Кундан-кунга тузалиб тўлиб бормоқда», «Тез кунларда русларнинг «Огонюк» журнолиго етиб қолишиго умидимиз бор», «Ер юзи» матбуотимиз орасида энг суюлиб ўқиладургониган» деган сўзлар жуда кўб анкеталарда бор. Лекин бунинг билан «Ер юзи»чиларнинг толтайишларига ҳожат йўқ. Чунки ўқувчиларимиз муваффақиятини кўрсатиш билан бирга камчиликларни ҳам қатъий қилиб айтиб юборгонлар, бу камчиликларни қандай қилиб тузатиш йўлларини ўргатган анкеталаримиз ҳам йўқ эмас.

Дунё воқеалари, Шарқ ҳодисалари ва Шўролар Иттифоқи ҳам Ўрта Осиё турмушлари тўғрисида ўқувчиларимизнинг иштаҳаси кутилгандан ортиқ. Улар, айниқса Шарқдаги инқилобий ҳаракатларга кўбрақ ўрин беришни талаб қиладирлар.

Босмахона техникамизнинг ҳозирча пастлиги сабабидан баъзи сонларда расмлар унча қунгилдагидек чиқмайди. Мана буларни ўқувчиларимиз жуда қаттиқ танқид қиладирлар:

---

* Мақола жузъий қисқартишлар билан босилмоқда.

— Қандай йўл билан бўлса ҳам расмларни равшан ва нафис қилиб чиқариш керак. Расмлар «Ер юзи»нинг жони...

Бу нарса бизда ҳозирча умумий касал бўлиб келди. Аммо кейинги вақтдоги ҳаракатлар босмахона ишларимизни мукаммаллаштиришга қаратилгондир. Кўбларга ҳикоялар ва мақолалар ичида рассомлар томонидан қўлда ясалгон расмлар унча реол бўлиб кўринмас экан, улар мумкин қадар вуфуту (аслича) босишни, қўлда қилингон расмларни табиий бўлишини тилайдирлар. Албатта, бу рассомларимизга катта дарсдир.

Анкета мутолаачиларининг шу даража адабиётта чанқоқликларини жуда очиқ кўрсатади. Айниқса, ўзбек турмушидан ёзилгон ҳикоя ва шеърларга кенг ўрин беришни сўрағувчилар кўбдир. Ҳақиқатан бошқа миллатларга қарагонда ўзбекларда адабиёт ҳозирча кейинда туради. Аммо ўқувчиларда кўринган бу ҳавас ўзбек адабиётининг тезда ривож олиб кетишига гаров бўла олади. «Ер юзи» буни кўзда тутиб ўз адабиёт бўлимини яхшилашға ва кенгайтиришга тиришур. Бизда чет эл нафис адабиётига қўйгон талабни оз-моз «Ер юзи» бажариб келар эди. Анкеталаримиз бунга талабгор кўблигини яна исбот қиладирлар. Биз учун энг муҳим нарса-қўшни миллатлар (тотор, қозоқ, қирғиз, туркман, тожик, бошқирд ва бошқалар)нинг турмушидан олингон ҳикояларга ўқувларимизнинг қизиқишларидир.

«Ер юзи» бу тўғрида шу чоққача мусоҳаба қилгон бўлса, энди булар билан таништириб турмоқни ўзига вазифа қилиб олиши керак. Бундан ташқари, Ўзбекистонда яшағувчи майда миллатларнинг турмушиға бир оз ўрин бердик. Буни ҳам кучайтириш

КАМОЛГА ЕТИШИ УЧУН ЙЎЛ-ЙЎРУҚЛАР

керак. Тожик ва қозоқ ўқувчи ўртоқлар ҳатто «Ер юзи»да қозоқча ва тожикча бўлимни очишни хоҳлайдирлар.

Ўқувчиларимиз шеърларнинг кўбрак босилишини талаб қилиш билан бирга уларнинг кўпинча маъно жиҳатидан «думи хуржунда» эканлигидан хафадирлар. Шеърларнинг мазмуни шоирларнинг қорнида қолмасин дейдилар. Бунинг учун ёш ёзувчи ва шоирларни тарбиялаш, жўрнол атрофига тортишни таклиф қиладирлар, ҳикоя, шеърлар янги турмуш қуришда (конкрет) натижалар билан бой бўлмоғи керак. Қуруқ умумий ва мавҳум мавзулар ўқувчиларни зерикдиради.

Биз неча анкета, жўрнолда давомли рўмонлар ва узун ҳикоялар, повестлар босишни таклиф этиб, бу «Ер юзи»нинг кўб тарқалишиға сабаб бўлади, деб даъво қиладилар. Биз ҳақиқатан тажриба қилиб кўрганимиз йўқ. «Ер юзи» буни хотирага олиб, тажриба қилиб кўриши керак.

Ўзбекистонда газет ва китоб ўқувчиларининг муҳити, тушунчаси ҳеч кўрмаган даражада кенгайгандир. Буни анкетанинг бир моддасига берилган жавоблар сўзлаб беради: «Ер юзи»да илмий мақолалар босиш керакми?» деб сўрағон эдик, шунга жиддий равишда ёзилгон жавобларнинг кўби бу вазифани «Маориф ва ўқитгувчи» жўрноли бажариб келмакда эканини баён қиладирлар. «Ер юзи» журнолида оғир илмий нарсалар босишни мувофиқ кўрмайдирлар. Дарвоқе, «Ер юзи»нинг вазифаси бундан берирақдир. Ул умумий (популяр) жўрнолдир.

«Ер юзи»да яна қандай боблар очилиши керак? Агарда келган анкеталарда бу тўғрида ёзилгон таклифларни хуллас қилиб олгонда мана шу боблар талаб қилинади: 1. Доимий фан-техника бўлими. 2. Бадантарбия. 3. Ўйин-чўпчак. 4. Саёҳат хотиралари. 5. Ўзбекистон маданияти тарихи ва осор-атиқалардан парчалар. 6. Янги алифбе. 7. Ўрта Осиёни, айниқса, Ўзбекистонни ўрганиш. 8. Ҳарбий бўлимлар. Бундан ташқари қишлоқдан ёзгон кўп ўқувчиларимиз доимий қишлоқ хўжалиги бўлими очишни маслаҳат берадирлар. Бу, албатта, «Ер юзи»нинг қўлидан келмайдирғон иш; бунинг учун махсус «Қишлоқ хўжалиги турмуши» жўрноли бор. Кўб анкеталаримиз алоҳида «Ер юзи» кутубхонаси» чиқаришни таклиф қиладирки, буни хурсандлик билан қаршиламоқ керакдир.

«ЕР ЮЗИ» ҚАНДАЙ ЧИҚАДИ?

«Ер юзи»нинг янги чиққон ҳар бир сонини қўлингизга олгонингизда сиз Миржаббор, тошкентлик ва бошқа муҳаррирларнинг ҳар турли нарсалар, ҳар хил мамлакатлар ва турли-турли одамлар тўғрисида мақолалар ва баёнларини ўқийсиз. Ҳикояларни кўздан кечирасиз.

Биз бу ерда ўқувчиларимизни «Ер юзи»нинг дунёга келиши билан ошно қилиб ўтмакчимиз.

Сизга маълумки, «Ер юзи» мақола ва расмлар (клейшалар)дан иборатдир. Ишнинг биринчи даври — расмларни қабул қилиш, адабий матерялни (мақола, ҳикоя, шеър) ишлаб чиқиш иши идорада ўтади. Бу ишларнинг ҳаммасини жўрнол котиби бажаради. Котиб узун мақолани босилишго ёрорлиқ қилиб тузатади; мақолаларга алоқадор расмларни қабул қилади ва бошқалар. Бундан кейин ҳар бир расмнинг қандай катталикда жўрнолға босилиши ёзилади. Майда расмларни рассом алоҳида бир кортунға чиройлиқ қилиб тузиб ёпиштиради (монтаж қилади). Бундан кейин бутун расмлар синкографияга, мақолалар Тошкент Эски шаҳаридаги матбаага юборилади. Синкография (расмларни рух маъданига кўчирадурғон ишхона)да қилинадурғон иш жўрнол учун энг муҳим ва керакли ишлардандир.

Синкографияда футуғроф, бир хил катталикдаги расмларни футуғроф оппоратига ўхшағон оппорат орқали шиша пластинкага кўчиради. Расмлар очиқ ва равшан чиқсин учун уларни шиша пластинкага кўчириш вақтида жуда кучлик ёруғлиқ берилади. Бу иш — 1-3 минут давом этади. Бундан кейин неготифларни (сурат тушкан плостинкаларни) қоп-қоронғи уйга олиб кирадирлар. Бу ерда мастер (уста) плостинкани расм кўзга жуда равшан кўрингунча ҳар хил кимёвий моддалар билан ювади. Бундан сўнг плостинкани копировалний бўлимга элтиб берадирлар. Бу жойда плостинкадаги расмни илгаригидан кўра қаттиғроқ ойнага кўчирадирлар. Энг кейин қаттиқ ойнадаги расм ёруғлиқни сезадирғон рух (цинк) плостинкага кўчирилади. Кейин расм тушкан рух плостинка уни ретуш (пардоз) қиладирғон усталар қўлиға ўтади. Улар олдиларига расмнинг асл нусхасини қўйиб, рух плостинкадаги расмни тузатадилар. Равшан чиқмагон жойни равшан қиладирлар, бузилгон жойларини яхшилайдирлар.

Рух плостинка ретушчилардан тровилшикларга ўтади. Тровилшиклар плостинкани озут ва туз кислотлари билан ювганларидан кейин, ундаги сурат босишға тайёр бўлади. Энг кейинги иш — мана шу сурат туширилган рух плостинкаларни алоҳида тохталарға қоқишдир. Бу вазифани дурадгор бажаради. Шундай қилиб клейша тайёр бўлади. Синкография мудири ўртоқ Прокофьев тайёр бўлгон клейшаларни сўнгги мартаба кўздан кечиради. Агар клейшалар камчиликсиз ишланган бўлса, уларни «Ер юзи» босиладурган матбаага юборади.

Шу билан бирга, «Ер юзи»ни чиқарувчи ҳам матбаага жўнайди. Жўрнолнинг матерялари илгаридан терилиб тайёр бўлгони учун вёрсткани бошлаш, янги терилган мақола ва клейшалардан жўрнолнинг саҳифаларини тузиш лозим. «Ер юзи»ни Кутушев ва Содиқов ўртоқлар вёрстка қиладирлар. Саҳифа орқасидан саҳифа тузилиб, жўрнолнинг маълум сони вужудга чиқарилади. Агар клейшалар саҳифанинг ўртасига қўйиладирғон бўлса метронпожлар (вёрстка қилувчилар)га кўб меҳнат сарф этишга тўғри келади.

Вёрстка қилиниб бўлгон саҳифаларни айрим қоғозларга босиб, хатоларини тузатиш учун мусаҳҳиҳларга юборадирлар. Хатолари тузатилгандан кейин нобурлар (босмахонада терилган матн) босмахонага туширилади.

Лекин жўрнолни босишдан илгари бир қанча ишларни қилиш керак. Масалан, клейшаларни тўғрилаб жойлайдилар, расм равшан чиқсин учун клейшаларнинг тагига қоғоз қиядирлар ва бошқалар. Агар жўрнолнинг обложкаси (муқоваси) икки рангда чиқадирғон бўлса, уни икки мартаба босиш керак: энг аввал пиррак билан; иккинчи галда бошқа ранг билан босилади.

Ниҳоят, «Ер юзи» босилиб бўлади. Жўрнолнинг ҳар саккиз саҳифаси бирдан босилгон қоғозлар босмахонада уйилиб ётади. Энди уларни «фолтсоволний» бўлимга олиб бориб саҳифаларнинг номерларини бир-бирига тўғирлаб тохлайдирлар. Алоҳида машина уларни муқовалайди: яна бир мошина жўрнолнинг четларини текислаб кесади. Ана энди «Ер юзи» тайёр! Юк ташийдирғон автомобил жўрнолни «Қизил Ўзбекистон» бош контурининг экспедициясига олиб боради. Экспедиция «Ер юзи»ни муштарийларга ва киоскаларга торқатади.

Мана шундай кўб йўллардан ўтгандан кейин «Ер юзи» ўқувчининг қўлига бориб тегади.

Матнларни араб ёзувидан ҳозиргига
Ҳ. УЗОҚОВ ўгирди ва нашрга тайёрлади.

ҚИСМАТ

Қатағон йилларининг қурбони Аъзам Айюб ўз даврининг тарих саҳифаларида ўчмас из қолдирган улкан журналист, етук ёзувчи, ўткир газетачиси эди.

Ҳукмингизга ҳавола этилаётган ушбу мақола жонли гувоҳларнинг эсдаликлари асосида ёзилган.

* * *

Ҳужжат-далилларни ўрганиб бўлгач, бу инсоннинг авлод-аждодларини суриштирдим. Иттифоқо, таниқли ёзувчи ва кекса журналист, ҳозирда 87 баҳорни қаршилаган Мумтоз Муҳаммад ўғли билан учрашдим. У кишидан Аъзам Айюб ҳақида билганларини гапириб беришларини сўрадим.

— Аъзам Айюбни яхши билардим, — Мумтоз ака ҳикоясини бошлади, — бу табаррук инсон журналистика соҳасида биринчи устозим эди. У ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасининг илк фаол журналистларидан бўлиб, газетада эълон қилинган асарлари учун қурбон бўлди. Устоз 16 ёшга тўлганида шаклланиб қолган журналист эди. 1920 йилнинг бошлари бўлса керак, у «Иштирокиюн» газетасида мусаҳҳиҳ бўлиб хизмат қилар эди. Шу билан бирга, турли мавзуларда хабар ва мақолалар ёзарди. Бу даврда биз ёш бўлса-да. Аъзам Айюб, Санжар Сиддиқ, Комилжон Алимов, Мўминжон Усмонов, Қосим Сорокин каби талантли журналистларнинг мазмундор мақола ва публицистикасини ўқиб, уларга ҳавас қилардик.

Аъзам аканинг турмуш ўртоғи Сожидахон Носирова ҳозир ҳаёт, 84 ёшга кирдилар. Тошкент шаҳар, Улугбек туманининг «Марказ-I» мавзесидаги 52-уй, 34-хонадонда яшайдилар.

* * *

Сожида опа ўрта бўйли, оқ-сариқдан келган, юзларидан нур ёғилиб турувчи, ўта самимий, сўзлари ва муомаласи билан кишини ўзига тортувчи, етук зиёли инсон экан.

— Бир нарса ҳамон ёдимда, — дейди Сожида опа, — 30-йилларнинг ўрталари эди. Аъзам ака Гольдонининг «Слуга двух господ» ҳамда Славиннинг «Интервенция» номли рус тилида чиққан асарларини кўтариб келдилар-да: «Буларни Ҳамза театри учун ўзбек тилига ағдариш керак экан, Маданият бошқармаси топширди», — дедилар. Икки катта асарни бир ярим ой ичида ўзбекчага ўгириб ташладилар. Мана шу йиллар у киши ижодида жуда қаттиқ изланиш даври бўлган эди. Тез орада ҳар икки асар ҳам Ҳамза театрида Зиё Саид раҳбарлигида саҳналаштирилди.

Аъзам ака қаламига мансуб 200 дан ортиқ хабар, лавҳа, публицистик мақолалар, 50 дан зиёд ҳикоя ва фельетон ҳамда очеркларни жамласангиз, икки жилдли каттагина сайланма бўлади.

Аъзам ака ўта пок ва тўғри инсон эди. Шу боис, бировдан тап тортмайдиган, бор ҳақиқатни тик туриб айта оладиган ориятли киши эди. Сизга «ўз оёғидан илиниш» сирини айтиб берай...

Аъзам акамнинг яқин дўстлари Наим Саид, Санжар Сиддиқ, Боту, Насриддин Хўжаев каби таржимонлар ҳамда менинг акам Асат Носировлар эди. Улар Москва журналистика институтида бирга ўқиган эдилар. Булар бирин-кетин қамоққа олина бошландилар. Олдин Қосим Сорокинни, эртаси куни Наим Саидни қамоққа олишди. Аъзам акамни эса ҳеч бир сабабсиз ишдан бўшатиб юборишди. Бир ойга яқин ишсиз юрди. Редакциялар эшиги ҳам улар учун берк эди. Бундай аҳволга ким ҳам тоқат қила оларди? Аъзам акам, Асат акам ҳам тоқат қила олмади. Биз Қибрайда — дала ҳовлида, аниқроғи, отамнинг уйида тура бошладик. Отам ўз куёви — Аъзам акамга шаҳарга бормай, кўзга кўринмай юришни, шу ерда деҳқончилик қилиб туришни маслаҳат бердилар. Аммо бу киши рози бўлмадилар...

25 август куни эди. Биз дала ҳовлидан келдик. Қўшниларимиз. «Икки кундан бери уйларингга икки-уч киши келиб, суриштириб кетишади, аммо ким эканликларини айтишмайди», — дейишди. Аъзам акам қизишди. Самимий қиёфасига сўлғинлик ва жиддий ташвиш аралашди. У ўйлаб ўтириб-ўтириб, тўсатдан ўрнидан сапчиб турди-да, уйининг у ёқ-бу ёғига бориб кела бошлади. Ўзига ўзи: «Нима, мен ўтриманми? Одам ўлдирибманми? Бировни ҳақоратлабманми? Не учун мени ҳеч қандай гуноҳсиз ишдан бўшатишиб, боз устига яна қидиришади?» — деган саволларни бериб, бўғиларкан: «Йўқ, мен эрталаб ўша жойга бораман, гуноҳимни, айбимни топиб берсин», — дерди.

Мен:

— Қўйинг, борманг! Дала ҳовлига кетиб, адамнинг айтган ишлари билан шуғулланиб туринг, — деб маслаҳат бердим. Аммо у киши кўнмади. Эртаси ку-

ни, азонда йўл олдилар-у, шу билан қайтиб келмадилар. Шу кун мен учун ҳаётимдаги мудҳиш дақиқалар сифатида из қолдирган...

* * *

Суяги журналистлик, матбаачилик билан қотган атоқли журналист Аъзам Айюб матбуотимиз тарихида ижодкор масъул котиб деган юксак номларни пок сақлаган ва бу мўътабар соҳани улуғлаган аллома сифатида муҳрланди.

У оташин ташкилотчи-журналист эди. «Ер юзи» ва унинг изчил давомчилари бўлган «Машъала» ва «Гулистон» журналлари ҳамда «Камбағал деҳқон» газетасини ташкил этиш, улар ишини тўғри йўлга солишда жонкуяр раҳбарлардан бири бўлган эди. У «Гулистон» журналини маълум муддат бошқарди ҳам.

Атоқли журналистнинг бой ижодиётига назар ташлар эканмиз, унинг қаламига мансуб бўлган сон-саноқсиз мақола, ҳикоя, очерк, публицистик асарлар ўша даврнинг «Туркистон», «Қизил Ўзбекистон», «Камбағал деҳқон» каби газеталари ҳамда «Ер юзи», «Машъала», «Гулистон», «Аланга» каби журналларида кетма-кет чоп этилиб турганлигининг шоҳиди бўламиз.

Аъзам Айюбнинг журналистик фаолияти, юксак маҳорати ҳақида гап кетар экан, у билан бирга ишлаган, уни ҳурмат қилган, айтиш жоиз бўлса, унинг вафодор шогирди бўлган таниқли журналист, марҳум Холбек Ёдгоровнинг қуйидаги эсдаликларини келтириш ўринлидир: «У яратган асарлар хилма-хил ва чексиздир. Ақл зиёси билан йўғрилган бой мақолаларидан тортиб, очерк, ҳикояларгача, сиёсий ва халқаро темалардаги материалларгача, танқид-тақриз, ҳажвия ҳамда фельетонларигача, ҳаммаси йиғилса — бир неча том бўлар эди. Унинг 1925-1930 йилларда матбуотда эълон қилинган «Ким кулди-ю, ким йиғлади?», «Янги турмуш маконлари», «Бугунги Бухоро», «Ўтмишнинг сояси», «Оламнинг номига саёҳат», «У кун ва бу кун», «Кураш», «Ўлуклар» ва бошқа ўнлаб ҳикоя ва публицистик мақолаларида ўша давр нафаси, чуқур ватанпарварлик туйғулари акс этгандир» (Боқий умр. «Совет Ўзбекистони», 1968 йил, 7 июнь).

Аъзам Айюб 1934 йили таниқли луғатчи сифатида Наим Саид билан ҳамкорликда марксизм-ленинизм классиклари асарлари учун «Русча-ўзбекса луғат» чоп эттирди, атоқли таржимон Санжар Сиддиқнинг «Адабий таржима санъати» номли рисоласига илмий ва амалий жиҳатдан пухта сўзбоши ёзди.

Аъзам Айюб «учлик»нинг 1938 йил 5 октбрида бўлиб ўтган 15 дақиқалик ўзаро келишувида отувга ҳукм этилди.

Шундай қилиб, биз Л. Толстойнинг «Кавказ асири», К. Гольдонининг «Меҳмонхона бекаси», Рабиндранат Тагор, Анри Барбюс, Сервантес каби буюкларнинг жаҳон тан олган асарларини ўзбек тилига маҳорат билан ағдарган атоқли таржимон, улкан ёзувчи ва таниқли журналистдан жудо бўлдик. Ориятли инсон туҳмат ва ғаламислик устидан адолат ўрнатаман деб, ўзи ҳалок бўлди.

Орадан йиллар ўтди. Кеч бўлса-да, лекин адолат тикланди. Аъзам Айюб оқланди. Қалби пок, ўз миллати, эли, Ватани учун жон фидо қилганларни эса авлодлар доимо ўз қалбларида сақлайдилар.

Ҳайдарали УЗОҚОВ,
Ўзбекистон халқ таълими аълочиси,
Журналистлар уюшмаси аъзоси.

ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР

Носиржон АЗИЗОВ,
Тошкент шаҳар 11-болалар шифохонаси бош шифокори.

Шахсан ўзим «Гулистон»нинг ҳар бир янги сонини интизорлик ва қизиқиш билан қўлимга оламан, чунки журналда ўзим куттанимдек, мозийни ёриттан юлдузларимиз — ўзбек халқи етиштириб берган фозилу фузалолар, адибу удаболар, жамият ҳаётида юз берган муҳим янгиликлар, санъаткорлар ҳақида қизиқарли мақолалар, шеърлар, ҳикоялар тошиб ўқийман.

Кези келганда бир нарсани айтиб қўймоқчи эдим. Ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги билан ажралиб туради. Ахир бекорга бизнинг қуёшли диёримизни «болалар республикаси» деб атамайдилар-ку?! Шунинг учун ҳам журнал ўзининг бир маҳалларда ҳамма учун бағоят манзур бўлган «Болаларингизга ўқиб беринг» рукнини тикласа, «Соғлом авлод учун!» рукни остида эълон қилинаётган материалларни жонлантирса, шоён таҳсинга сазовор иш бўлур эди. Менимча, маънавиятга доир мақолаларга бундан ҳам кенг ўрин берилмоги лозим. Демоқчиманки, журнал ўзининг мавзу доирасини бундан ҳам кенгайтириши лозим, чунки мазкур нашр фақат республика Маданият ишлари вазирлиги ходимларингтина эмас, балки юртимиздаги илмий-бадиий зиёлиларнинг, барча меҳнаткашларнинг ҳам қомусий нашридир.

Хуррият, қалдингми — наҳотки қолдинг?..
Пинҳона сотилдим. Пинҳона кулдим.
Ёлғонга боғлиқ тутган саҳродай —
Сенинг насибангга қалбимни тутдим.

Мана, қалб — бахту дард тўла денгизим,
Мавжларим шарпатим, ғижжон, ҳазинам.
Қўрқув қалъаларин тепиб синдирган —
Ёлғон синиқларин остида — ўзимда.

Ёлғон синиқлари, қалқ, овоз берай,
Қалқиди, юрагим ичида, бер барбод.
Қарағай тагидан — ҳаммаси жонли,
Қара, ҳаммасининг юзи қорталаш...

Бу онам — тангрининг бахтли онида
Айри ихлос билан яратгани учун.
Қаронда меҳр шамлари ёниқ, —
Гуллаган дарахтай ораста отам.

Кун тонгиб, шудрлар кўнгил уфқда,
Сайроқи қушларнинг тинганда базми,
Онам дилимизни ёритиб қўшикка
Нимжим соғар эди мунтазир назмин.

Сафи Оллоёрни, девона Маҳраб —
Бавзларни ёриб қўлга олади,
Юмушни, дўконни — барини ташлаб,
Сеҳрли оламга кириб борардик.

Ранги оҳанларни жонга куйганда,
Шудрлага тўлади бутун коинот.
Ўзимни сеҳрга асир турганда
Юракда ғазали қўшиқ ҳт қанот.

Янгамга эш бўлиб тикдим палагим,
Қозондан сиғ тутган сатрини тепиб.
Гуллари палакда иприн тиланган —
Кўзимдан ёшиқзнинг нурларин ипиб.

Ховлимиз зинаати жамбил, райҳондай,
Отам тазбирига, эҳтм бойlelак.
Ҳали биз сезмаган қора кши аро
Наҳот, жонланмокда ишқ отлиғ ielak...

Ва ҳадемай сездик бу қахратонни,
Шидай тилларда ялай бошлади.
Қадами етганда ҳар гонадонининг
Қувончи бужмайиб, сўлғин бошлади...

...Ака, кўзингизда отаги бор эди,
Ака, жонингизда қуёш бор эди,
Суҳбатлашка лойиқ, калват, лаъкат,
Сафдорингиз янглиғ барбоси бор эди.

Сизни-да қора тун олдиларингизни,
Қўлингизга қишан солдиларингизни,
Юзингиз, кўзингиз — чурдуни кўриб,
Ваҳший назабларда ендиларингизни.

ЗУЛФИЯ,
Ўзбекистон халқ шоираси

ХОТИРАМ СИНИҚЛАРИ

(ДОСТОН)

Ака, жоним акам, жондошим акам —
Олтмиш йил изимга қайтиб йиғлайин,
Бўзимда тош бўлган йўқловларимни
«Ох»ларим эритар — айтиб йиғлайин.

Сингилни «меҳрибон бино» дейдилар,
Кўз ёша етдими меҳримнинг қуйи?!
Ғунҳосиз, жонимнинг қотилларига
Ўқ қилиб отдимми нафратим, ўзим...

...Бунга йдам қайдан — пўлат, оловдан,
Метиндан яралган жонимдан отам...
Отаи очлигидан топиб бизга нон,
Ғамга ҳам йдамли бўларкан одам...

Онам қўлларида муштдай тугунлак,
Тош шаҳарни кезар авазга излаб.
Авазга неғадир, зор она неға,
Неғалар яшаган замонни «сиз»лаб.

Кекса кўзларида маъдир ва маъдир
Қотган ёшларига боқардим ҳайрон,
Бу сокин жуссани қемирар не сир,
Не бопс муттасил дилларни вайрон...

Куни бўйи кезиб бўкиайиб, толиб,
Кекса бағрин ера бериб ётарди.
Сиз ногор бир-бирига эзилиб боқиб
Сукут денгизига отиб ботардик.

Онам, «сув бошидан лойқа» дерсиз,
Билмасдик бу гапда ҳақиқат зўрлиқ,
Мухташам бинода сирли, яширин,
Асл йигитларга қадрларкан узр.

Қолганда азобгар исканжасида,
Ота, бир қармоқ кўзингизда ёш;
Яшаб, умрларнинг пок саждасида
Хатто ёвингизга отмадингиз тош.

Ва фақат дединиз: «Солдим худога!»
Бу қирғин дояси худосизларку.
Сабр, қаноатдан яралган элмиз,
Сўқир ҳам ўзига сўқмоқ изларку?

Норғул ўйларнинг қирилди қудай
Сибирнинг нур тушмас ўрмонларида.
Сен эса яшадинг мисоли тушда,
Тўртиниб чорлиқлик туманларида.

Менми? Мен шу қадар ёш эдим ҳали,
Ёлғиқ — ҳам бегона бири-бирига.
Қутилмоқ — ўғи андуҳ ботқоқларидан,
Осилдим муҳаббат шодликларига.

Менми? Мен ишқ отлиғ бир жаҳон аро
Шеър тинглаб, шеър тизиб —
шеърларда қолдим...
Бехиштий жаранглар — жонимга ора —
Ўзимнинг бахтимда ўзим йўқолдим,.

Бахт қафасига кириб мени топди дард,
Ўруғ. Ёзда ёққан қор каби ўлим.

Ўттизга етмаёқ соҳиб қор ялаб,
Кўз ёшим соҳига тўкилди гулим.

Онам, дунёликда ягона онам,
Исён кўтаришдан бермабсиз сабоқ,
Устимга кетмаёкет тоғ қулаган дам
Қолдим яшин урган палапон оёқ.

Бўлди, бас! Жандан сўнг ҳарбий сафкарда
Тирик аскарларни тизгандай қатор, —
Мен тирик ғамларим бир жойга йиғдим
Ва кўлни яшашга айладим қарор.

Юртни бўрон бўлиб кездим бошсиз,
Қабристонлар аро кўрондай юрдим.
Энг кичик ғамга ҳам, наздимда, уйғоқ,
Фақат элларнинг сукутида қўрдим.

Тушларимда топиб акам жасадин
Отамнинг ёнига қазитдим қабр.
Ўзим ёнганимда рўзғор ёнди деб,
Ҳовлига сув сепиб тилладим сабр.

Тақдир тақдир дедим, яшадим узоқ,
Тақдир пешонага ёзиқ дейишди.
Ёзиқни деворга ўрним-у, бироқ, —
Мен синдим, қонимдан нишлари тишди.

Армон. Ёмон армон кўзинг кўр бўлса,
Лекин сўзинг диллик: ундан-да дахшат.
Халқ ганжини юлмоққа ёзилган қўлга —
Биз алвон гулдаста тутибмиз фақат.

«Яхши ҳаёт» дебмиз дуо қилларни
Бепарво, беғамлик яшабмиз кўп йил.
Бир фикр кўрмабмиз бу юрт ҳокимин,
Лаъл кулиб, неғул ранг-рўйи заҳил?!

Тоҳи йўқ; подшодай сўзимни ўзинг,
Шўрлик ёнилмади биржик дилида?
Қалида ларра йўқ, истиғфор, изн,
Билдими ишларни гуруҳ элида?!

«Ватанпарвар» дебмиз ўз-ўзимизни,
Денгизлар қурибди, тирнови балиқ;
«Инсонсан, бошингни кўтар» демадинг,
Кўнглинг қалтанини бизлардан, халиқ?

Ўзинг бергандинг-ку, поклик, ҳалоллик,
Имкону имконлар — бутун, беғаллат,
Қилолмас эди-ку шайтон даллолик,
Илму ҳикматларга ёр эди миллат.

...Эй гумбазларнинг, қалдиқми қорил?!
Ишонч, эътиқодлар ҳеҳт пулларга.
Сўриниб нажотлар кутдикми озиқ,
Бизга ҳеч қазитган қора қўлларга?!

Ким билсин, савоб деб ўринишлар ҳам
Замона созига ўйинми бари.
Дейдилар: Яратган энг улуғ ҳакам
Ҳеч қайси адолатсиз тарозулари.

Қай бири ваъминроқ: савобми-гуноҳ?
Яшадим-ку ҳаром, ридосиз нари.
Куйганман. Бошоёқ кулок: жисмимнинг
Нимасин ёқарди дўзах ўтлари...

Бу дунёда қўрқоқ азоб, кўз ёшлар
Савоб посангисин эзғи босарми?
Гуноҳлик палласин тўлдирса тошлар
Энг баланд дорига мени осарми?!

Ёшим кетиб-кетиб, тордай тарангман,
Капалак шарпаси теккан, ўзилиб.
Чидай-чидай ниҳоя тортган парангман
Чалса ҳам дил-кўлни бузилур.

Лекин яшаяпман, отам ва онам—
Чайир арқоқлардан тўқилган ғоз.
Айтилмаган алам, ёзилмаган шеър,
Олинмаган қасос-ҳорак титрогим.

Бошим портлови дуо тўлдирилган гум,
Портлашин кутардим сонин сари.
Сабрлар тўкилди нак; қафтдаги қум
Юзим рўзғорида қонли изғари...

Билмайман, савобми ё қони гуноҳ,
Зинҳор шаккоқликка йўймант тилагим.
Жасадим дарёга ташлаги, рўсим пок,
Оби раҳматларга совуқин таним...

...Яллиланиб етар тоққа хотирам
Ишда шу дафлар тинги синиқлар,
...Халбурқи, осмонда порлайди қуёш,
Халбурқи, бошимда булбул ғах-ғахлар...

...Хуррият, келдингми — назоратчи келдинг,
Келар йўлларингда пинҳона толдим.
Менинг ота-онам, жон Ватанимда
Элим тақдирида, абадий қолдинг...

Келдинг-ей Истиқлол, истиқбол бўлиб,
Қалбимга насимини билан йўл солдинг.
Сен шу куз назмга истиғор бериб,
Мен оҳир бугунгидек бир ғазб олдим.

Хуррият, келдинг-ей, Алломон келдинг,
Сенга қолдим, кўзим, сўзларим қўлаб.
Вақт етса шу халққа қилар дафтарим.
Вақт етса, бу ёққа қилар дафтарим.

Рўсим у ёқларга қуш бўлиб учар...

1995 йил, февраль.

Лутфулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон халқ рассоми

«ГУЛИСТОН»ИМ МЕНИНГ...

Мен санъат оламига қадам қўйган кундан бошлаб аввал «Ёр юзи», «Машъала», сўнгра «Гулистон» номида чиқиб келган журнал билан ҳамкорлик қиламан.

Менинг ижодий йўналишим, асосан, икки жабҳада элга танилган. Биринчиси, дастгоҳли асарлар ижод қилиш: картина, портрет, манзара ва натюрмортлар; иккинчиси — ўзбек ёзувчилари асарларига иллюстрациялар ишлаш ва журналларда карикатуралар, расмлар билан қатнашиб келаман. Ана шу жиҳатдан агар «Муштум» журналида кўпроқ иллюстрациялар билан кўриниб турсам, янги «Гулистон»нинг биринчи бўлмиш «Гулистон» ва «Санъат», «Нафосат» журналларида ижодимнинг рангли лавҳалари — нусхалари босилиб келди.

Якин-якин йилларгача ҳам «Гулистон» журнали ниҳоятда сифатли қоғозда, юксак матбаа савиясида чоп этиларди. Халқимиз орасида тасвирий санъат асарларининг кам тарқалганлигини ва ҳамма ҳам кўргазмаларга мунтазам бормаслигини эътиборга олганда, «Гулистон» журнали рангли расмлари билан халқимизни бадиий-эстетик жиҳатдан тарбиялашда жуда катта аҳамият касб этади.

«Гулистон»да фақат рассомлар ижодигина эмас, балки бутун Ўзбекистон табиати ва кишиларининг рангли расмлари берилади. Бу — худди чаманзор Ўзбекистоннинг гулдастасидай кўпгина хуш ёқарди.

Ўзбекистон матбуоти орасида мен «Гулистон» ва «Санъат» журналлари кўпроқ бадиий ижодиёт намуналарининг рангли кўринишларини халққа етказишда катта хизмат қилганини таъкидлаб ўтмоқчиман.

Кейинчалик, бу иккала журнал бирлашиб, янги «Гулистон» пайдо бўлди. Ҳар икки журналнинг энг яхши томонлари қўшилиб, халқимизни маънавият, нафосат, маданият ва мерос масалалари билан ошно этувчи нашр майдонга келди.

«Санъат», «Нафосат» ва янги «Гулистон»ни мен синчиклаб кузатиб бораман. Бу журнал шунчаки зариккацца варақлайдиган нашр эмас. Уни ўқиб, ўқмоқ учун маълум даражада маънавий етилган бўлиш керак.

Мен учун «Гулистон» маънавиятимизнинг долзарб муаммоларини, меросимиз ва замонавий бадиий жараённи акс эттирувчи, мустақиллик мафкураси ва истиқлолимизни мустаҳкамлаш йўлида астойдил фаолият кўрсатувчи журнал сифатида азиздир.

Унинг 70 йиллик тўйи маданиятимиз ва маънавиятимиз байрамидир. Барча санъат аҳли сингари журналнинг ижодий жамоасига улкан зафарлар ёр бўлсин.

Ҳурматли муҳарририят!

Шоира Зулфия умр бўйи ўзбек ва тожик халқларининг дўстлигини тараннум этиб келмоқдалар. У муҳтарам зот шеърларини Мирзо Турсунзода, Боқи Раҳимзода ва Муҳиддин Аминзодалар тожик тилига таржима қилиб, муштарийларини мамнун этганлар.

Мирзо Турсунзода Зулфия опага бағишлаб «Марҳабо!» шеърини ёзган эди. Мен шуни ўзбек тилига қўлдан келганча таржима қилиб, Сизга юбордим. Агар имконият бўлса, чоп этарсиз деган умиддаман ва у ҳурматли шоирамизнинг 80 йиллигига менинг эҳтиромим бўлур эди.

Самимий салом билан:

Юсуф ВАЛИЗОДА

Мирзо ТУРСУНЗОДА

МАРҲАБО!

Ўзбек қизи, бизларга ҳам қулоқ сол,
Бошқаларни ўзинга тенгитта ол.

Тинглагин!
Гапларим беҳудамас,
Осуда қалб садолари ҳам эмас.

Шавқинг берди кўнгилга катта илҳом,
Бағрига тортди бизни Ўзбекистон.

Комилингдай сўзларим изҳор этай,
Мисралар устида қалб нисор этай.

Кошки, бу таъбим менинг бўлса равон,
Рўдакийдек менда ҳам бўлса забон.

Ёзар эдим ҳуснинг, латофатингни,
Бахтли юзинг, ўта садоқатингни.

Сен эмасми Шарққа берган нур, сафо,
Ўз нигоҳинг бирла берган дур, бако.

Шарқийлар кўрса юзинг дер ҳар қачон,
Бу гўзалнинг гулбоги — Ўзбекистон!

Сен ҳақингда қайда сўз ҳар ким деди —
Ўзбекистон доимо бирга эди.

Бошда дўппи-тақдўзи, шоҳи либос.
Кора кўз қарашлари ўзига хос.

Сўзлаганда катта минбар ёнида,
Жўр бўлиб, аҳли адаб фарёдида.

Тинглаганлар ҳуш кўриб жой бердилар,
Қалбни овлаб, дилларни бой бердилар.

Эсингдами, Нил дарё қирғоғида,
Ўтирарднинг мезбонлар қуршовида.

Мисрлик бир қиз сенга бирдан сано
Деди-ю, бир табассум қилди ато.

Кўзларингдан кўз узолмасди аёл,
Бир савоб олишни қилди кўп хаёл.

Юзинг акси уриб ўзга бўюк Нил,
Гўё ойни қайтиб берди, яқин бил.

Нил мавжлари тўлғи уриб тошдилар,
Қайнаб бирдан қирғоқлардан ошдилар.

Лек, дўстим, не таъриф қилсам-да оз,
Ҳарна десам ҳақингда лоф ҳам эмас.

Ўғотди Мисрни сен айтган достон,
Оқлар нақши-ла келди Ҳиндистон.

Доимо ёнингда тожик бор эди,
Шоира Амрита ҳам саркор эди.

Хушнаво Мутриб наволар айлади,
Шарқона лутфу, садолар айлади.

Ҳиндча рақсу, русча шеър бир бўлди жўр,
Ширин-шакар суҳбатинг зўр бўлди, зўр.

Ёдимда бор, айтган эдинг бир сафар,
Дўстларингга берган эдинг сен хабар:

«Бутун Шарқдан биз томон ташриф этинг,
Тошкентда ҳам меҳмон бўлиб кетинг».

Даъватинг кўпларни мамнун айлади,
Юзинг ёди дилни хушнуд айлади.

Вақти етгач, келди меҳмон бирма-бир,
Келар бўлди канча адиб ҳам шоир.

Ўзбекистон соз, сен соҳибхонасан,
Барча каму кўстлардан бегонасан.

Уддалайсан — яхши меҳмон айладинг,
Барча кўнгилларни шодон айладинг.

Сенга хосдир анжуманлар ўтказиш,
Ёру дўстга ҳам пойандоз, гул тутиш.

Мамлакат ҳардам ихтиёрингдадир,
Ўзбекистон сўзсиз қаторингдадир.

Тек яса ёнингга шодон бораман,
Бўлай деб жонингга дармон, бораман.

...Кўларим кўксимда бу субҳи сабо,
Байтларим бағрига сен кел, Марҳабо!

Рауф ҲОДИРИЙ

ТЎРТ КАЛИМА СЎЗ

Халқлар дўстлигининг толмас таргиботчиси — «Гулистон» журналининг 70 йиллиги туйи ҳаммамиз учун байрам, ҳаммамиз учун қутлуг воқеадир. Журнални «дўстлик таргиботчиси» деб бежиз айтмадим. Мен бу журнални узоқ йиллардан бери ўқиб келаман, унинг саҳифаларида муаллиф сифатида кўп бор шеърларим, тадқиқот ва мақолаларим билан қатнашганман. Кўп йиллик ижодий алоқаларимиз боис, мен ўзим сезган бағрикенглик, байналмиаллик, дўстга ва қардош халқларга ҳурмат-эътибор — «Гулистон»нинг обрўсига обрў қўшиб келган фазилатлардир. Бу фикримни ўтган йиллар мобайнида журнал саҳифаларида чоп қилиниб келган юзлаб мақолалар ҳам исботлайди.

Журнал, айниқса, туркий халқлар адабиёти, санъати, муштарак тарихимиз саҳифаларини, умумий уйимиз — Туркистонимиз ўтмишини ҳам мунтазам ва ибратли ҳолда ёритиб келмоқда. Шунинг учун ҳам «Гулистон»ни дўстлик, ҳамкорлик, тинчлик ва аҳиллик жарчиси деб баралла айта оламиз. Халқларни халқларга таништирувчи адабий, санъат, этнографик, тарихий мавзулардаги сермазмун мақолалар, саҳифалар бу журналимизга халқлараро шуҳрат келтирганини ҳеч ким инкор қила олмайди. Бинобарин, мен ушбу қутловларим орқали севимли «Гулистон»имизни ҳам ўзимнинг номимдан, ҳам уйғур халқи номидан табриклашдек бахтга сазовор бўлаётганимдан мамнунман!

ҲАР САҲАР, ҲАР КЕЧ

Эй, хазондан нари бўстон, гулистон,
Сендан кўз узолмам зинҳор-базинҳор.
Сен учун ғазам оз қанчалаб достон,
Сенга шайдолигим этаман изҳор.
Кўрмадим сенга тенг кўҳлик маконни,
Кўрмадим сенсимон гулларга ошён.
Сенга айтмоқдаман дилим фармонин,
Жами сир-асрорни айлайман баён.
Ҳар гунча, ҳар гулнинг нозик, жилғар,
Бокаман тўймасдан, тўкилмай қўшиб.
Қучоғингни бир зум кўрмасам агар,
Ўз йил кўрмагандай согинчим ортиқ.

Сендадир ранг-баранг гуллар сараси,
Сендадир табассум тўла раънолар.
Сендадир офтобнинг ранги чеҳраси,
Сендадир кулгуси битмас барноларг.
Қалбимда ишқ-ҳавас уйғотувчи сен,
Кўнглим бўй симирар чечакларингдан.
Хуморимни ўзиб ғайратувчи сен,
Кўзим қониш олар безакларингдан.
Мен бир гулпарастман аввалу охир,
Кўрку нафосатсиз яшолмайман ҳеч.
Ҳодирий, шайдойинг бўлибман! Асир!
Сенинг мафтункингман ҳар саҳар, ҳар кеч.

БЎЛМАСА

Не керак сенга тириклик —
Умрингда жавлон бўлмаса!
Не керак сенга қанот
Ниятинг осмон бўлмаса!
Чўққилардан чўққиларни
Бўламас мақсад қуши.
Муддао манзилида
Қучарга пишон бўлмаса!
Тўғ қадимдан эзгудир
Улуғ карвонлар юриши.
Катта йўл беэътибор —
Заволи карвон бўлмаса.

Саратон озорини
Чекмунг ҳалиша даштаро,
Меҳнатинг бахш айлаган
Бўстон, гулистон бўлмаса!
Етарли мард қадрига —
Ўлмаган номард макрини,
Мардни номард аҳлидан
Ажрига майдон бўлмаса!
Боғу гулшан қўйнидан
Ўлмас тиконлар уруғи,
Гулга, чаман атрига
Шайдойи бўлбон бўлмаса!
Севги даргоҳи мудом
Излар висолдан лаҳзасин.
Ошиқ-маъшуқ зорламас
Орада ҳижрон бўлмаса!

Ўз элидан сув ичиб
Қолмас экан хаста кўнгил,
Дил яроси битмагай
Вужуди шодмон бўлмаса!
Онма-он курашмаса
Етмагай муродига.
Ҳар киши ўз бахтига,
Тахтига посбон бўлмаса!
Иштиёқ ила умид
Кулоч ёзолмас ҳеч қачон.
Бегубор дил майлига,
Покликка имкон бўлмаса!
Қодирийдек бахтиёр
Ўйраб яшолмас ғайри ким,
Бу дийдек бошда
Мушфиқ меҳрибон бўлмаса!

Иброҳим РАҲИМ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

ЧИН ЮРАКДАН ҚУТЛОВ

Янги «Гулистон» жамоаси заҳматкашларини, кўп минг сонли азиз журналхонларни севимли, нодир ва нафис ижтимоий-сиёсий, бадиий-безакли нашримизнинг таваллудига етмиш йил тўлиши муносабати билан чин юракдан астойдил табриклайман!

Бу журнал ўзининг «Ер юзи», «Аланга», «Машъала», «Нафосат» номли илдизларидан куч олиб, қомат ростлаб, замонавий янги «Гулистон» бўлгунича ўзига хос, замонга мос тарихий йўлни босиб ўтди. Бу етмиш йиллик йўл равон йўл бўлмади, албатта. Аммо бу йўл халқимиз маънавий руҳини мустаҳкамлаш, қадриятларимизни тиклаш, миллий истиқлол орзусини нафис куйлаш билан, халқимиз қалбидаги мустақиллик учун кураш иштиёқию ҳис-туйғуларини вояга етказиш учун ҳаракат йўли бўлди. Етмиш йиллик битикларни варақлаган кимса ана шунга иқрор бўлмай иложи йўқ.

Мен янги «Гулистон»нинг саҳифаларида инсонга она сути, ота намунаси, аждодлар ўгитию халқ анъанаси билан йўғрилган ўзбекона маънавият сингдирилаётганидан мамнунман. Янги «Гулистон», айниқса, аввалги «Гулистон» анъаналарини давом эттириб, шаклан ва мазмунан унинг энг яхши даврига ижобий тақлид руҳида камол топаётганидан беҳад хурсандман. Журналнинг тиниқ, ўзбек адабий тилида чиқаётгани ҳам мақтовга сазовордир.

Янги «Гулистон» ўзининг етмиш йиллиги арафасида Мустақиллигимиз кўзгуси бўлишга уринаётгани журналхонни қувонтиради. Бу журнал саҳифаларида тикланаётган меросимиз, маънавиятимиз, миллий санойи нафисамиз, мусиқамиз, меъморлигимиз билиб, тушуниб, куйиниб тарғиб қилинмоқда. Журналда инсонпарвар жамият қурмоқнинг маънавий, мантиқий нафосат, самимият муаммолари муҳокама, чуқур мунозара қилинмоқда. «Мусиқамизнинг долзарб масалалари»га бағишланиб ўтказилган давра суҳбати ва унда зикр қилинган муаммоли масалалар ечими янги «Гулистон»нинг мазмунини бойитади.

Бундай ташаббус кўпроқ бўлишини истаб, янги «Гулистон» жамоасига мустақил Ўзбекистонимиз аҳолисининг шарқона ва умумбашарий маданият руҳида камол топишига хизмат қилишини тилайман!

ИСТИҚЛОЛНИНГ ИЛК ЖАРЧИСИ

«Гулистон» журналининг фашизмга қарши урушдан кейин қайта тикланиши ўзбек жамиятининг маданий, маънавий ва сиёсий ҳаётида катта воқеа бўлди. Тўғрироғи, Совет даврида «Гулистон» шакли ва мазмуни билан ўзбек халқининг миллий истиқлол, миллий мустақиллиги сари интилишининг дебочаси бўлиб майдонга чиқди ва дастлабки сонлариданоқ халқ муҳаббатига сазовор бўлди.

«Гулистон»ни қайта тиклаш ташаббусчиси Ўзбекистоннинг ўша вақтдаги бош раҳбари Шароф Рашидов эди. Кунларнинг бирида Шароф Рашидов мени ўз ҳузурига чорлаб, одатига кўра ҳол-аҳвол сўрагач, кўнглимни кўтариб, менга маслаҳат солгандай аста гап бошлади:

— Уруш тугаганига ҳам маълум муддат ўтди, унинг зарарли оқибатларини тугатяпмиз. Уруш маданиятимизга ҳам жуда катта жароҳат етказди. Бу жароҳатни ҳам тузатамиз. Қисқаси, уруш вақтида чиқмай қолган севимли аввалги «Машъала» — «Гулистон» журналини тикламоқчимиз. Шунга нима дейсиз?

— Қарсак чалиб чин дилимдан қувватлайман.

— Шу ишни Сизнинг зиммангизга юкламоқчимиз.

— Жону дилим билан хизматга тайёрман! — дедим.

Шароф аканинг юзи нақшонлашди, кўзлари ярқ этиб кеттандай бўлди, назаримда.

— Шундай дейишингизни билар эдим. Раҳмат, — деди у киши мамнун бўлиб.

Шундан кейин амалий ишга кўчдик.

— Битта сўровим бор.

— Марҳамат.

— Янги «Гулистон» республикада мавжуд бўлган 32 та журналнинг ўттиз учинчиси бўлсинми, ёки ўзига хос замонавий журнал бўлсинми?

— Энг замонавий, энг ўқимишли, кўркам журнал бўлсин, албатта. Шунинг учун бу ишни Сизга топширяпмиз.

Шароф ака «тила тилагингни» дегандай менга қараб турди. Мен янги «Гулис-

тон»нинг янги қиёфасини ифода қилдим: у оммавий, сиёсий, бадиий, безакли журнал бўлиб, мелон муқовада, махсус қалин қоғозда, махсус шрифтда, офсетда босилиши кераклигини айтдим. Совет бўёқлари ярамайди. Америка бўёқларида, Лейпциг босмасида чиқариш мақсадга мувофиқлигини айтдим. Гапим маъқул тушди. Бу ҳақда собиқ КПСС Марказқўмига махсус хат тайёрлашни буюрди.

Юқори раҳбарликка мактуб тайёр бўлгач, ёнимга Марказқўм тарғибот-ташвиқот бўлими мудири ўринбосари Усмоновни қўшди-да, «Москвага бориб фикримизни ҳимоя қилиб келинг!», — деди.

Москвада ҳам ҳал қилувчи раҳбарларга Тошкентда Шароф Рашидовга айтган гапларимни айтиб, «Ўзбекистонда 32 та журнал чиқяпти, бу журнал ҳам ўшаларнинг қаторидаги ўттиз учинчиси бўлиб чиқсинми ёки ўзига хос, замонга мос қилиб чиқарайликми?», дедим. КПСС Марказқўми тарғибот бўлими мудири Московский мени тўғри тушунди.

— Ҳеч бирига ўхшамайдиган журнал қилиб чиқаришингиз учун биздан нималар керак? — деб сўради ўртоқ Московский.

Мен бизнинг ҳамма талабларимизни баён этган мактубни топширдим. У киши «Правда» нашриёти директори М. Поповни ва собиқ СССР Маданият вазири Н. Михайловни ҳузурига чақириб, бизнинг илтимосларимизни сўзсиз бажо қилишни буюрди.

Москвадан вагон-вагон махсус қоғоз, цистерналарда Венгрия бўёқлари етиб келди, журнал шрифтлари сараланди. Умуман, нашриёт ходимлари, унинг ўша вақтдаги раҳбарлари, айниқса, Шоислом Шоғуломов «Гулистон»ни гуллаб-яшнаб чиқишига катта ҳисса қўшди.

Ниҳоят, 1967 йилнинг январь ойида аждодлари — «Ер юзи», «Аланга», «Машъала», кейин «Гулистон» бўлиб, уруш вақтида чиқмай қолган журнал тирилиб, янги «Гулистон» бўлиб майдонга чиқди. Қадимги журналнинг «янгилиги» нимада эди? Аввало шакли, бўёғию безаги, зарварақлари, айниқса, мазмуни жиҳатидан тамомила ўзгача эди. Журнални қўлга олган киши дарҳол эътибор қилган нарса унинг тили эди. Таржима тилига айланиб қолган она тилимиз журналнинг бошидан оёғигача асл ўзбекча қилиб ёзилганди. «Редактор» ўрнига «муҳаррир», «редколлегия» ўрнига «таҳрир ҳайъати», «авторлар» ўрнига «муаллифлар» ва ҳоказолар...

Журнал туғилишиданоқ қадриятларимизни тиклашга уринди ва бу ишни Юсуф Хос Ҳожибнинг 900 йиллик қўлёзмаси «Қутадғу билиг» ҳақида ва ундан намуналар босиш билан бирга Ибн Сино байтлари ҳақида маълумотлар берилди. Ўзбекнинг пайдо бўлиши ҳақида «Қабиладан элатга» номли мақола босилди, санъатимиз тарихидан тортиб «Исириқнинг фойдаси»гача маълумотлар берилди. Навоийнинг лирикасидан тортиб «Шайбонийхон» ва «Гўр ўғли» достонларию «Шинель»нинг 1864 йилдаги таржимони Сиддий ижоди ҳақида тафсилотлар чоп этилди.

Журналда соҳибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари» чоп этилиши қайта сиёсий, маданий воқеа бўлди.

Журналистикага олиб кирилган янгиликлардан энг муҳими шу бўлдики, «Гулистон»нинг биринчи сонидан бошлаб «Ном ҳам ҳусн» рукни остида кўчалар, дўконлар, ошхона-ю ресторанлар, болалар боғчалари, дорихонаю Загсхоналарга ярашуғли номлар қўйиш тавсиялари бериб борилди.

Биринчи сондан бошлабоқ журналнинг ранг-баранг жанрлари кўзга ташланди. «Ихчам тақриз», «Ижобий фельетон», «Гулистон» шарҳи» «Мулоҳаза, мунозара», «Мўйчинак» каби янги-янги рукн ва жанрлар пайдо бўлди.

«Гулистон» биринчи сониданоқ мумтоз ёзувчиларимизнинг ижодларини тарғиб қилди. Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Олимжон асарлари чоп этилди. Ғафур Ғулом, Уйғун, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Саид Аҳмад, Ҳамид Ғулом, Пиримқул Қодиров, Рамз Бобожон асарлари мунтазам босилиб турди.

Севимли шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Ўзбегим» достони «Гулистон»нинг мартабасини оширди. Дастлаб 50 минг нусхада босилган журналнинг тиражи бениҳоя ошди, унинг ҳар бир нусхаси қўлма-қўл қилиб ўқилди. «Гулистон»ни чайқов нархларда сотиб юрувчию олувчилар кўпайди.

Ўша вақтда «Гулистон»нинг мухлислари ҳам, душманлари ҳам кўп бўлди. Уни «миллатчи журнал» деб айбловчиларга жавоб беришдан чарчамадим. Аммо мухолифлар сира тинчимадилар. «Литературная газета»нинг ҳайъати аъзоси ва Ўзбекистондаги махсус мухбири бўласан, деб мени севимли журналдан четлатдилар.

Шу номда Маданият ишлари вазирлиги муассислигида чиқаётган янги «Гулистон» журналига, унинг заҳматкаш жамоасига катта ижодий муваффақиятлар тилайман.





МАЪРИФИЙ КУРАШ МАЙДОНИ

Ўша йиллари Комил Яшин Ёзувчилар уюшмасининг раиси, мен муовини эдим... Бир куни Комил Яшин мени Марказқўмга бошлаб борди. Шароф Рашидов чақиртирган экан. Гапнинг авзоидан билдимки, мақсад — «Гулистон» журнали бош муҳаррирлигини бўйнимга қўйиш... Унамадим. Кўнишмади.

— Йўқ, — деди Шароф Рашидов гапни вазминлик билан чўзиб, жилмайган, мулойим бир оҳангда: — Бизга, йўқ, демайсиз...

Икки томон ҳам ўйловда қолдик. Оғир жимлик чўкди.

— Унда... шартларим бор, — дедим охир тилга кириб. Кўп йиллар «Шарқ юлдузи»да бош муҳаррирлик қилган, бу ишнинг галвалигини билардим. Ҳаммаси гир-гир кўз ўнгимдан ўтди...

— Айтинг... — деди Шароф Рашидов.

— Бир шартим шуки, тематик чегаралар олиб ташланади!

— Нега керак? Бу нима деганингиз?..

— «Гулистон» оммабоп бўлсин!..

Шароф Рашидов узоқ ўйланиб, Комил Яшинга қаради. Сўнг менга юзланиб, «майли», деманди-ю:

— Тағин? — деди.

— Тағин шуки, гранка кўтариб, эшикма-эшик юрмайман...

— Нега? — ажабланди у киши.

— Чунки мени ишга қўйиб... яна ишонишмаса...

Шароф Рашидов «хўп» деманди-ю:

— Тағин?.. — деди.

— Журналга ходимларни ўзим танлайман, — дедим. У киши очилиб кетди.

— Ҳа, албатта-да! Ўзингиз танлайсиз!..

— Йўқ, мен партиявийлигига қараб ўтирмайман, коммунист бўлса-бўлмаса, керакли ходимни оламан, демоқчиман...

— Э, бу Марказқўм нашрику, қандай бўларкин?..

— Майли, бир қисмига розиман, масалан, ўн икки ходимдан тўрттаси коммунист бўла қолсин...

У киши ўйлаб, ҳисоблаб, сўради:

— Қолганлари нима қилади?...

— Қолганлари ижод қилади. Энг яхши шоир, адиб, журналистлар жалб этилади!..

Шароф Рашидов яйраб кулди. Комил Яшин суҳбат давомида:

«Ай-яй-яй!..» деб бош иргаб ўтирди.

— Тағин?..

— Журнал тўрт рангли бўлиши керак!

— Ҳозир неча рангли?

— Икки рангли...

— Майли, бу осон. Ададини ҳам кўпайтириб берамиз...

— Йўқ, униси ўзимизга қолсин. Одамлар излаб ўқийдиган бўлсин. Сиз айтсангиз, мажбуриятга айланиб кетади. Шароф Рашидов айтди деб, обуначини миллионга етказишлари ҳеч гапмас!..

Шароф ака кулди.

— Ўзи эплайди. Асқад ишига пухта! Кўп йиллардан бўён уюшмада ҳамкорлик қиламиз, — деб ўртага тушди Комил Яшин.

— Э, бу киши билан ишлашмоқни биздан сўранг! Бу гаплар бекорга бўлаётгани йўқ! — деди Шароф Рашидов.

Дарҳақиқат, ўттизинчи йиллар охирида Самарқанд Давлат дорулфунуни (ЎзГУ) да Шароф ака билан бирга ўқиганмиз.

У киши ўшанда ҳам парторг эди. Каттакўргон сув омбори қурилишида биргалашиб газета чиқарганмиз. Идорамиз бозор ичида десангиз, одамлар эшак боғлаб кетишади. Уйқу қочганда, басма-бас шеър машқ қилишамиз. (Шароф Рашидов кейинчалик ўша шеърларни кўп жилдлик асарлар тўпламининг учинчи жилдида чоп эттирди). У киши «Қизил Ўзбекистон»га бош муҳаррир этиб тайинланганида, кўймай мени ҳам олиб кетди. Ўзи Ёзувчилар уюшмасига раис бўлганида, мени уюшма нашри — «Шарқ юлдузи»га масъул котиб қилиб қўйди. Хуллас, тарихимиз узоқ. Ҳалиги баҳслар Шароф Рашидов олдида озгина эркалигим борлигидан, талаблар... ҳаддим сиққанидан эди. Йўқса, ўша йиллари Марказқўмда гап талашиб ўтирилармиди?!

Сезганимдек, «Гулистон»да иш осон кўчмади. «Иброҳим Раҳим кетди!.. Энди бунисини қўлга оламиз», дейдиганларни билардим. Ажабки, дастлаб Эркин Воҳидовга қарши каттагина мақола ёзиб келтиришди. Газаллари

феодал руҳида, феодализмни идеаллаштирар эмиш! Ҳайрон қолдим. Ўзини даҳо билган марксчи-таржимон бўларди. Шу киши ёзибди. Ёритмадик. Жанжал кўтарди. Марказқўмнинг ўша пайтдаги мафкура котиби ҳам у томонда! Ишни катта қозонда қайнатмоқчи бўлдилар. Қатъий қарши турдим. Босди-босди қилдик... Эркин Воҳидовнинг хабари ҳам бўлган эмас.

Иккинчи ҳужум раҳматли Иброҳим Мўминовга уюштирилди, у кишининг «Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва роли» рисоласига қарши! Туҳматни темурийлар ҳақида тахминан эшитиб билган москвалик бир «мутахассис» ёзиб келди. Уни Марказқўм қошидаги лекторлар гуруҳининг бошлиги Е. Блок қўллаб қолди! Пайсалга солдим. Қарасам, масала чуқурлашяпти... Шартта Шароф Рашидовга бордим. У киши эшитиб бўлиб:

— Нега менга келдингиз? Бу масалада менга келманг! — деб баъзи ишоралар билан тушунтирган бўлди. Мен — нодон, Шароф аканинг Иброҳим Мўминов билан қуда-андачилигини билмас эканман... Амударё билан боғлиқ «дейгиш» ҳодисаси эсимга тушди! Демак, москвалик «мутахассислар» аслида бошқаларни ҳам ўпириб олиб кетмоқчи эканлар! Марказқўм тагидан тезоб сув ўтар экан-да! Бу «дейгиш» анча йиллардан сўнг, «ўзбеклар иши» бўлиб, юзага чиқди: Марказқўмгина эмас, мамлакатнинг кўп жойларини ҳам ўпириб кетди!

Ўшанда, Шароф Рашидов кўнмади, деган ёлғон баҳона билан бу мақолани ҳам ёритмадим. Аммо «мутахассис» бўш келмади, уни кейинроқ қаердадир, юқорироқда бостирди...

Яна бир ҳужум донишманд адабиётшунос, илмда жасоратли профессор Эргаш Рустамовга қарши уюштирилди. Бу киши шафқатсизларча топтаб турган шўроларнинг сўқир оёқлари остидан туркий шоирлар отаси Аҳмад Яссавийни байроқ қилиб кўтариб чиқмоқчи бўлдилар!.. «Тошкент оқшоми» газетаси бу ишни қоралади. Режа буйича, ёпасига ҳужумга ўтилиши керак экан: «Сизлар нега газетани қўлламайсизлар!» — деб тепадан бизга ҳам пўписа қилишди. Шу даражага етдики: «Аввал мени бош муҳаррирликдан бўшатинглар-да, сўнг бу кишига тош отинглар! — дейишгача бордим. Чунки бу ишда мен ҳам айбдорман. «Чинор» романимда Аҳмад Яссавийнинг авлиё шоир эканлигини эътироф этганман», — дедим. Яқин йўлатмадим. Охири жим бўлишди... Аммо ҳужумлар ўз ишини қилди: академик Иброҳим Мўминов ҳам, профессор Эргаш Рустамов ҳам шундан сўнг ўнгарилмай, тез орада тупроқ остига кириб қутулишди!..

Журналда генерал Жўрабек ҳақида мақола ёритдик. Журнални тўхтатишди. Очиқдан-очиқ: «Арест!» — деб бақиришди. Марказқўмнинг янги мафкура котиби Оқил Умрзоқович Салимов қабулига ҳужжатларни кўтариб бордим: «Озарбайжон классик шоири, шарқшунос Мирза Фатали Охундов ҳам чор генерали бўлган, генерал Жўрабек билан бирга халқаро шарқшунослик конгрессларида қатнашган, ўзаро яқин дўст бўлишган, ҳар иккалови ҳам таржимонлик қилишган... Жўрабек халқпарвар, маърифатпарвар... Навоий кутубхонаси фонди генерал Жўрабек боғида сақланган!..», деб айтавердим, айтавердим...

Салимов кулди.

— Генерал Жўрабек — бизнинг бобомиз бўладилар! — деди бир оғиз. Яна нодонлигимдан куйдим...

— Унда, бу масалани Шароф Рашидов билан ҳал қилайин, — деб йиғиштириндим.

— Йўқ, у кишини ташвишга қўймайлик, журнални чиқараверинг, — деди Салимов. Матбуот бўлимининг ўша пайтдаги бошлиги Рубен Сафаровни чақириб, журнални тўхтатмаслик ҳақида махсус кўрсатма берди.

...Ўша даврларда ҳам дабдабабозлик бор эди! Давлат қачонки дабдабага куч берса, билингки, илиги пучаяди... Таназзулга юз тутиб, кунпаякун бўлган Советлар Иттифоқи фикримизнинг яққол тимсолидир! Пахтани машинада териш борасидаги рекордбозлик — «минг тонначилик»ни фош этувчи, дастлаб бўшгина мақола қўлимга тушди. Валентин Тюпко деган инженер-конструктор дўстим бор эди. Пахта териш машинасини ихтиро этганлардан. Янгийўлда турарди. Ўшанга юбордим, далиллаб берсин, дедим. У, биз ихтиро этган машина шу бўлса, бир мавсумда 220 тонна, жуда нари борса 280 тоннадан ортиқ пахта теролмайди, деб боплаб исботлаб берди! Мақола Марказқўмнинг у хонасидан бу хонасига кўчиб юраверди. У ўқиди, бу ўқиди... Ҳеч нарса деёлмайди! Бутун матбуот, радио, телевидениеда ҳар куни «Фалончи «зангори кема»сида минг тонна терди!», деган шовшув!.. Юқорида сансалорлик бўлавергач, бутун масъулиятни зиммамизга олиб, мақолани ёритдик. Минг тонначилик шов-шуви ўчди-қолди!

Экология, Орол, археологик муаммоларимизни ёритувчи мақолалар бердик. «Қайта қуриш» қаёқда эди?! Матбуот маърифий инқилоб қуролидир. У жамиятни доимо ичдан ёрита билиши керак! Давлат сиёсати калтабинлик қилганда, у зоҳни кўра билсин! Тарих ўз фурсати билан тарози тошини жойига қўяркан, тирик гувоҳмиз! Аммо ўзим бош муҳаррирлик қилаётган журналда кимёвий заҳарланишларни фош этувчи асаримдан бир парчани босолмаган ночор кунларимиз ҳам бўлган. Рухсат беришмаган! («Кумуш тола» деб аталадиган бу қиссам, ўн йиллардан сўнг, 1989 йилдагина босилди). Шунга қарамасдан, журнал Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов каби кўп қаламкашларнинг халқ аламини айтувчи, бу сингари мавзулардаги чиқишларига йўл очиб берган!... Шароф Рашидовга айтганимда, фариштa омин деган экан, хусусан, ўша йиллардаги ёш ижодкорлар: журналистлар — Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир, Маҳкам Маҳмуд, Тоҳир Малик, Абдулла Шер, Саъдулла Аҳмад, Эмин Усмон, Эркин Аъзам, Сулаймон Раҳмон, Аҳмад Аъзам, Хайриддин Султон учун Марказқўм журналидаги мавқелари бир амал ёхуд саккиз соатлик иш ўрни эмас, уйқусиз, кеча-кундузлик маърифий кураш майдони эди: улар ўзларини шунга бағишлаган эдилар! Журнал безаги, ҳар бир сўзу жумланинг қош-кўзини жойига қўядиган тажрибали муҳаррир-журналист, катта таржимон Ваҳоб Рўзиматов, рассом Эмиль Рўзибоев хизматлари бунда беназирдир.

Ал Форобий, Ал Беруний, Ибн Синога бағишланган махсус сонлар!.. Чернишевский ва Шарқ... «Ғурбатда Фурқат», Машрабнинг шўролар кўзича гўё «янги топилган» газаллари... Адвокат Убайдулла Хўжаевнинг Лев Толстой билан ёзишмаси... Ўзбек қомусчилиги... Кино, театр санъати... «Эдип»... Халқ оғзаки ижоди... «Жуманбулбул»... Ўта миллий шоиримиз Миртемир шеърлари ила тўлиб чиққан қўша-қўша саҳифалар!..

Алқисса, бу гаплардан мурод — «Гулистон» қандай қилиб партиявий журнал бўлмай, маърифий минбарга айланганлигини айтиб қўймоқ эди.

БИР КУНИ ҒАФУР АКА...

ЖОНОН ДУТОР

Биз Ғафур аканикига иш билан ҳам, бекор қолганда ҳам бораверардик. Бир куни қайси ҳам шоирнинг тўплами муҳокамасидан кейин негадир яна устозникига гуруллаб кириб бордик.

Ғафур ака яктакчан чиқиб келди.

— Ҳа, қаёқдан келяпсизлар?

Биз китоб муҳокамасидан келаётганимиз, унинг совуққина ўтганлигидан нолидик.

— Ўқиганман, — деди Ғафур ака, — на замон, на макон. Шоир нуқул ўз дилини кавлаштиради.

Кейин устоз бизни меҳмонхонага бошлаб кириб, тўрдаги деворда осиглик турган нафис садаф нақшли дуторни кўрсатди.

— Қулоқ солинглар! Нарироқдан чивин учиб ўтса, узоқ жаранглаб туради.

Биз нафасимизни ичимизга ютиб, қулоқ солдик, Чиндан ҳам, деразадан кирган шабадагами, аллақайсимизнинг нафасимизгами, ё устоз сеҳриданми, хуллас, эшитилар-эшитилмас пайваст жарангли сас қулоғимизга чалинди.

— Шоир ўз замонасига мана шу жонон дутордек туйғун бўлиши керак! — деди Ғафур ака.

ГУГУРТ

Бир куни поэзия секциясида Ғафур акадан ижодий ҳисобот талаб қилдик.

— Марҳамат, — деди Ғафур ака, — ёзган нарсам кўп, тарозида тортиб кўрсатишим ҳам мумкин. Лекин, билингларки, ёзилгани ҳисоб эмас, ўқилгани ҳисоб.

Кейин устоз чўнтагидан гугурт қидира бошлади. Биз, чекмоқчи экан, деб ўйладик. Йўқ, у киши гапни кўргазмали мисол билан давом эттирмоқчи экан.

— Мана қутича, — деди бир қўлига гугурт қутини олиб, — шу туришда ўлик, иситмайди ҳам, ёритмайди ҳам. — Кейин иккинчи қўлидаги гугурт чўпини қутичага тегизиб, ўт олдирди. — Ана, кўрдингизларми, китоб китобхон билан учрашгандагина орада мана шундай олов ёнади!

ШАПКА

Редакцияга жуда кўп шеър олиб келадиган ўртоғимизни ўртага олиб, тилининг ғализлиги ҳақида баҳслашиб ўтирган эдик. Ғафур ака келиб қолди. Устоз келганда ҳар қандай шовқин босилиб, ҳаммамиз савол аломатидек туриб қолардик. Ғафур ака ўртадаги қўлёзмани олиб кўздан кечирди-да, ҳалиги ўртоғимизга қаради. Ўртоғимиз доим эски шапкасини қийшиқ кийиб юрар, ҳозирги туриши ҳам шу эди.

— Шапкани қийшиқ киясизми, тескари киясизми — ихтиёрингиз. Шапка сизники. Лекин тил — халқники, ука. Унга олифтагарчилик кетмайди, — деди Ғафур ака.

Шу билан баҳс тугади.

ГОНОРАР

Бир достон муҳокамасида авторга асарнинг асосий камчилиги рўй-рост кўрсатилди: достон мавҳум, унда конкрет воқеа йўқ.

Автор бу фикрни қабул қилмади.

— Мен воқелигимиз ҳақида ёзганман, ундаги воқеа — совет воқелиги — деб туриб олди.

Шунда Ғафур ака туриб, деди:

— Ундай бўлса, достонингизга гонорар ҳам сўраманг, ҳамма банклардаги совет пуллари сизники.

А. МУХТОР.

Бу сурат 30-йилларнинг бошида Қўқондаги чойхоналардан бирида олинган. Ўша вақтларда «Гулистон»нинг салафи «Ер юзи» Қўқонда босилар эди. Чамаси, республика маркази Самарқанддан Тошкентга яқинда кўчганлиги сабабли бу ерда босмахоналар имконияти ҳали етарли бўлмаса керак. Журнални чиқариш масъулияти унинг котиби, ёзувчи Ғафур Ғулом зиммасида экан.

«Гулистон»нинг 70 йиллиги нишонланаётган кунларда ушбу суратни унинг тарихининг ноёб бир ҳужжати сифатида муштарийларимизга тақдим этишдан мамнунмиз.

МАЪРИФАТ ЧАШМАСИ

Мен оддий бир ўқувчи сифатида «Гулистон» журналини узоқ йиллардан бери мутолаа қилиб келаман. Очигини айтсам, бу журналнинг мазмуни ва савияси кейинги вақтларда баланд-паст, ҳар хил бўлиб чиқмоқда... Ҳозирча, номи «Гулистон» бўлса-да, журналда маданият, маънавият, санъат мавзулари етакчилик қилмоқда. Нашр Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги муассислигида чиқиши шуни тақозо қилар, балки. Аммо, журнал мавзуларини янада кенгайтириш, ранг-баранглаштириш керак. Шунда журналнинг нуфузи, обрўйи ошади.

Шу жиҳатдан қараганимизда, «Гулистон»нинг ўтган йилги 4-сонида А. Фитратнинг «Бедил», М. Бекмуродовнинг «Амир Темур ва жамоатчилик фикри», Қодирий, Беҳбудий, Саид Аҳмад, Шерали Турди ҳаётига оид мақолалар, А. Айритомийнинг «Маънавият жавоҳирлари»дан ташқари журналнинг асосий қисми санъат оламига доир бўлиб қолган. «Гулистон»нинг шундан кейинги 5-сони эса анча ранг-баранг дир. Унда Қ. Хоназаров «Ўзбекистон замонавий бойлар юрти бўлажак», А. Жалолов «Фалсафий тафаккур янги босқичда», А. Ўролов «Мирзо Улуғбек боғлари», Ш. Сокин «Жумабозор», С. Каримов «Амир Темурнинг инсонпарварлик ғоялари», И. Ғани «Фитрат ва мусиқа», Р. Ота Турк «Савоб умидворлиги» (ориф шоир Садриддин Салим Бухорий ҳақида), М. Ғози «Дукчи эшон ҳаракатининг бадиий таҳлили» каби қизиқарли асарлари билан журналхонларни маърифат чашмаларидан баҳраманд этган. «Гулистон»нинг бу йилги дастлабки сонлари ҳам шундай юксак савияда чиққан.

Камина «Гулистон»нинг кам сонли, аммо малакали ижодий жамоаси бундан кейин ҳам журналнинг савиясини баланд кўтариш, ноёб асарларни янада кўпайтириб, муаллифлари доирасини тағин-да кенгайтириш учун ҳормай-толмай меҳнат қилишига ишонаман. «Гулистон»ни муборак 70 йиллик тўйи билан қутлаб, бундан кейин ҳам севимли журналимизнинг содиқ мухлиси бўлиб қолишга ваъда бераман.

Исмоил ОЛЛОЁРОВ,
педагогика фанлари доктори.

Мақсуд ҚОРИЕВ

МАВЗУГА

ОЙДИН КЕЧАЛАР

МАНА, ЕТМИШ йилдирки, халқимизнинг севимли журнали «Гулистон» ўз маърифий ишлари билан одамларга зиё, нур, иймон бахш этиб келмоқда. Кимлар ишламади, кимлар ижод қилмади матбуотнинг бу илм-маърифат дорилфунунида!.. Ёш шоирлар, ёзувчилар, олимлар ўзларининг илк асарларини шу муқаддас журнал саҳифаларида эълон қилдилар.

«Гулистон» менинг ҳам ижод мактабимдир. Шу сабаб мен учун ғоят қадрли, азиз! Митти ҳикоятларимдан катта ривоятларимгача шу нурафшон журналда чоп этилди.

«Ойдин кечалар» номли илк лирик қиссам ҳам биринчи марта «Гулистон»да эълон қилинган эди. Шундан бери қанча йиллар ўтиб кетди. Инсон ҳаёти, ёшлиги гўё дарёга қиёс. Қўшиқда куйлангандек «Оқар дарё экан, оқди-да кетди». Энди ҳеч қачон орқага қайтмас. Умр ҳам, ёшлигинг ҳам. Ахир инсон ҳаётида ёшлик бир бор келади-да!

«Лекин ойдин кечалар, азиз дўстларим, гўё абадийдек. Ойлар, йиллар ўтса ҳамки ҳар йил, ҳар ой, ҳар баҳор қайтиб келаверади. Ўша кўҳлик фазо маликаси мағрур сузаберади. Ўша сокин дарё ой нурида мавжланиб оқаверади...»

Бу сатрлар биринчи бор «Гулистон» саҳифаларида юз кўрган қиссанинг насрий сатрлари...

Ўша дориломон кунларни эслаб, «Ойдин кечалар» қиссаси билан боғлиқ бир воқеани сизларга айтиб бермоқчиман, азиз дўстлар. Ушбу ҳикоятга ҳам илк қиссамнинг сарлавҳасини қўйдим.

Баъзилар баҳорни севишади. Аммо мен негадир ёз фаслини ёқтираман. Оқар сувлар, сарҳовузлар, мовий денгизларда чўмилиб, қуёшнинг ҳаётбахш нурларидан баҳра олиб роҳатланишга, айтинг, не етсин!..

Шундай иссиқ кунлар бошланиши билан Қора денгиз соҳилларидаги бир оромгоҳга дам олишга кетдим. Эй, ўшанда роҳатижон, осойишта дамлар эди... Гўё сокинлик қучоғидасан. Фақат денгиз тўлқинларининг шовуллашию, атроф тоғлардан, сўлим боғлардан эсаётган майин еллар кишига роҳат бахш этарди.

Оромгоҳнинг биз жойлашган хонасидан мовий денгиз кафтдек кўриниб турарди. Нақадар гўзал, мафтункор, беқиёс бир манзара! Бепоён, бетин шовуллаб турган уммон бир кунда неча хил рангга кириб, товланади. Тонгда бошқача. Қуёш чиққач, яна бошқа рангга кириб олади. Кечқурун қоп-қора!

Табиатнинг мўъжизаси қизиқ. Мана, эртадан бери денгиз сокин, қуёш чарақлаб, бутун оламни мунаввар айлаган. Қаранг, қайдандир бирпасда шамол келди-ю, осмон гумбазида момақалдироқ гумбирлаб, чақмоқ чақа бошлади. Кейин қаттиқ шамол билан жала келиб, бутун дов-дарахтларни силкитиб, чўмилтира бошлади. Табиатнинг бу марҳаматидан денгиз ҳам безовта. Бунақа вақтда тўлқин бошланса борми, эҳ-ҳе, ҳафталаб тинмайди. Ўзини қирғоқларга уриб пишқиради. Кейин чарчаб, ҳолдан тойиб, оқибат бутун денгизни безовта қилаётган аждаҳо қайгадир ғойиб бўлади.

Кеч. Яна сокинлик. Қуёш ҳаммаёқни шафақ рангга бўяб, қизариб ботмоқда. Эртага яна ҳаво очиқ бўлади. Негаки, қуёш қизариб ботса, эртага кун очиқ бўлади, деганлар бобокалонларимиз.

Ой тўлишган кеча эди, ўшанда. Ўн тўрт кунлик Ой кўкда мағрур сузади, гўё ана шу поёни йўқ денгиз унинг амрига бўйсуниб, энди жаҳлидан тушгандай. Кўкда Ой, пастда бўлса, денгиз, ҳаво тиниқ. Ана, табиатнинг мўъжизасини бир томоша қилинг.

Шу топда ўша «Ойдин кечалар»да Лайло юборган мактуб ёдимга тушиб кетади. Унинг ҳар бир сўзи, жумласи менга ёд бўлиб кетган:

«...Денгиз тўлқинлари туғён кўтарганда ёдга олурсиз. Сокин тун қўйнида тин олган денгиз сатҳига назар ташланг-а, худди кумуш дастурхон ёзилгандай. Бу — ой шуъласидан тўкилган дастурхон. Аввал денгиз сатҳига, сўнг Ойга қаранг, иккисининг ўртасида кумуш нур сўқмоқни кўрасиз, шу сўқмоқ билан гўё Ойга яёв чиқса бўладигандай кўринади, назарингизда...»

Хаёлим бўлинди. Табиатнинг гўзаллигидан ҳайратдаман. Аллоҳ бу дунёни мунча ҳам гўзал, саришта этиб яратган экан! Қаранг, барчаси жойжойида. Осмон, қуёш, ой, денгиз, беҳисоб юлдузлар ва ниҳоят, она Ер. Одамлар нечун ёнар дунё дейишади, уни бебақо, бевафога чиқариб қўйишган. Нега ахир шундай, нега? Дунёни бевафо

ҚАЙТИШ

айлайдиган, осойишталигини бузадиган, ёндириб олов-оташга айлантирадиган инсонларнинг ўзлари-ку!

Эрта тонг билан денгиз соҳили томон йўл оламан. Ўрта ёшлардаги бир аёл қизи билан қирғоқ томон борарди. Уларни мен ҳар куни кўрардим. Дам олишга келганларига бир ҳафтача бўлди, аммо бирор марта ҳам сўзлашмагандим. Қизалоқ менга кимнидир эслатарди. Онасига қарайман: таниш чеҳралар... қаердадир кўргандекман.

— Синглим, бу қизингизми? — сўрайман қизиқсиниб.

— Ҳа, қизим, — дейди аёл ийманибгина. Кейин мени танигандек, ер остидан қараб қўйди.

Қарилик қурсин, дейман ўзимга-ўзим. Фикрлар анча сийқалашган, тафаккур дафтарига битилган кўп нарсалар хиралашиб қолган, ҳатто ўчиб кетган.

— Кеча кечаси роса ойдин бўлди...

— Ҳа..., — дейман, гўё кечани уйқусиз кечирганимни, Ой билан дардлашганимни шу аёл билгандай туюлди менга.

Аёл тўсатдан:

— Сиз «Ойдин кечалар»нинг муаллифисиз-а, агар янглишмасам?

— Ҳа, шундай, нима эди?

— Қиссангизни ўқиб чиққанман, дастлаб «Гулистон»да. «Севги қўшиғи» сарлавҳаси остида чиққан, кейин негадир унинг номини ўзгартиргансиз, шундайми?

— Жуда тўғри, ҳаммасини яхши билар экансиз, — дедим аёлнинг зукколигига тан бергандай.

— Нега ўзгартиргансиз? Кечирасиз, саволим ноўрин бўлса...

— Ноўрин эмас, тўғри савол. Бир қадрдоним қиссани «Гулистон»да ўқиган экан, ўша маслаҳат берган эди, сарлавҳасини «Ойдин кечалар» қилиб ўзгартиринг деб...

Аёл жимиб қолди, у ҳам хаёлга ботиб кетган эди. Яна нималарнидир сўрамоқчи-ю, лекин ийманиб, ботинолмай тургандай туюлди, менга.

— Лайлонинг қиёфасини кимдан олгансиз, агар сир бўлмаса, мабодо ўзингиз бирга ўқиган талабалардан эмасми?

Савол мени ўйлантириб қўйди. Нима десам экан, ўйга чўмаман, гўё суровчи дилимнинг энг чуқур жойларида шу пайтгача чўкиб, унутилиб кетган илк туйғуни қўзғатаётгандай эди...

Ўша таниш сатрлар:

«Сутдек ойдин. Бундай кезларда дала бўйлаб ёлғиз юришнинг ўзига хос гашти бўлади. Сен табиатнинг ёлғиз меҳмонисан, бутун мавжудод ихтиёрингда.

Шу вақт қулоғимга қаердандир ёқимли куй эшитилгандек бўлди. Юрагим «жиз» этиб кетди. Тўхтадим, агар юрсам қўшиқ йўқолиб қоладигандек. Қимир этмай нафасимни ичимга ютиб турардим...

— Нега йиғлаяпсан, ой қиз?

Қўққисдан берилган савол қизни чўчитиб юборди, ўрнидан туриб кетди.

— Йиғлаётганим йўқ, қўшиқ айтяпман...

— Танишиб қўялик, исмим Самар, — дедим.

— Меники Лайло... — деди уялибгина».

— Ҳа, айтгандай..., балки сиз ҳақлидирсиз..., — дейман қаршимда турган аёлга секингина.

Аёл менинг безовталигимни сезгандай бир оз жимгина турди-да, ҳар тарафга ўзини ташлаб, қирғоқдаги майда тошларни тинмай денгизга иргитиб тиниб-тинчимаётган қизалоғига:

— Ҳой, Лайло, тағин бировга тегиб кетмасин, — деди бақириб.

— Лайло... Лайло... дедингизми?

«Нега дил уйимга берухсат, бесўроқ кириб келдингиз? Нега юрагимни олиб қўйиб, энди уни эҳтиёт қилмайсиз? Агар мени озгинагина севсангиз, мени тўғри тушунинг. Ё бўлмаса юрагингиздан чиқариб ташлай қолинг, менга ачинманг, парвоналар қатори куйиб кул бўлай. Лекин соямни, нурми бу муҳаббат мен учун мўътабардир».

Аёл менинг паришонҳол турганимга парво қилмай:

— Ҳа, қизимнинг исми Лайло. Ойим қўйганлар, — деб қўшиб қўйди.

— Ойингиз?...

— Менинг онам Исмигул Носирова бўладилар. Сиз билан бирга ўқиганлар...

— Исмигул... Э-ҳе, Исмигул сизнинг онангизми?

— Шундай.

«Лайло билан ёлғиз қолдик. Ҳаво ёқимли, илиқ. Яёв кетардик. Ўзимга ўзим: юрагимдаги бор гапни айтиб қўяқолсам бўлмасмикин, деб ўйлайман, тағин хафа бўлиб, кейин учрашмай қўйса нима бўлади? Юрагим орқамга тортиб кетди. Фикрим чувалашиб шунча ўйласам ҳам хаёлимга бирор дуруст фикр келмасди. Лайло менинг тилимни лол этиб, дилимни ўзига банд этиб қўйган эди».

— Лайло невараларими? — дейман алаҳсиragандай.

— Ҳа, невараларига шу номни ўзлари қўйганлар.

— Исмигул онам денг. Оқила қиз эди... Ўзи соғсаломатми?

— Ўтган йили оламдан кўз юмдилар...

Юрагим «жиз» этиб, ичимдан бир нарса узилиб кетгандай бўлди.

Нега ҳам сўрадим, индамай қўя қолсам бўлмасмиди? Бошқа ҳеч нарса демадим.

Яна хаёл мени олисларга олиб кетди:

«Гулларнинг хушбўй ҳидларига маст бўлган булбул навосини тинглайман. Гўё Лайло куйлаётгандек, қўшиқ айтаётгандек бўлади. Уни қидираман, излайман, қаердасан, эй, менинг орзу-умидларим: қаердасан, эй, қалбимнинг азиз меҳмони! Кимдан сени сўроқлайман, қаердан сени топаман? Гул жамолинг хумори тутса. Ойга термулайми?»

Денгиз зоҳиран сокин, лекин ботинан безовта, у бир поёнсиз дунёга ўхшайди. Оромбахш эрка сабо қайлардандир ўт-ўланларнинг тотли бўйини олиб келиб, димоққа уради. Севгим ғунчалари чечак очган ўша унутилмас дамлар кўз олдимда хаёлан намоён бўлади. Суқланиб денгизга термуламан.

Ўша қўшиқ ёдимга тушади:

Ой олдида юлдуз лип учди, йўқолди,
Кўнглимда аланга кек чўғлари қолди.
Бу ер менга, туринг севгим ардоқлай,
Қалбимга олов ёққан ёримни сўроқлай...

Ойдин кечалар бўлса, азизлар, абадийдек, янаяна такрорланаверади...

МЕЗОН — ЖУРНАЛХОН ТАЛАБИ

Ваҳоб РЎЗИМАТОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими



«Гулистон» салафлари — «Ер юзи», «Ўзбекистон қурилишида», «Машъала» журналлари оша 70 ёшга кирди. Қандай шонли, иштиёқли, машаққатли, самарали ижодий умр йўли!

«Гулистон» деганда, мен унинг доимий ўқувчиси ва кўп йиллик ходими сифатида журналимизни севикли онаюртимиз — Ўзбекистоннинг бадиий тимсоли, деб фараз қиламан. У ана шу жиҳати билан ҳам узоқ йиллардан бери кенг ўқувчилар оммасининг диққатини тортиб, шуурига таъсир этиб, мароқлантириб келмоқда. Унинг ватанпарварлик, инсонпарварлик, миллатпарварлик, маърифатпарварлик каби кўпгина олижаноб майлларини тавсифлаб битириш қийин.

1941 йилда ногаҳоний бошланган уруш муносабати билан кўпгина газета ва журналлар қаторида вақтинча тўхтатилган «Гулистон»нинг 60-йиллар охирида янгидан чиқа бошлаши матбуотимиз, маданиятимиз, кенг ўқувчилар оммаси учун қувончли воқеа бўлди.

Журнал ўзининг мазмун-мундарижаси, бадиий савияси, мавзу-муаммоларни дадил талқин этиш билан тез кунда ўқувчиларда яхши қизиқиш уйғотди. Унда эълон қилина бошлаган материалларнинг руҳи, муболағасиз айтиш мумкинки, халқимизда миллий ифтихор туйғуларини кучайтиришга қаратилган эди. Журнал саҳифаларидаги ўша кезлар учун дадил янграган садолар сизу бизнинг бугунги кунимиздан илк даракларэди. Айниқса узоқ даврлардан бери халқдан яшириб келинган «Темур тузуклари»нинг эълон қилиниши тун зулматини парчалаган чақмоқнинг гулдуросидек бўлди.

Шу-шу, замонанинг тақозоси билан Темур ва темурийлар ҳақида оғиз очиш қатағон қилинди. Шарафиддин Али Яздийнинг Амир Темурга бағишланган «Зафарнома» китобининг меҳр ва иштиёқ билан тайёрланган факсимиле нашри қатъиян таъқиқланди. Академик Иброҳим Мўминовнинг Темур шахси ва фаолияти ҳақидаги холис, эҳтиёт билан ёзилган китоби машъум ниятлар билан қораланди. Ҳатто, ҳиндлар мақтаган Бобурдан ҳам кечишимиз керак бўлиб қолди. Булар ҳаммаси тарихимиз, маданиятимиз, миллий ифтихоримиз учун адолатсиз зарба эди.

Йўқ, мен мавзудан четга чиқмадим.

«Гулистон» ва унинг ходимлари олдида энди журналнинг обрў-эътиборини сақлаш, ўқувчиларнинг раъйини қайтариб қўймаслик, руҳини туширмаслик вазифаси турарди. Негаки, забардаст ёзувчи ва журналист Иброҳим Раҳимнинг куюнчак саъй-ҳаракати билан чиқа бошлаган «Гулистон» тез орада ўқувчиларга қадрдон бўлиб қолган эди-да.

1969 йили атоқли адибимиз Асқад Мухтор бош муҳаррирликка тайинланди. Журнал ходимлари журналнинг олдинги ютуқларини мустаҳкамлаш билан бирга, унинг бадиий-ижтимоий савиясини янада юксалтириш, тематикасини кенгайтириш, полиграфик қиёфасини яхшилаш, журнал атрофидаги муаллифлар доирасини кенгайтириш, уларни фаоллаштириш ҳаракатига киришдилар.

Биз юртимизнинг ўтмишидаги тарихий воқеалар, атоқли улуғ сиймолар, Ўзбекистоннинг бугунги ҳаёти ва кишилари ҳақида очерклар, мақолалар, янги-янги бадиий асарлар, улкан рассомларнинг Ўзбекистонга бағишланган сувратлари, фото усталарининг энг яхши ишларини эълон қила боришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Буларнинг ҳаммасини юксак адабий савод, тил маданиятига, полиграфия талабларига камоли эътибор бериш воситасида амалга оширишимиз керак эди. Ҳатто пунктуация масалаларига диққат қилишни жиддий иш деб, қарашимиз лозим эди.

Шуларнинг ҳаммаси кундалик диққат марказимизда бўлдики, журналхонларимиз сони ой сайин, йил сайин орта борди.

«Гулистон»да мен 1970 йилдан 1981 йилгача аввал масъул котиб, кейин бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишладим. Бир журналист сифатида ёшликдан шу журналда ишлашни, бор билим, мала-

кам, уқувимни унга бағишлашни орзу қилардим. Ҳамкасаба дўстим Асқад Мухтор, қаламкаш укаларим Маҳмуд Саъдий, Тоҳир Малик, Саъдулла Аҳмад, Хайриддин Султон, Эмиль Рўзибоев, Аҳмад Аъзам ва бошқалар билан ҳамкорликда, мақтанчоқлик бўлмасин, бор куч-қувватимни севган ишимга бағишладим.

Ҳаммамиз янги фикр, муаммо, факт, асар излаш, топишдан тўхтамас эдик. Журналхон биздан қизиқарли, муҳим янгиликлар кутарди.

Ана шундайлардан бири М. Хидировнинг «Генерал Жўрабек» очерки эди. Мустамлакачиларни таҳликага солган бу ватанпарвар инсон ҳақидаги материал кимнингдир дидига ёқмади, шекилли, журналнинг ўша сони тўхтатиб қўйилди. Кейинчалик, нечукдир, кимга ҳам худо инсоф берган, чамаси, журнал тарқатила бошлади.

Яна бир катта янгилик — Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасининг етакчи ходими Эргаш Файзуллаев бизга Лев Толстойнинг атоқли ҳуқуқшунос Убайдулла Хўжаев мактубига жавоб хатини олиб келди.

Хатни босамиз десак, монелик чиқиб қолди. Убайдулла Хўжаев Қўқон мухториятига дахлдор экан. Охири бош муҳаррирimизнинг дадил журъати билан хат ва шарҳларни «Ясная Поляна — Андижон» сарлавҳаси остида эълон қилдик. (Миссионер Остроумов Убайдулла Хўжаевни «черковни» «бутхона» деб атадинг» деган бўҳтон билан Андижонга сургун қилган экан. Ваҳоланки, «бутхона» иборасини ўзи қўллаган экан).

Маълумки, «қайта қуриш» деган даврнинг кейинги йилларигача ҳам ҳатто жиноятга туташиб кетадиган камчилик ва хатолар ҳақида гапириш қатағон қилинган эди. Марҳум адиб Турғун Пўлат «Ҳожи ҳисобчи» ҳикоялар туркумида хўжаликларимизда ҳукм сурган катта-кичик иллатларни маҳорат билан дадил очиб ташлади. У кичик фактларни қаламга олган бўлса-да, катта-катта нуқсонларни кўзда тутгани сезилиб турарди.

«Ҳамзанинг ҳисобига фалончилар тарғиб қилинмоқда», деган фикрлар ҳукм сурган вақтда «Гулистон» Абдулла Қодирий, Абдулла Авлоний ҳақида салмоқли туркум мақолалар, эсдаликларни эълон қилди. Буюк санъаткор Маннон Уйғурга бағишланган туркум мақолалар маданий жамоатчилик орасида кенг қониқиш билан кутиб олинди.

«Гулистон»да муайян мавзуларга бағишланган махсус сонлар анъанаси мунтазам давом этди. Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжонга бағишланган сонлар янгича материаллар билан бойиб чиқди. Бир сонда «Ватаним — Ўзбекистон» мавзуини кенг ёритдик. Пахтага бағишланган сонда «оқ олтин»имизга боғлиқ ҳамма жиҳатлар тилга олинди.

Журналнинг мазмундор, мароқли чиқишида Бўрибой Аҳмедов, Умарали Норматов, Нажмиддин Комилов, Шариф Юсупов, Омонулла Валихонов, Мамажон Муҳиддинов, Карим Маҳмудов, Неъмат Солаев, Чингиз Аҳмаров, Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Ҳамдам Содиқов, Алижон Холиқов каби кўплаб фаол муаллифларимиз жонкуярлик кўрсатдилар.

ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР

Қундуз МИРКАРИМОВА,
халқ артисти

Дейдиларки, санъат — қалб ҳунари, юрак иши. Санъаткор узининг қалб амри билан иш кўради, агар у қалбидаги виждон сўзини айтолмаса, фожеа юз беради.

Бутун жамият, шу жамиятнинг интилишлари, орзу-мақсадларининг ифодачиси бўлмиш санъаткорларнинг, қалам аҳлининг, газета-журналлар жамоаларининг нияти битта: халққа сидқидилдан хизмат қилиш.

Мана, орадан кўп йиллар ўтиб, хаёл қилсам, «Гулистон» мен учун ҳам бешик, ҳам дорилфунун бўлибди. Шу азиз ва қадрдон журнал саҳифаларида Мукаррама Турғунбоевадан тортиб Розия Каримовагача, Тамарахонимдан тортиб Гавҳар Раҳимовагача, Галия Измайловадан тортиб Раъно Низомовагача, Гулнора Маваевадан тортиб Бернора Қориевагача, Ражаб Тангуриевдан тортиб Нарзиддин Шерматовгача устозларим, дутоналарим, дўстларим, шогирдларим ижодидан баҳраманд бўлдим, мазкур муборак саҳифалар неча-неча авлод ўзбек ижодкорлари қатори менинг тенгдошларим учун ҳам баҳс, мунозара майдони бўлди.

Санъат, шу жумладан, рақс санъати инсон қалбининг кўзгуси ва малҳами, унга қанот берувчи омил экан, санъаткорнинг биринчи галдаги вазифаси кишилар кўнглига таскин ва нур олиб кириш, дардига ҳамдард бўлиш, унга куч ва мадад беришдир. «Гулистон» журнали ижодий ходимлари буни яхши тушунишади, чунки унинг саҳифаларида эълон қилинаётган аксар мақолалар, очерклар, эсселар ана шундай ёрутлик ва қувонч бағишлайди, кишига.

Қадрдон журналимиз қутлуг ёшга тўлган кунда таъзиму тақрим, миннатдорчилик билан шундай дейман:

— «Гулистон», сен бизнинг кўз тиккан санъат чаманимизсан. Доимо сарбаланд бўл, ижод уфқида ҳамиша балқиб тур. Санъат гулшанинг мудом гул-гул очилиб турсин, барча замон аҳллари учун қомусий нашр бўлиб қолавер!

Азиз ҚАЮМОВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги

ХАЛҚ УЧУН СЕВИКЛИ ЖУРНАЛ

Ўзбекистонда маърифат ва маънавиятнинг ривожланишида «Гулистон» журнали ўзига хос ўринга эга. Эл ҳаётини бадиий бўёқларда тасвирлаш, кишиларга билим зиёларини етказмоқ йўлида бу суюкли журнал неча ўн йиллардан бери баракали фаолият кўрсатиб келмоқда.

Менинг авлодим учун бу журнал «Машъала»дан бошланган. Биз унинг ҳар сонини тоқатсизлик билан кутар эдик. «Машъала» лотин ёзуви асосидаги ўзбек алифбесида чиқар эди. «Машъала»да «Уч оғайни ботирлар» эртаги биринчи бор босилиб чиқди. Эртак матни суратлар билан безатилган эди. Эртакнинг охирига уни айтиб берувчи Ҳамро биби, ёзиб олувчи қўқонлик ўқитувчи Пўлатжон Қаюмов деб ёзил-

МИЛЛИЙ ТАФАККУР КЎЗГУСИ

АКАДЕМИК АЗИЗ ҚАЮМОВ БИЛАН СУҲБАТ

— Муҳтарам Азизхон ака, Сиз жуда сермазмун ва баракали ҳаётингиз давомида ҳазрат Навоий даҳосидан илҳом олиб, ул зот достонларида орзу қилган адолатли, маърифатли давлат арбоби, мумтоз адабиётнинг йирик олими сифатида таҳсинга лойиқ ишлар қилдингиз. Ўзбекистон жумҳурияти Маданият ишлари вазири лавозимида ишлаган пайтларингиз эсимда. Унда Сиз халқ, миллат маданиятининг равнақи, гуллаб-яшнашига, атоқли санъаткорларни қадрлаб, вояга етказишга жуда катта ҳисса қўшдингиз. Ўшанда Сиз сира ҳормай-толмай ишлагансиз, тўғрими?

— Миллатнинг маданияти халқнинг жаҳонаро қадрини белгилайди. Бизнинг маданиятимиз пойдевори эса жуда чуқур ва мустаҳкамдир. Ҳазрат Навоий яшаган Уйғониш даврида ҳар бир ҳунар эгаси ўз соҳасида энг юксак камолга эришгани ҳақида Хондамир, Восифийлар гувоҳлик беради. XX асрда ҳам халқимиз маданиятининг турли-туман соҳаларида ўз ишининг моҳирлари етишиб чиқди. Мусиқада Мулла Тўйчи, Домла Ҳалим, Юнус Ражабий, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, театр санъатида Маннон Уйғур, Етим Бобожон, Аброр Ҳидоятов, Обид Жалилов, Аббос Бакиров, Олим Хўжаев, Қудрат Хўжаев, Лутфилла Назруллаев, Наби Раҳимов, «Марҳабо талантлар»да танилган ёшларни айтмайсизми? Табиийки, маданиятимиз булардан ташқари, янги лицей, гимназия, коллежлар, санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, опера ва балет театри, мусиқали ва драматик театрлар, давлат филармонияси, маданият институти, санъат музейи, буюк ижодкорларнинг уй-музейлари, театр ва рассомлик институти, махсус санъат ўқув юртлари, хореография, мусиқа мактаблари... Шуларнинг ҳаммаси миллий маданиятимиз ривожига хизмат қилади. Мана шу масканларда ишлаётган фан, маданият, санъат аҳли узоқ йиллар орзу қилиб эришганимиз Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқимиз маданияти ва маънавиятини бойитишга, гўзаллик, эзгулик ҳиссини тарбиялашга хизмат қилишда куч-ғайрат сарфлашлари зарур.

— Ҳазрати Навоий ижодий меросининг хазиналари ўзи бир жаҳон. Табаррук маскан — Навоий номли қўлёзмалар институтида раҳматли, фидойи олим Ҳамид Сулаймон бошлаб кетган ишларни, у хорижий юртлардан топиб келган миллий маданиятимиз бойликларини Сиз авайлаб-асрабгина қолмай, янада бойитиш ва халқ хизматига, илм-фан хизматига муносиб ҳисса қўшиш учун кўп саъй-ҳаракат қилдингиз. Сиз раҳбарлик қилаётган бу даргоҳдан қанчадан-қанча етук олимлар, ўз соҳасининг етук билимдонлари етишиб чиқди. Мумтоз адабиётимизнинг жуда кўп янги саҳифаларини нашр этиб, халқ мулкига айлантиришдаги хизматларингизни ҳам эл қадрлайди.

— Қўлёзмалар институти ва Адабиёт музейи илмий тадқиқотчилари Саидбек ва Ботирбек Ҳасановлар, Қозоқбой Маҳмудов, Маҳбуба Қодиро-

ган эди. Шу йўсинда бу машҳур эртак илмий истеъмолга кирди.

Кўп ўтмай «Машъала» журнали «Гулистон» деб атала бошланди. Ҳеч иккиланмай айтмоқ мумкинки, урушдан олдинги йилларда Ўзбекистонда энг шуҳратли журнал «Гулистон» бўлган эди. У билан бирга, Ўзбекистонда маърифат ва билим берувчи обрўли журнал — хотин-қизлар журнали «Ёркин ҳаёт», (олдинги номи «Ёркин турмуш» бўлган) эди.

«Гулистон» саҳифаларида билимнинг турли соҳаларига оид маълумот босилар эди. Мен бу журнал саҳифаларида турли тарихий шахслар тўғрисидаги мақолаларни мамнуният билан эслайман. Хусусан, Низомий, Данте, Пушкин, Шота Руставели, Шевченко каби улуг зотлар тўғрисида ёзилган шундай мақолалар улар ижоди билан ўзбек журналхонларини таништиришда катта аҳамиятга эга бўлган. 1939 йилдан бошлаб улуг ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг 500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик бошланди. Бу масалада «Гулистон» марказий ўрин тутди. Унинг саҳифаларида Навоий асарлари, Навоий ижодига оид мазмундор мақолалар босилиб турар эди. Хусусан, Навоий «Хамса»синнинг беш достони — «Ҳайратул аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонларининг қисқача насрий баёнлари биринчи бор «Гулистон» саҳифаларида эълон қилинди. Журналнинг деярли ҳар сонида Навоий ижодига бағишланган мақолалар босилар эди. Улар билан бирга, Ўзбекистон ҳаётига доир кўп гўзал лавҳалар ҳам «Гулистон»да ўз аксини топиб борарди.

Уруш йиллари «Гулистон» журнали чиқмади. Урушдан кейинги йилларда ҳам анча вақтгача «Гулистон» тикланмай келди. Ниҳоят, 60-йиллар ўртасида «Гулистон» журнали қайтадан нашр этила бошлади. Шундан бери мен ҳам ушбу мўътабар журнал фаолиятида баҳоли қудрат қатнашиб келаман.

«Гулистон» журналининг 70 йиллиги Ўзбекистон маданий ҳаётидаги катта бир воқеадир. Етмиш йил давомида бу журнал бутун бир авлодни тарбиялаб, эл хизматига тайёрлаб берди. Мен ҳам ушбу авлодга мансуб эканимдан мамнунман. Журнал саҳифаларида ҳамиша ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик ғоялари ўз илҳомли ташвиқини топиб келмоқда. XXI аср арафасида ўзининг етуклик ёшига етган бу мўътабар журналга Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлаш йўлида янги, улкан ютуқлар тилайман. Журнал ходимлари омон бўлсинлар, уларнинг элу юрт хизматида бўлган ижодлари камол топаверсин.

ва, Муҳаммаджон Ҳакимов, Ноила Асилова, Бобохон Қосимхонов, Тўхтамурод Зуфаров, Насимхон Раҳмонов, Раҳим Жуманиёзов ва бошқа олимларимизнинг саъй-ҳаракати билан Бобурнинг «Мухтасар» («Аруз»), «Китоби салот», «Китоби Ҳаж», «Комрон Мирзо девони», Рабғузий қиссалари, Хожа Аҳрорнинг «Волидия» (Бобур таржимасида), Ҳувайдонинг «Роҳати дил», Абул Ғози Баҳодирхоннинг «Шажараи турк» ва «Шажараи тарокима», Саййид Қосимийнинг «Маснавийлар мажмуаси» ва бошқа мумтоз адабиётимиз дурдоналари халққа тақдим этилди. Ҳали институтда оҳори тўкилмаган қўлёзмалар, ажойиб халқ қиссалари, баёзлар нашр этишга навбат кутяпти.

— Азизхон ака, Сизнинг ўзингиз ҳам ҳазрат Навоий ижодини ўрганишда катта ишлар қилдингиз. «Ажойиб кишилар ҳаёти» сираси рукнидаги «Алишер Навоий» китобингизда Навоий ҳаётини ҳам содда, ҳам теран ҳикоя қилиб бергансиз. Сиз навоийшуносликда ўзига хос беш китоб — «Хамса» бунёд этдингиз. «Яхшилар ҳайрати», «Фарҳод ва Ширин» сирлари», «Ишқ водийси чечаклари» («Лайли ва Мажнун» таҳлили), «Сабъаи сайёр» таҳлили, «Саддий Искандарий» таҳлили — ҳаммасини бир китоб ҳолида нашр этишни орзу қиларди нгиз.

— Бу асарларнинг дунё юзини кўришида, Маҳкамжон, Адабиёт ва санъат нашриёти раҳбарлари қаторида Сиз ҳам муносиб ҳисса қўшгансиз. Беш китобни бир қилиб чиқариш орзуси бор эди, ҳозир ҳам шу орзудаман. Уларни яна тўлдириш мумкин, Навоий ижодининг кўпгина сирлари очилмай, кўнглимда қолиб кетяпти. Аммо, на илож? Мустақил республикамиз ўзининг қозоғ саноатига эга бўлса, бу орзулар ҳам рўёбга чиқар деган умидим бор.

— Мустақил Ўзбекистон жамиятидаги янги ижобий ўзгаришлардан бири — инсонлар ҳаётига, баъзи Ғарбдаги мухолифлар айтгани «Шарқ деспотизми» эмас, балки, илгор, тараққий топган мамлакатларга хос демократия, фикрлар эркинлиги, танқид ва танбеҳ учун «ёшиқ зона»ларнинг камайиши, камчиликларнинг ҳақида рўйи-рост гапириш мумкинлиги қувонарли ҳодисалардир. Собиқ империя — СССР тузумида учрамаган янгилик — кўп партиявийлик ҳодисалари ўйлайманки — бу хўжакўрсинга эмас, балки ҳар бир партия вакиллари ижобий ишларда рақобат қилса, халқ аҳволини яхшилашга қайси партия кўпроқ куч-ғайрат сарфласа, деҳқончиликни, саноат ва ҳунармандчиликни бўғаётган молиявий қонунлар ўрнига — ривожланишни рағбатлантирадиган қонунлар қабул қилинишига эришса, ўша партия — халқнинг кўпроқ ишончига сазовор бўлиши табиийдир. Сиз раҳбар бўлиб сайланган Миллий тикланиш партиясидан халқимиз яна бир қандайдир яхшиликлар кутмоқда.

— Миллий тикланиш партияси ҳам халқимизга яхшилик қилиш ниятида тузилган. Мақсадимиз миллатнинг маънавий бирлиги, Туркистон — ягона оила, кучли демократик давлат қуриш, миллий қадриятларимизни тиклаш ишига барча зиёлиларимизни, миллатнинг асл фарзандларини сафарбар этишдан иборат. Бизнинг фаолиятимизда ўзбек миллий манфаатлари билан Ўзбекистонда тер тўкиб меҳнат қилаётган бошқа миллатларнинг вакилларини ҳам ягона Ватан — Ўзбекистон манфаатлари йўлида яқин ва биродар қилиш — асосий вазифаларимиздан бири. Аммо бу — собиқ СССР давридаги сунъий интернационализм ёки космополотизм асосида эмас, балки давлат тили соҳиблари билан бошқа миллатларнинг энг истеъдодли вакилларини инсонпарварлик асосида, «Туркистон — умумий уйимиз» шиори остида чинакам дўстлик ва қардошлик асосида, Марказий Осиё республикалари халқларининг тарихи ва маданияти муштараклиги асосида миллий тикланишни таъминлашни кўзда тутамиз.

— Янглишмасам, «Фарҳод ва Ширин» сирлари» китобингизда Навоийнинг Луқмон Ҳаким тилидан айтган бундай фикрини келтиргансиз:

Жаҳон илми бу — ким, менга
ёд эрур,
Анга барча жаҳл аҳли
устод эрур...

Жамиятимиз, халқимиз, миллий тикланишида ҳам биз ана шундай жоҳилларнинг хато ишларидан иборат оламизми ёки фозил инсонларни вояга етказиш, уларга яхши ишлари учун имконият яратиб бериш йўлидан борамизми?

— Форобий ва Навоий орзу қилган, Сиз билан биз орзу қилган ана шу фозил инсонлар ҳукумат ишлари-

га дадил жалб этилгандагина тарихий тараққиёт давом этиши мумкин. Аксинча, дунёпарастлар ва худбинлар амал-мансабдаю, фозил одамлар узлатда, фақирликда яшайдиган жамият тараққий этмайди.

— Азизхон ака, «Хамса» талқинларига багишланган илмий асарларингиздан «Садди Искандарий» китобида, Навоий байтларини шарҳлаб бундай дегансиз: «Фикри, хаёли ана шундай мансабпарастлик ва манфаатпарастлик билан банд бўлган шахслардан халқ, мамлакат нафини кўзлаб иш тутишни умид қилса бўлармиди? Шунинг учун Навоий... зулм ва зўравонликни рад қилиб, адл, инсоф ва тўгрилик билан иш тутишга, ҳамиша халққа ғамхўрлик қилишга ундади. Кечирасизу, ҳозирги кунда ҳазрат Навоий ҳам айтган ўшандай мансабпараст, манфаатпараст, халқнинг аҳволини яхшилашни эмас, ўз фойдасини ўйлайдиган одамлар оз эмас. Бундай худбин шахслар табаррук эл-юртларимизнинг миллий тикланишига ярайдими?

— Бундай худбин одамлар барча замонларда, барча давлатларда ҳам бўлган. Давлат раҳбари бундай худбинларни эмас, балки халқни ўйлайдиган фозил одамларни давлат ишига жалб қилади, чунки халқ ғамида яшаб, тер тўкиб ишлайдиган фозил инсонлар адолат, адл билан иш тутадилар. Ҳазрат Навоий: «Ҳокимият эгаси зулмни барбод қилиши, золимларни қаттиқ жазолаб, мазлумларни ўз ҳимоятига олиши керак», — дейди. Айни замонда, Навоий айтадики, у кечиришни ҳам билиши керак. Гуноҳ хирмони қанча катта бўлса ҳам оҳ ва надомат (гуноҳига чин дилдан афсусланиши) гуноҳларни кўкка совуради. Гуноҳ ўтининг шуъласини узр сўраб, оқизган кўз ёши суви пасайтиради. Навоий яна айтадики: подшоҳ ўз билгича иш тутавермай, эл-юрт билан бамаслаҳат иш тутмак даркор. Акс ҳолда эл оғзига қўлф тушади. Кенгаш пайтида тортишув чиқса хафа бўлиш ўринсиз. Барча ишда эл, улус осойишталиги ва фаровонлиги асосий ўрин тутсин. Айни вақтда, оғзига келганини гапираверіш, унга амал қилмаслик — ишончсизлик уйготади. Тилга эътибор — элга эътибор. Инсонпарварликнинг асосий шарти ширин сўзлар эмас, балки — ҳар ишда адолатпешаликдир.

Шоҳки, иш адл ила бунёд этар,
Адл — бузуқ мулкни обод этар.

— Ҳазрат Навоийнинг бу дурдона маслаҳатлари фаровон давлат қуриш орзусида бўлган бизнинг авлодлар учун ҳам қимматлидир.

Муборак 70 ёшингиз, Олий Мажлиса халқ ноиби, Фанлар академияси академиги бўлиб сайланишингиз билан Сизга тенгдош «Гулистон» журнали ижодий жамоаси ва кўпминг сонли муштарийларимиз номидан муборакбод этамиз!

Суҳбатдош
Маҳкам МАҲМУД.

Галия ИЗМАЙЛОВА,
халқ артисти.

Севимли «Гулистон» журналининг 70 ёшини муборакбод этар эканман, аввало, бу журналга узоқ умр тилайман.

Негаки, мен ҳар гал ушбу журнални қўлга олганимда энг яқин, энг қадрдон дўстим билан мулоқот қилаётгандай бўлаверaман. Гўё ҳар бир сатрда болалик йилларимнинг ёркин хотираси муҳрланиб қолган-у, мен улар билан тўқнашаётгандайман.

Эсимда, 30-йилларнинг охири 40-йилларнинг бошлари эди. Биз бир гуруҳ талабалар Бешёғочдаги балёт мактаб-интернатида ўқир-

ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР

Ёқуб АҲМЕДОВ,
Ҳамза номидаги Академик драма театри директори, халқ артисти

ТЕАТР ЖАМОАСИ номидан журнал мухлисларини ва ходимларини қутлуг юбилей билан табриклайман.

«Гулистон» — театр жамоамизда энг севиб мутолаа қилинадиган нашрлардан бири. Негаки, унда босилаётган материалларнинг ҳаммаси чуқур ўйланган ҳаётий воқеаларни акс эттиради. Ким қайси соҳада ишламасин, албатта ўзи учун керакли ниманидир топади. Мана шу «нимадир» борлиги, журнал мухлисларининг ортишига сабаб бўлаяпти.

70 баркамоллик ёши. Биз, санъаткорлар. «Гулистон»нинг узоқ яшашига ишончимиз комил. Тилакларим шуки, журнал саҳифаларида кўпроқ баҳсга, мулоҳазага чорловчи ўткир мақолалар, ҳаётий лавҳалар, бадиий асарлар, турли-туман очерклар босилса. Танқид — келажакнинг меваси. Шунинг учун тез-тез танқидий мақолалар ҳам бериб борилиши лозим, деб ўйлайман. Ва, албатта, санъаткорларнинг олижаноб, машаққатли ижодини акс эттирувчи мақолалар журналнинг ҳар бир сонида биттадан чиқиб турса. Республикамиз театрларида юракдан, бор меҳр-муҳаббатини театрга бахшида этиб ишлаётган истеъдодли актёрлар жуда кўплаб топилади. Фақат пойтахтдаги театрлар фаолияти ёритилмасдан, вилоятда меҳнат қилаётганларга ҳам озгина меҳр кўзи билан қарамоғимиз даркор.

Мен шеъриятни яхши кўраман. Шеърият — истеъдод қирраларини очувчи бир булоқ. Шеър ўқий туриб, миямда янгидан-янги фикрлар, ғоялар туғилади. Журнал саҳифаларидан истеъдодли шоирларимизнинг шеърларига кўпроқ жой берилишини истардим.

дик. Ҳолбуки, мактабда мусиқа, тасвирий санъат билан бир қаторда, ўзбек ва дунё халқларининг мумтоз куй ва қўшиқлари, миллий руҳдаги рақс дурдоналари ҳам ўргатиб бориларди. Теран сабоқлар олардик. Ҳар бир ўтиладиган дарс мавзусини қунт билан ўрганардик. Энди уйлаб қоламан, шунчалик кўп нарсани билиш зарурмиди? Инсон учун ақл-заковат, истеъдод зарур экан. Ҳаттоки бу машаққатларимнинг барчаси ғаниматдамларга айланиб бораётган болалигимдан ҳам афзал эди. Аммо бари бир инсон руҳининг маънавий камолотига эришуви энг муҳимдир.

Мен гўзаллик ва нафосатнинг ана шундай уйғунлигида «Гулистон» журналининг жуда катта аҳамияти борлигини таъкидлаб, миннатдорчилик билдираман.

Ўзим севиб мутолаа қиладиган «Театр», «Балет», «Санъат» (ҳозирги «Гулистон») журнали саҳифаларини варақлар эканман, улардаги адабий-бадиий асарларни, санъат оламининг нақадар кенглигини, унинг мафтункор дунёсини ҳар гал чуқурроқ ҳис этаман.

Бир ўқувчи сифатида ҳар сонда санъат ва адабиёт, жамият ҳаётидаги янгиликлар, янги номлар билан энтикиб таниша бошлайман. Бу эса менга ўзгача таассурот ва шукуҳ бағишлайди.

Бир пайтлар ўзимнинг ҳам муаллиф сифатида эълон қилинган мақолаларим эсимга тушади. Кўз олдимда ўша йиллар (унда мазкур журнал «Нафосат» деб юритилар эди) гавдаланади.

Айниқса, ўзбек балет мактабидан ҳикоя қилувчи, бу рақс жанрининг ютуқларини, долзарб муаммоларини акс эттирувчи материалларни ўқиб, мен ўзимни қайтадан санъат кошонасига кириб келаётгандай тасаввур қиламан. Қалбим чексиз ифтихор ва шодликка тўлади.

Ўйлайманки, журнал ҳали кўп асрлар эл-юрт хизматида бўлади. Бутун балет ихлосмандлари номидан журналнинг қутлуг ёшини қутлар эканман, яна бир карра ўқувчиларинг сони кўпаяверсин, мустақил Ўзбекистоннинг «Гулистон»и деб тилак билдираман.

Розия КАРИМОВА, Ўзбекистон халқ артисти

Исми жисмига муносиб «Гулистон» журналини 70 йиллиги билан чин дилимдан табриклайман. Бу журнал сермазмунлиги, маданият ва маънавиятга доир масалаларни жиддий ёритаётганлиги билан мухлисларни доимо мафтун қилиб келмоқда. Шахсан мен унинг саҳифаларида анча йиллардан буён рақс санъати ҳақидаги фикрларим билан қатнашиб келаман. Айни пайтда «Гулистон»ни энг қадрдон журналлардан бири сифатида севиб ўқийман.

Бир мушгарий тарзида ҳар гал қўлимга олар эканман, «Гулистон» менга тарих, замона, маданият, санъат, нафосат тўғрисида шууримга ва қалбимга ниманидир инъом этади. Журналимизнинг тўй кунларида унинг санъатсевар, фидойи меҳнаткаш жамоасига миннатдорчилик билдириб, барчаларига сиҳат-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилайман. Илоҳо, журнал доимо адабий ва маънавий юксаклиги билан дунё тургунча давом этсин!

Маъмура ЭРГАШЕВА, Ўзбекистон халқ артисти

ИЖОДИЙ ҲАМРОҲИМИЗ

Республикамиздаги энг кўзга кўринган «Гулистон» журнали қутлуг 70 ёшини нишонлаш арафасида турган экан, биз санъаткорлар аҳли бу байрамни ўзимизга ҳам тегишли, деб ўйлаймиз.

Негаки, «Баҳор»нинг баҳорлигини, унинг хушбўй ифорларини жаҳонга танитишда яқиндан кўмак бериб, беназир фаолият кўрсатган ушбу журнал олдида доимо ўзимизни қарздордай ҳис қиламиз.

Ҳар гал журнал саҳифаларини варақлаганимизда, санъатга тўғри баҳо берадиган, унинг ички имкониятларини тўлиқ очиб бера оладиган, бизни фақат гўзалликка ва эзгуликка ундовчи заҳматкаш журналистларнинг қимматли сатрларини ўқиб, сўнгсиз офаринлару таҳсинлар айттимиз келади.

Эндигина мустақиллик жилвини қўлга олиб, маънавий баркамоллик томон интилаётган халқимиз учун бугунги кунда санъатнинг аҳамияти бениҳоя улкандир.

Турли меҳнат жабҳаларида тер тукаётган юртдошларимизга маънан қувват бераётганимиздан, гоят мамнун бўлар эканмиз, бизнинг ижодий машаққатларимизни халққа ошкор этиб, ишларимизни юзага чиқариб, йўлимизни ойдин, юзимизни ёрут қилаётганлар орасида матбуот ижодий ходимларининг ҳам муносиб улуши бордир.

Кейинги вақтда ижтимоий ҳаёт ичкарисига чуқурроқ кириб бораётган, ундаги муаммоларни батафсил ёритаётган севимли журналнинг қутлуг ёшини қандай муборакбод этишни биломай, ҳайратда қолсан киши. Ахир, бугунги кунимизнинг долзарб мавзуларига айланган давра суҳбатлари, илмий-назарий мақолалар, санъат ва адабиётга доир мунозарали, баҳсли мазмундаги куюнчак сартлардан кўз юмиб бўладими?!

Ҳурматли «Гулистон» журналининг ижодий ходимлари!

Биз сизларнинг атоқли журналингизнинг 70 йиллик олтин тўйини муборакбод этар эканмиз, сизлар билан ўзимизни ёнма-ён деб тасаввур қиламиз ва «Гулистон» — ижодий ҳамроҳимиз, деб баралла айта оламиз.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
санъатшунослик доктори, профессор.

УСТУВОР МАВЗУЛАР

«Гулистон» журналининг 70 йиллик тўйи билан барча ноширларни ва муаллифларни табриклайман. Фурсатдан фойдаланиб, унинг истиқболи учун муҳим туюлган баъзи фикр-мулоҳазаларимни баён этмоқчиман.

Аввало шуки, «Гулистон» ҳозиргидай жиддий тусдаги илмий-маърифий нашр бўлиб қолиши, майдалашмаслиги, соддалашмаслиги керак. Токи у оддий кишиларгагина эмас, зиёлиларга, мутахассисларга ҳам қизиқарли бўлсин. Уни қўлга олган, варақлаган, ўқиган киши ундаги турли-туман иншолар мазмунидан бойибгина қолмай, бичими, ранг-баранглиги, суратларидан ҳам завқ олсин. Журнал Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлигига қарашли. Шу боисдан маданиятга оид барча соҳаларни қамраб олиши табиий, лекин шундай бўлса-да, у бошқа вақтли нашрларни қайтармаслиги, ўз негизига, устувор йўналишларига эга бўлиши мақсадга мувофиқдир.

Хўш, қандай устувор мавзулар бўлиши мумкин? Энг муҳим вазифа — бу санъатлар тарихи манбаларини излаб топиб, таржима қилиб, уларни зарур изоҳлар билан таъминлаб нашр этишдир. Бундан ўта савоб иш йўқ. «Гулистон»га қўшилган «Нафосат» саҳифаларида илк бор эълон қилинган испан элчиси Гонзалос де Клавихонинг кундаликларини, «Овасто» мадҳияларини, Фитрат, Чўлпон, А. Қодирий мақолалари, асарларини бир эсланг. Шу йўналишни изчил давом эттириш зарур. XX аср санъаткорлари меросидан ўқувчиларни хабардор қилиб туриш, муҳим, албатта. Аммо ўзбек санъатининг мусиқа, рақс, анъанавий театр, цирк, тасвирий ва амалий-безак турлари, ҳунармандчилиги, майдон томошалари тарихи бўйича қўлёзма хазиналарида қанчадан-қанча рисолалар борки, уларни топиб нашр қилиш ундан ҳам муҳимроқдир. Чунончи, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Футувватномаи султония ёхуд жавонмардлик тариқати» асари, гарчи тасаввуфга бағишланган бўлса-да, санъат тарихи бўйича ҳам манбаки, 1994 йилда унинг Нажмиддин Комилов томонидан ўзбек тилига нашр қилиниши муҳим иш бўлди. Аммо бунда асарнинг 12 бобдан 7 боби олиниб, Душанбеда нашр қилинган нусхага тайнилган. «Гулистон» мутахассислар ёрдамида мана шунга ўхшаган манбаларни топиб, тўла ҳолда нашр қилиб борса, тарихчи санъатшунослар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам бениҳоя катта иш қилган бўлур эди. Биргина Амир Темур ва Темурий подшоҳлар даврида ўнлаб шундай рисолалар, бадиалар яратилганини эслаб ўтиш кифоя. Айтайлик, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг мусиқага оид иншолари топилиб, «Гулистон»да чоп этилса, қандай соз бўларди! Ёки бўлмаса журнал Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг дўсти, замонасининг буюк санъаткорларидан бири, кураги ерга тегмаган полвон Паҳлавон Муҳаммаднинг қураш илми ҳақидаги асарини таржима қилиб босиб чиқарса, бунинг савобига ким етсин? Бундай қўлёзмалар кўплаб топилади.

Иккинчи устувор йўналиш санъатлар тарихини босқичма-босқич ёритиш деб белгиланса, айни муддао бўлмасмиди? Бу, албатта, осон иш эмас. Аммо журнал таҳририяти тегишли мутахассисларни жалб этиб ҳеч бўлмаганда санъат тарихининг ислом даврини баҳоли қудрат босқичма-босқич ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўйса кошки. Шу баҳонада тарихдаги ўрганилмаган анча даврлар аниқланган, хийла масалалар ойдинлашган, қанча бўшлиқлар бир қадар тўлдирилган бўлур эди. Санъатимизнинг антик даври ва илк асрларга тегишли қиёфалари, манзиллари ҳақида озми-кўпми тасаввурга эгамиз. Бироқ санъатимизнинг ислом даври бўйича ҳали наинки оддий кишилар, балки мутахассислар ҳам билмайдиган қанчадан-қанча босқичлар, соҳалар, турлар, жанрлар, туркумлар борки, уларга биринчи галда санъатшунос олимлар, қолаверса, «Гу-

листон» таҳририяти эътибор бермаса бўлмайди. Биргина дин ва тасаввуф тариқатлари билан боғлиқ бўлган санъатлар ва асарлар, ижодкорлар ва ижрочиларни аниқлашнинг ўзи бугунги кунда нақадар аҳамиятли эканини тушунтириш ортиқча.

XX аср ўзбек санъатини ҳам ана шу катта тарихнинг давоми деб қараб, унинг даврларини қайта белгилаш, янгича таҳлил қилиш, санъат турлари, асарлари, санъаткорлар ижодига янги назар билан ёндашиш даркор. Мана шундай изланишларнинг ҳосиласи бўлмиш мақолаларни эълон қилиб бориш ҳам «Гулистон»нинг муҳим вазифалари сирасига киради. Илгари қатағонга учраган санъаткорлар ҳақида ҳаққоний ҳикоя қилувчи бир туркум мақолалар босилгани қувончли ҳолдир. Энди ҳукмрон мафкура таъсирида бир ёқлама талқин этиб келинган Ҳамза, Маннон Уйғур, Комил Ёрматов, Яшин, Тошхўжа Хўжаев каби санъаткорлар ижодига янгича кўз билан қараш пайти келди.

Ўз-ўзидан маълумки, Истиқлол даври маданияти ва санъати масалаларини ёритишга етарли эътибор бериш керак бўлади. Аммо бу ишда эҳтиёткорлик, меъёр, масъулият зарур. Манимча, юқори савияли санъат намуналарингина, янги ижтимоий шароитларда яхши натижаларга эришган ижодкорларнигина тарғиб қилиш мумкин. Шу билан бирга санъат турларига тааллуқли муаммоларни ҳам кўтариб чиқиш фойдали.

Ниҳоят, учинчи устувор йўналиш — бу «Туркистон — умумий уйимиз» шиоридан келиб чиқадиган мавзулардир. Бу тўғрида «Гулистон» муттасил сўзлаб туриши керак. Нега деганда, совет даврида азал-азалдан оға-инилардай яшаб келган Туркистон халқлари ажратиб ташланди, улар орасида манманлик, нифоқ уруғларини сочишга уринишлар бўлди. Аммо оддий кишилар илгари қандай аҳил-иттифоқ яшаган бўлсалар, шундай яшаб, ҳамкорлик қилиб келдилар. Қиз олиб, қиз беришди, тўйлари, дастурхонлари ўртада бўлди. Устозона санъат соҳаларида ҳам, ота бўлса-да, алоқадор, ўзаро таъсир бўлиб турди.

Хулласи калом, «Гулистон»нинг қиладиган ишлари бисёр. Ўз мазмуни ва йўналишларига кўра, бутун Марказий Осиёда ягона бўлган ушбу нашрга порлоқ истиқбол, унинг заҳматкашлари ва муаллифларига ижодий ютуқлар тилайман. XXI аср барчамизга тинчлик, фаровонлик, бахт-саодат олиб келсин.

70 ёш муборак бўлсин, азиз дўстлар!

Қаҳҳор РАШИДОВ,
«Ўзбекистон — Контакт»
халқаро журнал бош муҳаррири,

ДИЁРИМИЗНИНГ ҚАЛБ КЎЗГУСИ

«Гулистон» 70 ёшда. Қарийб бир инсоннинг умрига тенг давр. Бу улкан санада босиб ўтилган йўл, бу йўлларда тўкилган заҳматкаш зиёлиларнинг пешона тери — қора меҳнати... Ва шу меҳнат сувидан униб чиққан етмиш йиллик гиёҳлар... Гиёҳларнинг эл-юртга тегаётган нафи...

Нафақат Ўзбекистонимиз ҳудудида, балки қардош республикаларда ҳам катта обрўга эга бўлган «Гулистон» журналининг 70 йиллик муборак тўйини биз «Ўзбекистон-контакт» муҳарририяти ходимлари ҳам кўп минг кишилик мухлислар номидан чин дилдан кутлаймиз.

Дарвоқе, «Гулистон» республикамиздаги ягона ижтимоий-сиёсий ва бадиий-безакли журнал ҳисобланар экан, унинг қайси саҳифасини варақламанг, замондошларимизнинг бугунги кун маданияти, қалб қиёфаси, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, бозор иқтисодиётининг танг кўчаларида қоқилмай, дадил қадамлар билан ўз йўналишини, ўз услубини топаётганлари ҳақидаги лавҳаларни ўқиб, беихтиёр журнал ўқувчисига айланиб қоласиз.

Шунинг учун бўлса керак, журналнинг мақсади олий, қалами ўткир, мазмуни теран, оҳанги эса фақат эзгуликка, яхшиликка, ҳайрихоҳликка сафарбар этувчидир.

Унинг ҳар бир сонида бой ўтмишимизнинг олис қаърига нигоҳ ташлайсиз. Санъат соҳасида рўй бераётган ноёб кашфиётлардан, фозилу фузалолар, аҳли маърифатнинг қўлга киритган илмий ютуқларидан огоҳ бўлиб, маънан бақувват бўласиз.

Байрам баҳона — тўй баҳона муҳарририят жамоасининг тадбиркорлиги-ю, ҳушёрлигини ҳам бир айтиб, бир хушнуд қилиб қўймоқчимиз.

Халқимизда «кўпга келган тўй» деган ажойиб нақл бор. Лекин гап ана шу нақлдан ҳар ким тегишли хулоса чиқариб, ўз улушини, ризқ-насибасини чегириб оладиган тежамкорлиги, удаларбуронликда!

«Гулистон» журнали ходимлари ҳам бозор иқтисодиётининг машаққатларидан чўчимай, тиражчилигининг тегирмон тошини юргизаётган ҳозиржавоб нашрдир. Бу эса унинг ҳамиша жўшқин фаолият кўрсатишида, доимо узоқни кўра олишидан ва таобад нашр этиб туришидан далолатдир.

Биз бундан буён ҳам журнал саҳифаларида истеъдодли шоир ва ёзувчиларимизнинг ижодий намуналари, мусаввирларимизнинг ҳаёт нашидасини тараннум этувчи рангтасвирлари бўй кўрсатиб туришини истаб қоламиз.

МАҲОРАТ МАКТАБИ

Иброҳим ҒАФУР



Тоталитар тузум ўзининг бутун куч-қудрати билан халқ турмушининг барча соҳаларида миллийликни маҳв этиш сиёсатини юритган оғир кезларда — миллийликнинг нафаси ўчирилган, бўғилган, авахталарда чиритилган, ўша тинмай ўзини мақтовчи замонларда «Гулистон» қандай йўл билан бўлмасин, миллийликни сақлаб туришга, миллий туйғуларни тарбиялашга интилди. Албатта, у ҳукмрон тузум манфаатларидан узилолмади, узилолмас ҳам эди, лекин у қандайдир йўллар билан халқ тарихига назар ташлаш, халқнинг онгига миллий тарих руҳини олиб кириш, тарих ҳиссиётининг бутунлай сўниб, йўқ бўлиб кетишига йўл қўймаслик мақсадларида таҳдид ва қўрқувлар остида бўлса ҳам, тер тўкиб ишлади.

Ростдан ҳам, у халқнинг манқурт бўлиб қолмаслиги учун кўп қора тер тўкди. Халқ расм-русумлари ва ажойиб анъаналарини ўз саҳифаларида ёритиб борди. Халқнинг маърифатли ва саводхон бўлишига тинмай ўз улушини қўшди.

60-йилларнинг ўрталарида жиндаккина эркин фикр юритиш имконияти пайдо бўлди. Кишанланиб қамоқда ётган озод фикр ёруғликка чиқди.

Лекин, афсуски, ёруғликка чиқди-ю, лекин оёғидан кишан ечилмади. Фикрга солинган оғир кишанлар яна йигирма йилдан кейин 80-йилларнинг иккинчи ярмига келибгина тарихий афғон фалокатидан сўнг ечилди.

67-йиллар «Гулистон» яна бир карра тирилиб, дунёга қайта келди. Ростдан ҳам, у йигирма бешинчи йилдан буёғига неча маротаба ўтга ташланди, ёпиб қўйилди ва неча баробар яна қанотларини ёзди.

Шу маънода, «Гулистон»ни афсонавий қақнусга ўхшатиш мумкин. Ҳар ўтга ташланганда, у яна янгроқ овоз билан халқ ҳаётини куйлаб тириларди. Олов куллари ичидан чинакам афсонасоз гулистон бўлиб чиқди.

Ўша 60-йилларнинг охирларида «Гулистон»ни қанчалар ташналик билан ўқиганмиз. Ундан дардларимизга малҳамлар қидирганмиз...

Ҳақиқатан ҳам, «Гулистон»да ижтимоий дардларимизга қандайдир бир тарзда малҳам бўладиган асарлар босилиб турди.

Расул Ҳамзатовнинг «Доғистоним»ини айтаймми ёки «Темур тузуклари»ни айтаймми? Илк маърифатпарварларимиз ҳақидаги кўзимизга тўтиёдек кўринган мақолалар-чи? Бутун бир истеъдодли қаламкашлар тўдасининг майдонга чиқиши-чи?

Уларнинг ҳаммалари ҳам илк ижодий қадамларини «Гулистон»да ташлаганликларини фахрланиб эслайдилар.

«Гулистон» ҳақиқатан ёш ижодкорлар учун маҳорат ва чиниқиш, ижодга, журналистикага ниҳоятда жиддий масъулият билан қараш мактаби бўлган эди.

Ажаб эмаски, бу мактаб машаққатларини чеккан ўша ёш қаламкашларнинг ҳаммаси ҳали ҳануз ўша жиддийлик, ўша масъулият билан қалам тебратиб келадилар.

Мен шахсан, журнал, газетага мактаб деб қарайман. Мактабга айланолмаган газета ҳам, журнал ҳам халқ ичида ўз таъсирига эга бўлолмайди, обрў-эътибор орттиролмайди.

Менинг ҳам шу «Гулистон» мактабига жиндек даҳлдорлигим бор. Аввало, устозим Ваҳоб Рўзиматов шу ерда ишларди. Ишлардигина эмас, журнал ишининг барча машаққатини мардона тортарди. Дам жиғибийрон бўлиб, дам юзи ёришиб, чарақлаб, ёшларни муҳаррир қилиб тарбияларди. Ваҳоб аканинг ажойиб таҳририятчилик мактаби бор. Таҳририятчиликка ўз қарашлари бор. Буни қарангки, Ваҳоб ака таълимини кўрган барча қаламкашлар чинакам таҳрир усталаридир. Уларнинг бу мактабда кўрган маҳоратлари сал кейинроқ, «Ёшлик» нашр этилганда, айниқса, гўзал бир тарзда юзага чиқди.

Ўша йиллар Ваҳоб ака менинг илк мансураларимни «Гулистон»да чиқарган, қанчадан-қанча мақолалар ёзишга ундаган...

«Гулистон»нинг миллий маърифатчилик йўлидаги саъй-ҳаракатлари ҳеч қачон зое кетмагай.

ИМКОН – МУРОД ҲОСИЛАСИ

Неъмат АМИНОВ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси



Ваҳоб ака чиқиб кетиш олдидан таҳрир қилинган нусхани менга тутқазиб: «Бир қараб берарсиз», — деди. Олиб кўз югуртирдим. Уч-тўрт жойга қора сиёҳда тузатишлар киритилган бўлиб, матнни очиб юборган эди. Ана ўшанда Ваҳоб аканинг чин маънода «сўзбоз»лигига қойил қолган эдим. Бир сўзни деб мани уч марта излаб чиқибдилар.

Шундан сўнг гулистончилар буюртмаси билан С. Айний 100 йиллиги олдидан «Устод табассуми» ҳикоялар туркуми, «Шайхулислом соч қўйганми?» деган танқидий мақолам, яна қаторасига беш-олтита ҳажвиям эълон қилинди. Шушу, «Гулистон»нинг фаол муаллифига айланиб қолдим. Ваҳоб ака билан шева, сўз бойлиги, ёзувчи услуби ҳақида тез-тез суҳбатлашадиган, айрим ўринсча сўзларнинг ўзбекча таржимасини у кишидан сўраб биладиган бўлдим.

Ҳа, яна бир нарса сир қолмасин. «Тарбиявий соат» деган ҳажвиям дастлаб шу журналда эълон қилинган эди. Ундаги «Итлар ҳам ҳар хил бўлади: бульдог, кўппак, овчарка, този, теват, лайча, бўрибосар...» деган жумладаги «теват» ва «бўрибосар» номларини Ваҳоб ака жуда ўринли қўшиб қўйганлар.

Шуни ҳам айтиш керакки, таҳрирда чин таҳрир бор. Бировлар ўзини кўрсатиш учун таҳрир қилади. Бунақаларни мен «Услуббузарлар» деб атаган бўлардим. Бу хиллар аввал муаллифнинг услубини, сўнг асабини бузишади. Ваҳоб ака таҳрири эса бутунлай бошқача. Ўрни келганда яна бир гапни айтмасам бўлмас. У киши «Шудгордан тутилган балиқ» деган ҳажвий эртакни таҳрир қилганларида эртак услубига жиндай путур етгани учун қайтиб олиб, обдон ишлаб, бошқа журналда чиқарганим ҳам эсимда. Лекин бу муносабатларимизга сира таъсир этмаган.

Ваҳоб аканинг Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир, Эркин Аъзамов, Хайриддин Султонов, Маҳкам Маҳмуд, Саъдулла Аҳмад, Тоҳир Малик, Абдулла Шер сингари шу соҳадаги ўнлаб шогирдлари бор. Улар ҳам худди Ваҳоб акадек таҳририда инжиқликни ёқтиришади... бу хислат ўз-ўзидан каминага ҳам юққан. Маҳмуд Саъдий таҳрири устозидан ҳам ошириб, Алишер Навоий ёзганларини ҳам таҳрир қилиб ташлайди. Юбилей муносабати билан «Гулистон» жамоасини, барча муҳаррир, муаллиф ва ўқувчиларини, айниқса, Ваҳоб акамизга ўхшаш фидойи фахрийларини табриклаш имкони тутилганидан ниҳоятда хурсандман.

«Имкон — мурод ҳосиласи» дегани шу бўлади, азизлар. Зеро, имкон, имкониятнинг катта-кичиги бўлади, муродники бўлмас...

Гоҳида узоқ муддат ният қилган орзуинг амалга ошмай дилгир бўлиб юрасан. Худди бировдан қарздордек. Бунга вужудингдаги лоқайдликни эмас, балки «вақт йўқлиги»ни баҳона қилиб, ўзингни юпатгандек бўласан.

Севимли «Гулистон» журналининг байрами имкониятидан фойдаланиб шу хил бир ниятни амалга оширишга қарор қилдим. Маълумки, ҳар бир нашрнинг тарихини (нафақат вақт) унинг муҳаррирлари, фидойи ходимлари, муаллиф ва минглаб муштарийлари яратади.

«Гулистон» журнали қайта ташкил этилгандан сўнг унга Ўзбекистон халқ ёзувчилари Иброҳим Раҳим, Асқад Мухтор ва Мирмуҳсинлар муҳаррирлик қилдилар. Уларнинг қандай раҳбарлик қилганларини журнал тахламларини варақлаб кўрсангиз биласиз...

Тўй кунида мен «Гулистон» фидойилари сирасига моҳир таржимон, уста матншунос, шу билан бирга, айрим шогирд ва матбуотчилар назидда «инжиқ» раҳбар Ваҳоб ака Рўзиматовни киритган бўлардим. Ваҳоб аканинг «инжиқ»лигини у кишининг талабчанлигига ёки аксар ёш ходимларнинг уқувсизлигига йўйса ҳам бўлаверади. Ваҳоб ака ҳар бир сўзга, ҳар бир тиниш белгисига алоҳида эътибор билан қарайди. Хато ва камчиликларни гуруччак курмак айиргандай, битталаб териб ташлайди. Университет дарсхоналаридан тўғри таҳририятга келган ёш шогирдни рағбатлантиришни, гоҳида унга танбеҳ беришни ҳам яхши билади. Ёш ходимни уришиб сўкмайди, балки ўз-ўзини теша тегмаган қочириқ билан «сийлаб», «қизим сенга айтаман, келиним сен эшит» қабилида иш тутади.

Ваҳоб аканинг шу хил хислатларини, яна одамлар у киши билан жуда эҳтиёт бўлиб гаплашиши, унинг илмоқли ҳазилларидан айрим мақтанчоқларнинг безиллаб туришини эшитган эдим. М. Шолохов, Л. Толстой, Кабо Абэ асарларининг таржимони, Ғафур Ғулом асарлари ўн томлигининг тўпловчиси ва муҳаррири сифатида Ваҳоб акани жуда ҳурмат қиламан.

Камина Тошкентга янги келган кезларим «Гулистон»га «Ишкамбанинг иккинчи ўлими» деган ҳажвнамо бир нарса топширган эдим. Уни журнал адабий ходими Саъдулла Аҳмад ундирган эди. Эртасига у, «Ишкамба ёмон эмас экан, Ваҳоб ака ўқисин-чи», — деди. Орадан бир ҳафта — ўн кун ўтиб кетди. Ўшанда «Гулистон» эски бинода, иккинчи қаватда, «Муштум» эса учинчи қаватда жойлашган эди. Бир куни ишга келсам Қутби Носирова: «Кеча Ваҳоб Рўзиматов икки марта сўраб чиқдилар», — деди. Юрагим «шув» этиб кетди. Ҳажвия маъқул бўлмай, тузлагани чиққандир, деб ўйладим. Зинапоядан тушаверишда «Гулистон» идораси томон кўз ташлаб ўтдим. Ваҳоб ака кўринмади. Тушдан сўнг у киши тағин сўраб чиқди. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Окаси, кеча сизни икки марта йўқлаб чиқувдим.

Ҳижолатдан ўнгайсизландим.

— Бир иш билан чиқувдим. Овора бўлмай, қўнғироқ қилсангиз ўзим тушардим.

— Ovораси нимаси, ишингиз қалашиб ётгандир, деб ўзим чиқа қолдим. Раҳмат окаси, бизга бир нарса ёзган экансиз.

Унинг фикр-мулоҳазасидан бехабар, нима деб жавоб қилишни билмай, камтарлик йўлини танладим:

— Сал шошилиброқ ёзган эдим, маъқул бўлмаса бошқасини берарман.

Ваҳоб ака ҳамон ўшандай сипо ва жиддий қиёфада:

— Йўқ, окаси, шуни ўзи бўлади, — деди, — жа топгансиз, фақат бир сўзга ақлим етмади... Шуни билай деб... бу «пайхас» деганингиз нимаси? Ишкамбанинг тилидан «Пайхас бормадилар чоғи» дегансиз.

«Э гап бу ёқда экан» деб ўйлаб.

— Пайхас бормаслик — илгамаслик, тушуниб етмаслик, танимаслик...

— Бўлди, окаси, раҳмат, шуни аниқламоқчи эдим. Шу сўзни бошқа жойда учратмаган эканман.

Азиз ТЎРАЕВ,
А. Қодирий номидаги
Тошкент давлат маданият
институти ректори

БАЙНАЛМИЛАЛ



«Гулистон»ни Шарқ халқлари рамзий шаклида Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларини назарда тутиб, қўллаб келишлари авлодларга маълум. Улуғ маърифатчи Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари бу ҳаракатнинг дастлабки қалдирғочларидандир.

Бундан 70 йил муқаддам «Гулистон» жаридаси ташкил этилганда ана шу маънавий «Гулистон» тасаввурида бир гуруҳ зиёли жадидлар яхши ният билан иш бошлаб, миллий анъаналарни умуминсоний қадриятлар билан мустаҳкамлаб, янги маърифат эшикларини кенг очган эдилар.

Минг афсуски, 37-йилги истибдод қатагони «Гулистон» ва унинг жамоасини ҳам четлаб ўтмади. «Гулистон»чилар «миллатчи», «халқ душмани» тамғаси билан шафқатсизларча жазоландилар, журнал ёпиб қўйилди.

60-йилларга келиб Шўро мамлакатида андак ҳур фикрлик шамоли эса бошлаб, «Гулистон» қайтадан ташкил этилди. Бу дамларда таниқли ёзувчи Иброҳим Раҳим бошчилигидаги ижодий гуруҳ ўзбек миллий адабиёти, санъати, урфу одати, анъаналарини тиклаш, халққа етказишда катта жонбозлик кўрсатишди. Айрим асарлар «бевақт эълон қилингани» сабаб, бош муҳаррир ва жамоа тазйиқ, зуғумга учраган пайтлар бўлди.

Ёзувчи Асқад Мухтор ва Ваҳоб Рўзиматовлар «Гулистон»нинг жаҳон миқёсида чи-

---

Деҳқонбой ҲУСАНОВ,
Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий
ишлар республика маркази раҳбари

ҲАМИША ЭЪЗОЗДА БЎЛСИН

Инсон руҳиятининг камолга етишуви, миллий маънавиятимиз такомили сермазмун ва салмоқли нашрларсиз амалга ошмайди.

Узоқ йиллардан буён минглаб, ўн минглаб муштарийларга билим-маърифат ва ҳаяжону эҳтирос бағишлаб, кўнгил хазинасини бойитиб келаётган «нур манба»ларидан бири «Гулистон» журналидир. Ўз вақтида айтилган тўғри гап, ўз вақтида қилинган яхши амал тафаккуримизнинг очиқ қолган яраларига қўйилган малҳамдек унутилмайди. Мен ўзлигимизни топган, ўз Зоҳиримиз ва Ботинимизга эгалик қилаётган, жаҳон салтанатида буюк мартабали улуғ бобокалонимиз Амир Темурнинг руҳимиз тугдори бўлиб тикланаётганига шукроналар айтар эканман, бир пайтлар бу журналнинг катта журъат билан «Темур тузуклари»дан парчалар чоп этганини миннатдорчилик билан эслайман. Йиллар давомида катта мавқега эга бўлган «Гулистон» журнали «Нафосат» журнали билан уйғунлашгандан сўнг, мустақил давлатимизнинг маданияти ва маънавиятини ўзида мужассам этган улкан матбуот минбарига айланди.

Қоғоз муаммолари қийнаётган бир пайтда ҳажми китобга тенг бўлган журнал чиқариш осон эмас. Аммо маданиятга эҳтиёж, маънавиятга эътибор катта бўлган бу юртда «Гулистон» ҳамиша эъзозда. Биз севимли журналимизни улкан юбилейи билан қутлар эканмиз, халқ назаридан қолмасликни, ҳамиша кўнгил мулкига мулк қўшишини, зукко муштарийларига севимли бўлиб юришини тилаймиз.

МИНБАР

қишига, ўзбек миллий зиёлилари асарлари дунё юзини кўришида муносиб ҳисса қўшдилар. Ўша кезлари маданият соҳасида ишлаган бир зиёли сифатида «Гулистон»нинг миллий маданиятимиз ривожига қўшган катта ҳиссасини, алоҳида адабий-журналистик мактаб яратганлигини яхши биламан.

Бу меҳнат ва ижод мактабидан ҳозирги таниқли ёзувчилар: А. Эшонов, М. Маҳмудов, О. Ҳусанов, М. Мансуров, А. Иброҳимов, М. Хидир, С. Раҳмон, М. Дўст, Э. Аъзам, Х. Султон ва бошқа кўплаб ижодкорлар етишиб чиқиб, маърифат гулистонини обод қилмоқдалар.

«Гулистон» ёзувчи Мирмуҳсин раҳбарлик қилган йилларда ҳам ўз анъаналарига содиқ қолди. Маълумки, шўро империяси даврида ўзбек миллий маданиятининг кўзгуси бўладиган махсус журнал чоп этилмади. Кўпроқ империя манфаатларини ҳимоя қилувчи партиявий жаридалар нашр этилди. Миллий маданият, маънавият, маърифат булоқларининг кўзи кўмилиб қолмаслигида, аксинча янги истеъдодларнинг кўз очишида «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёшлик» нашрлари сафида «Гулистон»нинг ўз беқиёс ўрни бор. «Гулистон» бу бўшлиқни тўлдирган энг салмоқдор журнал бўлиб келди.

Маърифат «Гулистон»нинг авж гуллаб-яшнайдиган даври, менинг назаримда, энди келди. Мустақиллик шамоли эсаётган табаррук кунларда гулистончилар янги давлат миллий мафкурасини яратиш йўлида катта матонат билан яловбардорлик қилмоқдалар. «Гулистон» миллий тикланиш, жаҳон маданияти, маърифатининг олдинги марраларига чиқиб олишда халқимизга мададкор бўлмоқда.

Шубҳа йўққи, «Гулистон» журнали жамоаси республикамиз Президенти И. Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатимизни, халқлар ўртасидаги дўстлик, тинчлик, қардошлик муносабатларини яна ҳам мустаҳкамлашда, қадим Туркистон заминида яшовчи барча халқлар ва миллатларни яқинлаштиришда муҳим босқич бўлган «Туркистон — умумий уйимиз» шиорини турмушга тадбиқ этишда фаол қатнашади.

Қутлуғ байрам кунида «Гулистон»га айланган туркий маърифатга биз: доим яшнайвер, бирор гулинг, япроғинг бевақт ҳазон бўлмасин, деймиз.

Рустам ХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги маданий-маърифий ишлар ва халқ ижодиёти бошқармаси бошлиғи

МАСЪУЛИЯТ

Республикамизнинг энг кўзга кўринган журналларидан бири бўлмиш «Гулистон» бугун 70 ёшга тўлибди. Бу тарих учун бир лаҳзадек бўлсада, журнал учун катта бир давр. Бу давр ичида журнал юртимиз санъати, адабиёти, тарихи, маданияти ривожига катта ҳисса қўшди. Кўплаб ижодий жамоалар, санъаткорлар, адабиётимиз ва санъатимиз тарихини, бугунги кунини ўқувчиларга етказиш борасида самарали ишларни амалга оширди. Журнал ҳар доим ҳам ўз масъулиятини сидқидилдан адо этиб, мамлакатимиз санъати ва маданиятидаги энг илғор тажрибалар, янгиликлар, маънавий меросимизни ўқувчиларга сермазмун мақолалар, лавҳаларда етказиб бера олди. Маданий-маърифий муассасалар ва халқ ижодиёти бўйича ҳам кўплаб мақолалар, эсселар, давра суҳбатлари ва бошқа талай маълумотлар чоп этиб, соҳа ходимлари ва мутахассислари меҳнатини халққа кўрсатишда улкан ишларни амалга оширди.

Бир сўз билан айттанда, завқ ва шавқ билан мустақил мамлакатимиз санъати ҳамда маданиятини ривожлантиришда ўз маҳорат ва истеъдодларини аямай меҳнат қилаётган севимли журналимиз ижодкорларига омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ,
«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси бош муҳаррири

БАЙРАМ — ҲАММАМИЗНИКИ

«Гулистон» журналининг байрами, муайян маънода, ўзбек миллий маданиятининг байрами ҳамдир. Журнал тарихи халқимиз тарихининг, маданиятимиз тарихининг ажралмас қисмидир. «Гулистон» ўзига хос тарихга эга. Айниқса, унинг 70-йилларда ўзбек миллий ҳаёти, хусусан, миллий журналистикамизда эгаллаган мавқеи ва тутган ўрни беқиёсдир. Журналнинг бу ўн йиллик фаолияти ўзбек маданияти тарихида унутилмас саҳифалар бўлиб қолиши шубҳасиз. Худди шу йиллари «Гулистон»нинг довруғи Ўзбекистондан ташқариларга ҳам кетган эди. Худди шу йиллари бутунги мустақил жумҳуриятимизда машҳур бўлган жуда кўп муҳаррир, ёзувчи, шоир, журналист ва мунаққид-адабиётшунослар «Гулистон» мактабида таълим олдилар. Умуман, ўша йиллари, ундан кейин ҳам эришилган ютуқлар, журналда қарор топган ва топаётган анъаналар миллий журналистикамизнинг бойлигидир.

Тоҳир МАЛИК

КАРДИОГРАФ

Маълумки, юракнинг фаолиятини кардиограф қоғозга тушириб беради. Ана шу қоғозга қараб юрак беш ёки ўн йил илгари қандай уриб турганини билса бўлади. Худди шунга ўхшаш газета ёки журнални ҳам кардиографга қиёслаш мумкин. Матбуот фақатгина жамиятнинг маълум даврдаги ҳаётини акс эттириб қолмайди, балки маълум даврдаги зиёли аҳлининг юрак уришини, интилишини, дардини ҳам кўрсатиб туради.

Шу нуқтаи назардан қаралса, «Гулистон» чиқа бошлаган кундан эътиборан, зиёли аҳлининг минбари бўлди ва уларнинг қалб уришларини акс эттира борди.

Журналнинг урушдан аввалги фаолиятини матбуот тарихчилари яхши баён этиб берадилар. Мен журнални 1967 йилдан, қайта чиқа бошлаган давридан яхши биламан, унинг муваффақиятларидан, «бошига тушган» ташвишларидан огоҳман. Журнал қайта чиқа бошлагач, ўзбек матбуотида янгиланиш дарвозаларини очди. Мен ҳатто матбуотда маълум маънода ва маълум даражада инқилоб содир этилди, дейишим мумкин. Журналнинг ўзбек тили софлиги учун кураш бошлашини эслайлик. Саксонинчи йилларнинг иккинчи ярмида авжига чиққан бу курашни йигирма йил аввалроқ шу журнал бошлаган эди. Миллий қадриятлар, мерос масалаларини ҳам айнан шу журнал кун тартибига жиддий равишда қўйганди. Айнан шу журнал дадиллик билан «Темур тузуклари»ни, Расул Ҳамзатнинг «Дағистоним» достонини эълон қила бошлаган эди. Унга қадар ҳеч бир нашрда бунчалик дадиллик сезилмаганди.

Адабиёт ва журналистика қасри дарвозалари остонасида турган биз каби ёшлар учун журналнинг ўша дамдаги фаолияти катта мактаб вазифасини ўтади. «Гулистон» бизга қандай йўлдан юришни ўргатди.

Ёшлар учун журналда битта

шеър ёки ҳикоя чиқариш улуғ бир орзу эди. Бу орзуси ушалганлар бахтиёрлик осмонида сузардилар. Бу журналда ишлаганлар эса ўзларини чинакамига бахтиёр сезишлари мумкин эди.

Мен кўп таҳририятларда ишлаганман. Энг узоқ вақт ишлаган даврим шу «Гулистон» журнали бўлди. Бу ерда Асқад Мухтор, Ваҳоб Рўзиматов бизга фақатгина раҳбар эмасдилар, балки ёшларга талабчан устоз, меҳрибон муаллим ҳам эдилар. Асқад ака-

Мустақиллик шароитида мамлакатимизда турфа хил янги нашрлар пайдо бўлди. Уларнинг ҳар бирини бугунги талаблар даражасида чиқариш, ўқувчини қаноатлантира олиш анча мушкул вазифа. Чунки замон ўзгариб кетди, одамлар дунёқараши, турмуш тарзида содир бўлаётган ўзгаришларни, бугунги маънавий-ахлоқий қадриятларни журналистика, бадиий публицистика тилига кўчириш учун биргина маҳоратнинг ўзи етмайди. Бугун журналист ижтимоий, маънавий ҳаётнинг фаол иштирокчисидир. Бу унинг зиммасига жуда катта масъулият юклайди.

«Гулистон»нинг етмиш йиллик юбилейи нишонланаётган шу қутлуғ кунларда журнал коллективига синовдан ўтган ҳаётбахш анъаналарни давом эттириш йўлида муваффақиятлар тилайман!

дан ҳар бир масалани босиқлик билан ҳал қилишни, мантиқ илмини ўрганган бўлсак, Ваҳоб акадан тил устида ишлашни, тартибни ўрганардик. Таҳририятда, асосан, тенгдошлар ишлардик. Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир, Абдулла Шер, Сулаймон Раҳмон, Саъдулла Аҳмад, Аҳмад Аъзам, Эркин Аъзам...

Айтиш жоизки, тинч ишламасдик. Кунимиз баҳслар билан ўтарди. Баҳсларимиз бегараз эди. Мен ижтимоий-сиёсий бўлимда ишлаганим учун «таъна тошлари» менга кўпроқ отиларди, чунки бўлим талабига кўра, сиёсий мақолаларни беришга мажбур эдик. Бусиз мумкин ҳам эмасди. Партия чақириқлари, съезд қарорлари... деганларидай шу ҳақдаги мақолаларни тайёрлашимиз қанчалар зарур бўлса, ҳамкасбларимиз эса бунга шунчалар қарши эдилар. Бу мавзуда мақола уюштириш, тайёрлаш кимга ёқарди? Бир куни Асқад ака мажлисда баҳсимизни эшиттач, кулиб: «Журналимиз адабий-бадиий, аммо, лекин ижтимоий-сиёсий-да», — деганлари эсимда.

Ана шу сиёсий мавзу бизни айрим нохушликлардан сақларди. Бир йили самарқандлик тарихчи олим Марказқўмга хат ёзиб: «Гулистон» ўтмишни идеаллаштиряпти», — деб даъво қилибди. Даъвосига мисол тариқасида қадимги обидаларимиз ҳақидаги мақолани келтирган. Мақолада фавворалар қадимдан Ўзбекистонда бўлганлиги ҳақида ҳикоя қилинган эди. Олимнинг фикрича, бу мақола совет фани ва техникасини инкор этишга қаратилган экан. Хат таҳририятга юборилиб, жиддий таҳлил этиш ва жавобини Марказқўмга маълум қилиш топширилди. Хатни муҳокама қилдик ва журналда совет турмуш тарзи, фани ва техникасини улуғловчи, съезд қарорларини бажаришга ундовчи фалон-фалон мақолалар мунтазам бериб борилмоқда, деган гаплар билан ўзимизни «ҳимоя» қилдик.

Кейинги пайтда айрим бирodарлар: «Фалон гапни айтиб бўлмас эди» деб, бугунги кун қаҳрамонига айланмоқчи бўляптилар. Ёзувчи ва журналист: «Фалон гапни айтиш мумкинми ё йўқми», — деб турса бўлмайди. Юрагидаги дардни айтиш учун имконият қидириб топиши керак.

«Гулистон»да шундай ёзувчилар, мухбирлар давраси мавжуд эди. Нусрат Раҳмат, Асад Дилмурод, Эмин Усмон каби ижодкорлар ўша давр учун муҳим бўлган масалаларни жасорат билан кўтариб чиқдилар. Пахтачиликдаги кўзбўямачиликлар, чорвачиликдаги СЖК-га қарши кураш, далага заҳар сочиш, табиат муҳофазаси, илмдаги ҳалоллик, обидалар тақдири... Бу масалалар ўша пайтда фақат «Гулистон»да кўтарилган десам, бошқа нашрда ишлаган ҳамкасбларимиз ранжишмасин. Бу маълум бир ижодкорларнингтина хизмати эмас, балки кўп йиллар давомида шаклланган анъананинг таъсиридан эди.

ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР

Вазира СОБИРОВА,
Тошкент вилояти «Турон» илмий-универсал кутубхонаси директори

Бугунги кунда ўзининг 70 йиллик тўйини нишонлаётган «Гулистон» журнали шу йиллар мобайнида минглаб, миллионлаб чанқоқ қалбларга кириб келди, айниқса, маданият ходимларининг севимли журналига айланди. Унинг саҳифаларида босилган шоиру ёзувчиларимизнинг ижодидан намуналар, элга машҳур санъаткорларимиз ҳақидаги мақолалар, маданиятимиз арбоблари билан уюштирган суҳбатларни ким мароқ билан ўқимаган дейсиз?

Қадриятларимизнинг қайтиши билан қадимий удумларимиз ўзгача шукуҳ ва жилва билан жонланмоқда. Маҳаллалар фаолиятига умум эътибор пайдо бўлди. «Гулистон» ижтимоий-оммабоп журнал, шу боис маҳаллалар ҳаёти, муаммолари ҳам унинг саҳифаларида таҳлил этилиши гоят муҳимдир. Чунки, президентимиз Ислом Каримов «Маҳалла — ижтимоий-сиёсий ҳаётимизнинг кўзгусидир. Халқимизнинг энг яхши урф-одатлари, хусусан, меҳр-шафқат, мурувват тўйда ҳам, азада ҳам эл-улуснинг ҳамжиҳатлиги маҳалла ҳаётида ёрқин намоён бўлган ва бўлмоқда», деганларида минг бора ҳақ эдилар. Ахир, маҳалла аҳли ҳар бир кишига нисбатан одил ҳакам бўла олади.

Журнал, биз, кутубхоначиларнинг меҳнати, кутубхоначилик масалаларига ҳам эътиборни янада кучайтиришини истардик. Чунки «Гулистон» маънавий-маданий ҳаётимиз кўзгуси. Кутубхона эса бу жабҳалардаги муҳим соҳа ҳисобланади.

Анвар ЭШОНОВ

Асқад МУХТОР билан бир йил (1975-1976 йиллар) ишлаганим қамрови жиҳатидан бошқа жойда йиллаб ишлаганимдан афзалроқ ва баркамолроқ бўлди.

МУАЛЛИФ

УНУТИЛГАН ҚЎШИҚЛАР

. . .

Муҳаббат — гул ичидан искаб олган райҳоним,
Райҳоним — тол ичидан танлаб олган човконим.
Соғиниб келганингман, соғинчлари пайҳоним,
Симобдай эриттали соғинчда асов жоним.
Севолсанг, соғинчларга айланади муҳаббат,
Севилсанг, гулруҳланиб майланади муҳаббат,
Сиғинсанг, сой қамиши найланади муҳаббат,
Қирқ гулнинг қирмизидан сайланади муҳаббат,
Фақат булбул англагай бу хатнинг имлосини,
Гулнинг япроқларига ёзилган сўз — муҳаббат.
Оқ гулнинг қизил гулга чатишган сиймосини,
Соғинч титроқларида сўзлагай бўз муҳаббат.
Муҳаббат — гул ичидан искаб олган райҳоним,
Райҳоним — тол ичидан танлаб олган човконим.
Соғиниб келганингман, соғинчлари пайҳоним,
Симобдай эриттали соғинчда асов жоним.

Ишқнинг бир қанотининг ярми кумуш, ярми зар,
Мулки муҳаббат ичра ярми шоҳ, ярми гадо.
Ҳисларим майхонада қуюнга айланса гар,
«Бир ошиқи зорман» деб кўзадин чиқди садо.

Кўзада акс этса гар Қайс кечган саҳролар,
Май узра мавжланаркан Тоҳир оққан дарёлар,
Сочи дарё бандимиш неча кўзи шаҳлолар,
Мутрибо, мунгмиди, ё Зуҳромиди фарёдлар?

Бежиз қиёсланмагай лабинг лаълга, тиш дурга,
Кипригинг қатра-қатра кўксим узра тўкди хун.
Ўт ичра парвоналар айланар чоғи нурга,
Лайлининг кўзларидай майхонага чўкди тун.

Ишқнинг бир қанотининг ярми кумуш, ярми зар,
Мулки муҳаббат ичра ярми шоҳ, ярми гадо,
Ҳисларим майхонада қуюнга айланса гар,
«Бир ошиқи зорман» деб кўзадан чиқди садо...

. . .

Муҳаббат — ярми тилла, ярми кумуш пиёла
Жарангидай унли ё ундош товушлармикан?
Майсанинг шивиридай саслик меҳригиёлар
Тўти такаллуммикан, пайкар товуслармикан?
Тўти такаллум — хаёл. Товус хиромон — хаёл.
Ярми қизил, ярми оқ, нақш олмадай юз — умид.
Ушалган калла қантдай сасларинг қани, аёл,
Турналар беталофат ўтаётган куз — умид.
Ишқ — ёнса ҳам чинордай ёнаётган дарахтлар.
Дарахтим, беркинолсанг, ашкимга беркин мани.
Андалиб ашкига гул баргиданмиш қадаҳлар,
Токи гул баргида ашк муҳаббат эрким мани.
Муҳаббат — ярми тилла, ярми кумуш пиёла.
Жарангидай унли ё ундош товушлармикан?
Майсанинг шивиридай саслик меҳригиёлар,
Тўти такаллуммикан, пайкар товуслармикан?

ТАБРИКЛАР, ҚУТЛОВЛАР

Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби,
профессор, санъатшунослик фанлари доктори

Бадиий тилимиз сеҳргари Мир Алишер Навоийнинг минглаб бадиий, юзлаб бадиий-илмий ва соф илмий мисраларини кўздан кечирар экансиз, буларда ягона бир ўзакдан ниҳоллар топиб, 10-20, баъзан 30-40 кўринишда товланадиган «наво», «ғардун, гул» каби сарчашмали иборалар мажмуига дучор бўламиз. Буларнинг сўнгтисини олсак, азалдан гулсеварлар Шарқ халқлари фольклори («Гул сайли», «Гул ўйин» рақслар туркуми), бадиий адабиёти (Шайх Саъдийнинг «Гулистон»и, мавлоно Лутфийнинг «Гул ва Наврўз» достони, Абдулла Авлонийнинг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асари), мумтоз мусиқаси («Шаҳнози Гулёр» мақом туркуми, «Гул узорим», «Гуллар боғи» каби асарлар) мазкур «гул»лар булогига замин бўлгани ажаб эмас.

Бас, шундай экан, ҳозирги кунда барча «санойи нафиса» аҳлининг суюкли нашрига айланган «Гулистон» ойномасининг карвонбошилари ҳам «Ер юзи», «Ўзбекистон қурилишида» ва «Машъала»дан сўнг айнан шу кунгача етиб келган номида тўхтаган эканлар, биз, уларга касбий миннатдорчилигимизни айтиб ўтишимиз ўринлидир.

Чамамда, юбиляр журналимиз ўзининг бадиий, илмий ва ғоявий йўналишини топа олишида — унинг илк сонларидан жонкуярлик тимсолини кўрсатган Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Ғулом Зафарийлар номини тилга олиб, буларнинг руҳини шу кунларда шод этишимиз ҳам қарз, ҳам фарздир.

«Совет Ўзбекистони санъати», «Санъат» ва «Нафосат»дан сўнг нуфузли, мазмунига ярашган «Гулистон» муҳарририяти, унинг обрўли таҳрир ҳайъати қисқа давр мобайнида озми-кўпми тер тўкиб, ўз атрофида наинки Ўзбекистон, балки қўшни давлатлардаги танилган ва тан олинган муаллифлар доирасини орттиргани, айниқса, таҳсинга сазовордир. Тилагим — ойнома саҳифалари янада илмий, янада теран бўлсин! Зеро, илм ва бадииятимизда очилмаган гул кўп, чаман кўп!

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

ФОЙДАЛИ РИСОЛА

1993 йил «Ўзбекистон» нашриёти томонидан Алвина Чориевна Гельдиеванинг «Миллий маданият ва шахс» («Национальная культура и личность») номли китоби чоп этилди.

Мазкур асарда ижтимоий ҳаётнинг муҳим, айниқса, ҳозирги кунда долзарб муаммоларидан бўлган шахс ва миллий маданиятнинг ўзаро муносабати масаласи чуқур фалсафий таҳлил асосида ёритилган.

Маданиятнинг турли-туманлиги туфайлигина жамият янада жозибадор, янада диққатга сазовор ва янада ўз ривожида мустаҳкамроқдир. Айнан маданиятнинг миллийлиги туфайлигина инсоният ранго-ранг ва жозибадор, бир-бирига ўхшамаган турли хил турмуш тарзига эга бўлади. Муаллиф ўз асарида бу масала моҳиятини очиб бера олган.

Асарда миллийлик табиати масаласи миллий маданият субъекти — унинг намояндаси, ижодкори, бунёдкори орқали таҳлил этилади. Бу жараёнда шахс маданий қадриятлар ворислигини таъмин этувчи ва шу асосда миллий маданият равнақининг мантиқий имкониятларини очиб беришнинг идрок этиш маркази сифатида намоён бўлади.

Муаллифнинг диққатга сазовор фикрларидан шуни кўрсатиш жоизки, маданият равнақининг нисбатан ўзига хослиги кўп ҳолда ўз тараққиёт қонунлари асосида ривожланиши, ҳар доим ҳам тарихий жараёнларни ижтимоий-иқтисодий формацияларга бўлишга мос келавермаслиги билан воқе бўлади. Айни вақтда шахснинг ўзга маданиятлар билан мулоқотда бўлиши унинг умуминсоний қадриятларни англаб етишига олиб келади. Миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси алоҳидалик ҳамда умумийлик такрорланмас, шу билан бирга, қайта-қайта намоён бўлишлик нисбати орқали ҳам тушунилиши мумкин.

Маданиятнинг қадрият сифатидаги асосий мазмини очиб бериш миллатнинг бутун бир маданий меросини таҳлил этишни талаб қилади. Шунинг учун «миллий маданият», «анъана», «урф-одат» каби тушунчаларни илмий изоҳлаш зарурияти пайдо бўлади. Шу мақсадда китобда Ўрта Осиё халқлари, хусусан, Ўзбекистон халқи маданий меросига хос кенг тарихий материаллар асосида ҳозирги замон миллий маданияти сарчашмаларини, унинг қимматли «ўзагини» кўрсатишга ҳаракат қилинган ва бу борада маълум ютуққа эришилган.

Маънавият масаласига кундан-кунга эътибор ортиб бораётган ҳозирги шароитда мазкур китоб фақат мутахассис олимлар, аспирантлар ва фалсафа куллиёти талабалари учун эмас, балки бу муаммо билан озми-кўпми алоқадор бўлган ҳар бир киши, миллий қадриятлар масаласига қизиқувчи ҳар бир фуқаро учун қўлланма вазифасини ўташи мумкин. Мазкур китоб рус тилида ёзилган. Агар ушбу асар ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилса, фойдали бўлур эди.

Акбарали МАНСУРОВ.
фалсафа фанлари номзоди.

Сулаймон АЗИМОВ

БОР ЭДИ БИР

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ қоқ ўртаси — Бешёғоч даҳаси. Тўртинчи трамвайнинг Янги шаҳардан Чорсуга бориладиган жойи. Анҳорнинг суви тўла, топ-тоза, кўм-кўк. Атрофи толзор. Ҳудди шу анҳор бўйида пастаккина бир том. Унинг бир томони ўзига ўхшаган бир томга туташган, бир томони — катта кўча, икки томонидан анҳор айланиб ўтади.

Шу ерда бир чойхона бўлган. У Тошкент қушхонасига қарарди. Қушхона, кўн заводи, ичак заводи ишчилари шу ерга қатнар эди. Камбағаллигидан чойхонанинг одамларни ўзига тортадиган ҳеч нарсаси йўқ эди.

1928 йилнинг ёз ойлари эди. Ўша чойхонага мени мудир қилиб тайинлашди. 48 сўм ойлик белгилашди. Ва менга айтишди: «Ҳамма ихтиёр ўзингизда. Ҳеч ким чойхона устидан хўжайинлик қилмайди. Тушган даромад ва харажатлар учун ўзингиз жавобгар. Чойхонани қайси йўл билан яхшилаш мумкин бўлса, ўша йўлни ўзингиз танланг».

Мен қандай йўл танладим? Чойхонада қандай кирим бўлса — ҳаммасини уни яхшилаш учун сарф қилавердим. Унча-мунча пул жамғаргач, чойнак-пиёла, патнис, қозон-товоқ сотиб ола бошладик. Чойхонага кундан-кунга ҳуснн кира бошлагач, чойхўрлар кўпайиб, даромадимизнинг салмоғи орта бошлади. Бу каттароқ сарф-харажатларга имкон берди. Янги-янги гиламлар сотиб олдик. Сув устига кўприклар қуриб, чойхонани кенгайтирдик. Зилол сув устидаги чўгдек гиламлар тўшалган кўприклар салқинлиги, хуш-ҳаволиги билан одамларни кўпроқ торта бошлади. Ҳаттоки трамвайда ўтиб кетаётган йўловчилар ҳам бу сўлим жойни кўргач, таппа-таппа тушиб, чойхонага кириб келардилар.

Атрофдаги корхоналарнинг кекса ишчилари, умуман оқсоқол меҳмонлар учун алоҳида жой қилиб қўйилган, энг чиройли гиламлар тўшалган. Катта-катта чиройли чойнакларда аъло навли чой дамлаб бериларди. Улар қанча чой ичсалар фақат бир чойнак учун пул тўлашлари мумкин эди. Шунда ҳам чойхўрлардан чой ҳақи сўралмас, ўзлари ташлаб кетишлари керак эди. Шу тариқа, қолдирилган пуллар санаб ўтирилмасдан, йўл устидаги сандиққа тўкилаверарди. Сандиқ қулфланмас, кеча-кундузи бир жойда тураверарди.

Борди-ю, битта-яримта одам бехосдан чойнакми, пиёланими синдириб қўйгудек бўлса, уни ҳижолатдан қутқариш учун: «Майли, майли, синса, синибди-да. Ўзингиз келиб турсангиз, бас», дердик. Бу билан ўша одамнинг кўнгли кўтариларди, оёги чойхонамизга тортиб турарди. Демак, чойхонанинг вазифаси пул жамғаришгина эмас, кишилар ўртасидаги муносабатларнинг илиқланишига хизмат қилиши ва одамларда ўз қадр-қийматини сезиб, ахлоқий онгининг кенгайишига хизмат қилиши керак экан. Бинобарин, оқибатда бошқа одамларда ҳам мана шундай инсоний муносабатни ўстирилишига, яъни халқнинг ахлоқий, маънавий савиясининг ортишига сабабчи бўлиши мумкин.

Чойхонани бошқариш масаласига келсак, унда ҳеч қандай қўшимча аппарат йўқ, ҳамма ишни битта мудирнинг ўзи идора қиларди. Бутун ҳисоб-китоб иккита қўйин дафтаридан иборат, бирига — кирим, иккинчисига — чиқим ёзиб бориларди. Мана, сизга бутун бухгалтерия. Ҳар куни кечаси 12 ларда пул турадиган сандиқни четроқдаги гиламга ағдариб, пулларни саралагач, икки «мардикор» санашга киришарди. Иш тугагач, уларга 20 тийиндан ҳақ тўлардик. Саналган пулларни яна сандиққа солиб, оғзи очиқ ҳолда илгариги жойига қўярдик-да, мен хотиржам кетаверардим. Бу пулларга биров кўз олайтириши мумкинлиги хаёлимизга ҳам келмасди. Бирор марта бўлсин, ўша сандиқдан пул ўғирланган эмас. Демак, шу эътиқод билан яшовчилар менгина эмас, кўп экан. Эртасига эрталаб ўша пулларнинг ҳаммасини чойхонанинг ўзига сарфлардим: яна гилам, яна чойнак-пиёла, яна патнис сотиб олардим.

Шу тариқа, чойхона кундан-кунга ободлашиб, келувчилар ҳам кўпая бошлаган эди. Айниқса, пайшанба, жума кунлари ҳеч қаерга одам сигмай кетарди. Ҳаттоки, бир куннинг ўзида қанча чой дамланишини ҳисоблаш ҳам қийин эди. Мана шундай кунларда корхоналарнинг маъмурияти ихтиёридаги ўқув юрти шогирдларини бизга ёрдамга юборарди. Нега деганда, одам кўплигидан қўл-қўлга тегмас, уларни куттириб қўймаслик учун ўша йигитчалар чой ташишар эди.

1928 йил, НЭП вақти, шунинг учун ҳам Бешёғоч гузарида савдо-сотиқ авжида, баққолликлар, қассобликлар, нонвойлар ва бошқа савдо нуқталари етарли эди. Чойхонанинг бир четида йигирмата ўчоқ

ЧОЙХОНА...

қурилган, тўп-тўп бўлиб келган кўплаб йигитлар ош буюришар эди. Улардан неча кишига ош дамлаш кераклиги сўраларди. Баъзиларга, хоҳишларича, чойхона ходимлари ош дамлаб берарди, агар улфатлар ўзлари қилмоқчи бўлсалар, керакли масаллиқлар етказиб бериларди.

Одамлар қанча кўп келганлари билан, кимлардир шиша қистириб келиши у ёқда турсин, умуман, спиртли ичимлик ичган, димоғидан ҳиди сезилиб турган кишини учратмасдик. Чунки ўзбек халқининг руҳига қон билан кирган, дилига она сути билан сингган табиий ахлоқ қоидаларига кўра, ичкилик ичган одам жамоат тўпланган ерга келмаслиги керак. Агар бирор киши бепарволик қилиб, ширакайф ҳолда одамлар орасида пайдо бўлиб қолса, уни ўрталиқдан, оташкурак билан қимтиб олгандек ташқарига чиқариб ташлар эдилар. Лекин бу гуноҳкор кишининг фақат узр сўрашгагина ҳақи бўлар эди. Борди-ю, оёқ тирагудек бўлса, адабини ерди.

Халқ ҳаётидаги ҳар бир ҳодиса унинг ахлоқий кайфиятига, руҳига маълум даражада таъсир этмай қолмайди. Биз яхши одат, ёмон одат деб ҳисоблайдиган ҳар қандай кўриниш, муомала, сўзлар ҳам халқ ҳаёти тарзидан шаклланиб ўсиб келадиган нарсалардир. Демак, нимани қораламоқчи бўлсанг, унинг сабабларини ўтмишдан қидирмай, ўзингдан қидириб, сенинг мулоқотда бўлган кишилардан қидириб топ. Мана, шунинг учун ўша, ўтмишда Бешёғочдаги чойхонада расм бўлган тартиб-одатга асосланиб айтишимиз мумкинки, чойхоналарнинг бўлиши, у ерларга кишиларнинг келиб-кетиши шунчаки юзаки, ўткинчи маънога эга бўлган ҳодиса эмас экан. Агар ўйлаброқ қарасангиз, чойхоналар катта маданий ўчоқ, халқнинг ахлоқий даражаси яхшиланишига, кўтарилишига, қисқаси, халқнинг маънавий савиясининг ўсишига хизмат қилувчи муҳим жой экан. Бу — қаерда чойхона бўлса, худди шундай бўлади, деган сўз эмас, яъни ҳеч нарса ўз-ўзидан юзага келмайди. Бас, шундай экан, биздаги ҳозирги чойхоналарга назар ташлаб, ўтмишда бўлган, юқорида тилга олинган чойхоналарнинг фаолияти билан таққослаб, тарихдан замонамиз учун зарур бўлган хулоса чиқариш керак бўлади.

Ўша чойхона кишиларни улар сўраган нарсалар ила таъминлаш билангина чегараланмай, баҳоли қудрат маданий-оқартув ишларини ҳам олиб борарди. У вақтларда ҳозиргидек билим тарқатиш жамиятлари бўлмаган. Чойхона мудири ўзи билган, таниган кишиларга бориб чойхўрлар билан суҳбатлар ўтказиш, маърузалар ўқишни илтимос қилиб, олиб келарди. Илтимосларимизни бирон киши рад этган эмас, бажонидил ўтказиб берар эди. Тингловчилар ҳам доим мамнун бўлар эдилар. Ўша лекция ўқийдиганлар орасида бир кишининг номини алоҳида таъкидлашни лозим кўрардим. У киши ўша вақтда Тошкент округ молия бўлимининг мудири Аббосхон Саидхонов эди. У кишининг тили жуда содда, жумлалари ихчам, овози ҳам ёқимли, кўпчилик олдида сўзлайвериб пишиб кетган, билимдон зиёли эди.

У вақтларда кишиларнинг маъруза ўқиганлари учун, мусиқа чалиб қўшиқ айтганлари учун пул тўланмасди. Ҳақ тўлаш, ҳақ сўраш ахлоқ доирасига сиғмас, бу ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Санъаткорлар, хаваскорлар учун таъма деган нарса ёт эди.

Чойхонамизда Эски шаҳардаги этнографик даста қатнашчилари ора-чора концертлар бериб турарди. Бу концертларда мумтоз куйларимиз, қўшиқларимиз ижро этиларди.

Чойхонамиздаги қироатхонага ўша вақтда чиқадиган деярли барча газета-журналлар мунтазам келиб турарди. Бировлар «Қизил Ўзбекистон», «Шарқ ҳақиқати», «Камбағал деҳқон», «Ёш ленинчи» газеталарини, яна бировлар «Ер юзи», «Янги йўл», «Муштум» журналларини ўқир эди. Айниқса, «Муштум» титилиб кеттунча одамларнинг қўлидан тушмасди. Қироатхонада даврнинг мавзулари акс этган оммабоп китобчалар, рисолалар бўларди. Бир неча ишқибозлар шахмат ўйнар, айримлар шашка билан машғул бўлар эдилар.

Чойхонага қатновчилар ишчиларгина бўлмай, зиёлилар ҳам кела бошладилар. Улар матбуот ходимлари эди. Саидгани Валиев, Санжар Сиддиқ, Аҳмаджон Ёқубов, Шербек Алиев ва бошқалар эди. Улар одатда оддий папка, газета, журнал қўлтиқлаб келишарди-да, ош буюриб, ўқиш-ёзиш билан шуғулланар, салқин жойда баҳузур дам олиб ўтирар эдилар. Мен буларни шахсан таниганим учун номма-ном айтдим. Лекин шахсан танимаган одамлар ҳам бўларди. Улар икки-учта бўлиб келиб, бири танбурини чертиб, бошқа бири дуторини чалиб, бирга келган улфатлари билан ўтирганлари кўп бўларди.

Энди гап бундай. Суҳбатимизда айтилган воқеалар бундан салкам етмиш йил муқаддам бўлган. Ҳозирги кишилар ўйлашлари ва гумон қилишлари мумкинки, одамлар ҳали «қолоқ» бўлган даврда, наҳотки ҳеч ким ҳақ талаб қилмаган, йўл устида очиқ турган сандиқдаги йирик-майда пулларга кўз олайтирмаган бўлса?!

Нега шундай эди? Ана шу тўғрилик, ҳалоллик, инсоф, бошқалар мулкига кўз олайтирмаслик айрим дарсликлардан ўрганиладиган нарса эмас. У халқимизда наслдан-наслга ўтиб келган, қондан-қонга ўтиб келган, она сути билан кирган руҳ, ҳаёт тарзи эди. Ундан бошқача ўйлаш, бошқача яшаш халқ руҳига зид бўлган.

Азиз журналхонлар!

Яқин ўтмишдаги бир чойхона мисолида халқимизга мансуб бўлган ҳалоллик, инсоф, ишонч, бирбирига ҳурмат, бошқалар қадр-қимматини ерга урмаслик, ўз-ўзини юқори ахлоқ доирасида тута билиш каби фазилатларини тилга олиб ўтдик.

Ҳозир-чи?

Умидсиз бўлманг, умидсизлик киши кучини йўқотади. Киши кишига ишонч билан қараса, бошқаларни ҳурмат қилса сизга ҳам шундай ишонч, шундай ҳурмат пайдо бўлади. Унинг қайдан пайдо бўлишини сизнинг гапингиз билан ишингиз бир хил бўлганидагина кўрасиз.

ИСТЕЪДОДНИНГ ЯНГИ ҚИРРАЛАРИ

ЮНУС РАЖАБИЙ НОМИДАГИ МАҚОМ ИЖРОЧИЛАРИНИНГ V ХАЛҚАРО ТАНЛОВИ ЯКУНИГА ДОИР

Суратда: ушбу танловда Тожикистон Республикаси Хўжанд шаҳар, Сайдулла Убайдуллаев раҳбарлигидаги «Дурдона» ансамбли ҳам иштирок этиб, иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

Ўзбек миллий мусиқа санъати ўзининг кўп йиллик бой маданий меросига эга. Ана шундай табаррук меросни асраб-авайлаб, унга ҳамиша ҳушёрлик кўзи билан қараш — халқимизнинг муқаддас бурчи. Демак, санъат халқнинг қалби экан, қалбсиз идрок қилиш мушкул ҳодиса. Қалбсиз сўзлаш — амри маҳол. Қалбсиз яшамоқ ҳам малолдир. Зеро, ҳар қандай санъат дебочаси халқдан бошланади. Агар эътибор берилмаса, яна халқ орасида йитиб кетиши мумкин.

Яқинда, мана шу масъулиятни инобатга олган ҳолда, Тошкент Давлат консерваториясининг ижодий жамоаси катта бир хайрли ишга қўл урди.

Шу йилнинг 25 апрелидан то 5 майигача консерватория кошонасида Ю. Ражабий номидаги мақом ижрочиларининг V халқаро танлови бўлиб ўтди.

Ўн кун давомида қадимий ва ҳамиша навқирон мусиқа санъатининг намуналари, мумтоз ашула ва чолғу куйларининг янграши — бугунги кундаги санъатимизнинг янада умри боқийлигидан далолат берди.

Ушбу танловнинг характерли томони шундаки, бу танловда Ўзбекистон ва Тожикистон республикаларидаги олий ва ўрта мусиқий ўқув юртларидан ҳамда ижодий жамоаларидан ташриф буюрган ёш (18 ёшдан 35 ёшгача) хонандалар ва созандалар дасталарининг катта иштиёқ билан иштирок этиши санъат оламидаги ўзига хос воқеалардан саналади. Ва у унутилмас таассуротларга бой анжуман сифатида санъат фидойиларининг юрагида муҳрланиб қолди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, авалги танловларда (1983 йил, 1987 йил, 1991 йил) якка хонандалар ва созандалар ўзаро беллашган бўлсалар, бу галгисида эса созандалар дасталарининг ўртасида ҳам ҳақиқий санъат мусобақаси бўлганлиги қувончли ҳолдир. Хонанда ва созандалар уч даврадан иборат танлов дастурини ижро этдилар. Созандалар дастаси учун эса икки давранинг ўзи етарли деб ҳисобланди.

Танловга йирик мусиқашунос олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, санъатшунослик доктори, профессор Файзулла Кароматов раҳбарлигидаги мусиқашунос ва бастакорлардан иборат нуфузли ҳайъат аъзолари ҳакамлик қилдилар.

Танлов қатнашчиларининг олдига катта, мураккаб шаклдаги чолғу ва ашула йўллари, мақом шўъбалари ҳамда туркумларини меъёрига етказиб, юксак маҳорат билан талқин этиш, ўзларининг ижрочилик услубига ижодий ёндоша билиш каби масъулиятли талаблар қўйилди.

Чунончи, биринчи даврада иштирок этувчи якка созанда ва созандалар дасталари учун Шашмақомнинг

Суратда: чанг чолгуси бўйича Тошкент Давлат консерваторияси толибаси Розахон Ҳайдарова биринчи ўринга мушарраф бўлди.



Суратда: Тошкент Давлат консерваторияси толиби Шарофиддин Муродов ўзининг хушовози билан иккинчи ўринга лойиқ деб топилди.

Тасниф, Таржеъ ҳамда Гардун қисмлари; Тошкент — Фарғона, Хоразм мақом йўлларидан муайян бир тўркум; иккинчи даврада Талқин, Наср тароналари билан Савт ёки Муғулча шўъбалари шахобчаларидан бирон-таси, Мухаммаслардан бири, Шарқ халқлари куйларидан битта намуна, учинчи даврада Сарахборлардан бири тароналари билан, бирон-та Сақил (чолғу қисмидан) ва ижрочи ўз ихтиёри билан танлаган асарларни ижро этиш шарти қўйилди.

Шунингдек, биринчи даврада иштирок этаётган хонандалар учун танлов дастури эса, Шашмақомдан Талқин ёки Наср шўъбаси тўлалигича, халқ ва бастакорларнинг асарларидан бирон-таси, иккинчи даврада Тошкент — Фаргона ёки Хоразм мақомларидан бирор тўркум (Баёт, Чоргоҳ, Дугоҳ, Шаҳнози Гулёр), шартли тарзда, Юнус Ражабий қалами-га мансуб «Кошки» ёки «Не наво соз айлагай» («Гул барги» деб ҳам аталади), Савт ёки Муғулча шохобчалари билан, учинчи даврада Сарахборлардан бири тароналари билан ва ашулачининг ўзи танлаган асарлардан тузилди.

Ана шундай мураккаб синовлардан муваффақиятли ўттан 21 нафар якка ижрочи ва 7 та созандалар дастаси танлов голиби унвонларини олишга муяссар бўлдилар.

Шу билан бирга, танловга устоз, бастакор Фахриддин Содиқовнинг номи билан аталмиш Олий мукофот (Гран-при) ҳам қўйилди. Ушбу мукофотга Тошкент Давлат консерваторияси анъанавий ижрочилик кафедрасининг ўқитувчиси, гижжакчи Ўткир Қодиров лойиқ деб топилди.

Танловда биринчи даражали диплом ва лауреат унвонига сазовор бўлганлар, созандалардан: консерватория талабалари — Нодирбек Хайруллаев (қашқар рубоби), Розахон Ҳайдарова (чанг), Тожикистон Республикасидан Сирожиддин Жўраев (дутор), хонандалардан: консерватория талабалари — Маҳфуза Йўлдошева, Ўлмас Оллоберганов, Соибжон Ниёзов, Зуҳра Олимова, созандалар дасталаридан: Ф. Содиқов номли созандалар дастаси (раҳбари Р. Қосимов) ва Маргилон шаҳрида ташкил этилган «Навбаҳор» ансамбллариди-ри (раҳбари А. Абдураҳимов).

Суратда: биринчи даражали диплом соҳиби, Тошкент Давлат консерваторияси толиби Соибжон Ниёзов.

Иккинчи даражали диплом ва голиблик унвонига созандалардан: консерватория толиблари — Тоир Қўзиев (танбур), Муҳаммаджон Маматқулов (танбур), Ҳ. Ҳ. Ниёзий номидаги Тошкент Давлат мусиқа билим юртининг толибаси Ирода Ҳусанова (дутор), хонандалардан: консерватория толиби Шарофиддин Муродов, Тожикистон Республикасидан Нодира Пирматова, созандалар дасталаридан: М. Ашрафий номидаги Бухоро санъат билим юртининг созандалар дастаси (раҳбари Ш. Шарипов) ва Тожикистондан «Дурдона» созандалар дасталари (раҳбари С. Убайдуллаев) муносиб деб топилди.

Учинчи даражали диплом ва голиблик унвонига консерватория ўқитувчиси Салоҳиддин Азизбоев (гижжак), толиблар Азимжон Асқаров (доира), Бухоро санъат билим юртидан Истам Арабов (ашула), Суҳроб Рашидов (гижжак), Урганч мусиқа билим юртидан Миркарим Каримов (дутор), Самарқанд билим юртидан Моҳира Кубаева (ашула), Эркин Худойбердиев (гижжак), Фарғона санъат билим юртидан Сирожиддин Усмонов (чанг, қонун), созандалар дасталаридан: Фарғона санъат билим юрти талабалари (раҳбари Т. Қаҳҳоров), Ҳ. Ҳ. Ниёзов номидаги мусиқа билим юрти талабалари (раҳбари А. Муҳамедов ва А. Абдугаффоров), Тошкент Давлат консерваториясининг талабалар дасталари (раҳбари С. Азизбоев) сазовор бўлдилар.

Танловда иштирок этган Андижон вилоятининг «Мерос» созандалар дастаси «Умид» совриниға ва махсус диплом билан (раҳбари Р. Ҳожиқулов), Урганч мусиқа билим юрти дастаси (раҳбари Р. Болтаев) ҳамда консерватория толиби Ҳаким Азизов (най) диплом олишга муваффақ бўлдилар.

Булардан ташқари, танловда созанда ва хонандаларга жўрнавоз бўлган маҳоратли ижрочиларга ҳам махсус дипломлар, ташкилий ишларда фаол қатнашган ўқитувчи ва талабаларга Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Тожикистонлик дуторчи созанда Сирожиддин Жўраев, чолғунинг нозик имкониятларини, ўзига хос устозона ижрочилик услубини ҳар бир босқичда мукаммал ижро этди. Моҳир созандалар ижрочилик услубларини ўзларига маълум даражада сингдирган созандалар Салоҳиддин Азизбоев, Ирода Ҳусанова, Миркарим Каримов, Сирожиддин Усмонов, Эркин Ҳудойбердиев, Тоир Қўзиев, Суҳроб Рашидов, Муҳаммаджон Маматқулов, Азимжон Асқаров каби ёш истеъдодлар тимсолида мусиқа меросимиз ижрочилигининг келажаги умрбоқий бўлишлигига шак-шубҳа йўқ. Яна шу нарса муҳимки, истеъдоднинг ушбу танловдаги янги қирралари янада ёрқинроқ, янада халққа яқинроқ бўлиши бу бир жиҳатдан ўзларининг ҳам имкон даражасига боғлиқдир.

Чиройли овоз ҳам Аллоҳ томонидан инсонга инъом этилган жонбахш неъматдир. Мана шу чиройли овоз чуқур мусиқий дид билан уйғунлашган бўлса, у тобора гўзаллашади ва бойиб боради. Ўлмас Оллоберганов овозидаги майинлик, тиниқлик, Соибжон Ниёзов овозидаги жозиба ва шиддат, Маҳфуза Йўлдошева овозидаги нафислик, авж пардалардаги равонлик, Нодира Пирматова овозидаги ёқимли нолаю ифорлилик каби ижро безаклари уларнинг ҳар бири машҳур устозлар ижрочилик услубларини маълум даражада ўзлаштирганликларидан яққол дарак берди.

Созандалар дасталари танлов шартида кўрсатилганидек, дастанинг тўлиқ таркиби (айрим ансамбларни эътиборга олмаган ҳолда), ижро дастурининг талаб даражасига мос ҳар бир созларнинг бир-бирига уйғунлигини, анъанавий ижро безакларини ўрнида қўллаши ҳар бир асарни мукаммал ва тўлақонли ижро эта олиши фикримизга ёрқин далилдир.

Жумладан, консерватория қошида ташкил этилган Фахриддин Содиқов номидаги созандалар дастаси, Маргилон шаҳар «Навбаҳор» дастаси, Хўжанд шаҳар «Дурдона» дастаси, Ҳамза номидаги мусиқа билим юртининг дастаси, Фарғона мусиқа билим юртининг дастаси, консерватория анъанавий ижрочилик кафедраси талабаларининг дасталари ўз ижрочилик маҳоратларини юқори малакада ижро этди.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу танловда иштирок этган умидли истеъдод эгалари бир-биридан ажойиб ранг-баранг ижролари билан анъанавий ижрочилик соҳасининг мудом гуллаб-яшнаши учун астойдил эътиқод ва юрак тафти даркор эканлигини уқиб ва уқтириб ўттандай бўлдилар.

Рифатилла ҚОСИМОВ,
М. Ашрафий номидаги
Тошкент Давлат
консерваторияси анъанавий
ижрочилик кафедраси мудири.

НОДИМ ЗИЁВУДДИНИЙ

ЗИЁВУДДИН Зарафшон водийсининг энг қадимий шаҳарларидан бири ҳисобланади. Бу маскандан жуда кўплаб олимлар, шоирлар етишиб чиққан. Истеъдодли шоир Нодим Зиёвуддин ҳам шу қасабада вояга етган.

Нодимнинг туғилган ва вафот этган йиллари аниқ эмас. Аммо атоқли адабиётшунослар Воҳид Абдуллаев ва Ботир Валихўжаевлар ўз тадқиқотларида Нодим XIX асрнинг биринчи чорагида туғилгани тўғрисида шоҳидлик беришади.

Истеъдодли шоир Жунайдулло Ҳозиқнинг жияни Рашид эшон оиласи маълум сабабларга кўра Ҳиротдан Бухоро ҳудудига кўчиб келган. Зиёвуддин қасабасида яшаган ва шу оилада Муҳаммад Азим Нодим дунёга келган.

Афзал Маҳдуми Прмастин ўзининг «Афзал-ут-тазкор фа зикр ушшуаре-в-ал-ашъёр» тазкирасида: «Нодим Бухоронинг гўзал шаҳарларидан ҳисобланган Зиёвуддиндандир. У Рашид эшон шаҳиди Ҳиротий авлодидан бўлиб, Жунайдулло Ҳозиқнинг жиянидир. Нодим ёшлигидан шоирликни машқ қиларди. Ўзига «Нодим» деб тахаллус қўйиб, гўзал ва моҳирона ёзилган асарлар яратди. Нодим шеърлар ёзишда балоғат фанининг моҳиридир. Унинг ширин шеърлари бор», — деб ёзади. Афзалнинг таъкидлашича, Муҳаммад Азимнинг Нодим тахаллусини танлашига шоиртабиат йигит Абубакир сабабчи бўлган. «Нодим» арабча сўз бўлиб, надомат қилувчи, афсуслануvчи деган маъноларни билдиради. Шоирнинг ўзига бу тахаллусни қабул қилиши бежиз эмас, албатта, чунки у машаққатлар гирдобида ҳоли танг бўлган халқнинг аҳволини кўриб ачинади, амалий ёрдам кўрсата олмаётганидан афсусланади. Бетамизлик авжига чиққан замонадан нолийди, икки юзламачи аблаҳлардан нафратланади. Бутун ғазабини, армонларини мисралар багрига сингдиради. Шеърларида қисмати аччиқ инсон бор қиёфаси билан гавдаланади, улар ўқувчини афсус-надомат исканжасида изтироб чеккан шоирнинг кўнгил олами сари етаклайди.

Мир Сиддиқ Ҳашмат «Тазкиратуш шуаро»да шундай ёзади: «Нодимнинг яхши шеърлари кўп. Унинг феъл-атвори эса гулгула солувчидир. Туркий шеър ёзишда ҳеч камчилиги йўқ. Айтурларки, у Қўқон шоирларининг туркий шеърларига кўп муҳаммас боғлаган экан. У бадеҳагўйликда машҳурдир».

Шунингдек, Очилди Мирий ўзининг «Раъно ва Зебо» достонини Нодимнинг маслаҳати асосида битганлигини айтиб, шундай ёзади:

Давринининг ягона шоир ўғлони,
Нозик фикрлари замон тутёни.
Назм гулшанида Нодим
номи бор,
Донолик тахтида эҳтироми бор.

Замондошларининг фикрлари ҳам Нодимнинг катта истеъдод эгаси эканлигини исботлайди.

XIX аср ўзбек адабиётининг кўзга кўринган намояндаларидан бири Нодимнинг девони ҳозирча топилган эмас. Аммо унинг баёз ва тазкираларга киритилган газал ва муҳаммаслари маълум. Баёзлар орқали етиб келган асарлари шоир ижодини ўрганиб тегишли хулоса чиқариш учун қимматли манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирга қадар Нодимнинг 628 мисрадан иборат 26 шеъри, яъни 13 муҳаммас, 1 мусаббаъ, 6 ғазал, 2 мувашшах, 1 рубоий, 3 фарди аниқланган.

Нодим Зиёвуддиний зуллисонайн шоирдир. Бизгача етиб келган шеърларидан маълумки, у фикр қамрови кенг, диди баланд, иқтидорли шоир бўлган.

Нодим асарларининг асосий йўналишларини ҳалоллик, адолат учун кураш, покиза муҳаббат ҳамда комил инсон тўғрисидаги фикрлар ташкил қилади. У жаҳолатни қоралаб, эзгуликни улуғлаган шоирдир.

Замонасининг маданиятли ва маърифатли кишиси бўлган Нодим Каттақўрғон адабий муҳитида етишиб чиққан Шавқий, Вола, Ноқис, Мирий каби шоирларнинг ижоди билан яқиндан таниш бўлган. Айниқса, Очилди Мирий билан самимий дўстона алоқа боғлаган.

Шоир ижодида муҳаббат мавзуида ёзилган шеърлар анчагина.

Пок севги ва самимий муҳаббатни мадҳ этган Нодим висол лаззатларидан баҳраманд бўлган онларни эҳтирос билан тараннум этади.

Севимли маҳбубасининг жафосидан ошиқнинг қалби аламга тўлади. Аммо умиди шубҳалар чилвиридан озод қилади, муҳаббат қуёши уни олға чорлайди. Юрак-бағри эзилган ошиқ гул юзли ёрга ўз дардини айтиб, мурожаат қилади:

Қатлим учун сурмали кўз ним
нигоҳи етмасмиди?
Жафо учун тиғ айладинг икки
қоши ҳилолингни.

Ўлдирилганлар мозори томон
эсса сочинг ҳиди,
Масеҳодек тирик айлар қанча
мурда бедавони.

Ўз замонида бир гуруҳ бадавлат кишиларнинг дабдабали ҳаёт кечираётганини, аҳолининг асосий қисми эса қашшоқ яшаб, муҳтожликда кун ўтказаётганининг гувоҳи бўлган Нодим адолатсизликдан нафратланади.

Ижтимоий иллатлар тўлиб-тошган замонадан норози бўлган шоир ўз юртидаги тенгсизликни кўриб, ҳонавайрон бўлган халққа ачинади.

Бу йўқлик хаёлидан бир лаҳза
қутулмадик,
Гўё Ерда йўқликдан лов-лов
ёнган аламмиз.

Иқбол саҳифасида оқ ранг
келмади тамом,
Бахтсизликда мисоли биз бир
қора қаламмиз.

Пасткаш замон бирпас дил
таплагандек бўлмади,
Беватлаблик йўлида ҳамон
собит қадаммиз.

Нокас мақсади доим ушалар
бу замонда,
Эй, фалак, худо ҳаққи, қандай
аҳли қарамиз.

Эй, Нодим, кўргил ўша
донишмад хуш
гап демиш:
Бетамизлик илмида ахир
биз кимдан каммиз?

Нодим инсондаги олижаноб тамойилларини эъзозлайди. Бироқ мол-дунёга ружу қўйган бегаму, бефарқ такаббурларнинг фаросатсизлигидан жирканади, уларга имконият яратган замондан нафратланади. Дўстнинг бемурувватлигидан ўкинади, инсон ҳуқуқи поймол эти-

лаётган замондаги ҳақсизликдан қаттиқ алам чеккан Нодимнинг фиғони фалакка кўтарилади. Аҳли донишни қадрсиз қилиб, кулфатга мубтало этган ўз давридан норози бўлиб, дардини шеърга солади:

Ахтарма чин дўстликни нодон
агар ошнодур,
Негаки аҳли пасткаш ҳамиша
бевафодир.

Бу олам зўрларига бир бора
назар солсанг,
Кўпи ўзни намойиш этувчи
ҳуднамодир.

Бу замон кишисидан ҳаргиз
ёрдам излама,
Чунки нокас ҳожатинг
чиқармас бедаводир.

Бу аччиқ сатрлар фисқу фужур авж олган, ўзбошимчалик ҳукмрон бўлган, иллатлар тўлиб-тошган замондаги аянчли ҳаётга шоир томонидан ўз вақтида айтилган айбномадир.

Нодим ўзининг «яхшидир» радифли ғазалида босар-тусарини билмай қолган кимсаларнинг кибру ҳаво қилиб, одамларга менсимай муносабатда бўлишидан ғазабланади, уларнинг нодонлигидан нафратланади. Жабрситам, йўқлик ҳукм сураётган муҳитда бир бурда нон учун бедаво шахсларнинг миннатини тортмасликка, қадр-қимматни ҳис этишга, фақирликнинг огир юкини елкада кўтариб, ҳалол меҳнат қилишга даъват этади. Инсон ҳамиша инсондай мағрур яшаши керак, деган ғояни илгари суради:

Кимхобу атлас раво кўрмас
фалак деб
гам чекма,
Бошдаги зар болишидан
оддий тош
ҳатто яхшидур.

Аҳли шоҳ олдида ўз қаддингни
зинҳор эгмагил,
Тиз чўкиб яшамоқдан тиқ
ўлмоқ, илло, яхшидур.

Маърифат пири айтган
бу ҳикматни эшит,
Нодим,
Кемачи қовоғидан тўлқинли
дарё яхшидир.

Ўлкадаги тенгсизликдан, ноҳақликдан норози шоирнинг ғазаби гоҳо тугён уради. Қўлга қалам олиб дарди-аламини қоғозга туширади. Халқнинг аянчли аҳволига ачиниб, изтироб чекади. Шоир ҳақиқат ва адолат излаб, қаттиқ азобланади. Нодим шеъриятидаги кечинмалар, ўйлар, эзгу, теран инсоний, олижаноб ва шу хусусиятларига кўра улар маънавият учун доимо қимматлидир.

Исмат САНАЕВ.

РАНГИН ХОТИРОТ

«ГУЛ» ШЕЪРИНИНГ ЯРАТИЛИШИ

Мен бу воқеанинг шоҳиди эмасман, адабиёт, шеърият шинавандаларидан эшиттанман, холос. Аммо эшитса-эшиттудай, ёзса-ёзгудай воқеа экан, қаламни қўлга олдим.

. . .

Атоқли шоир Ғафур Ғулом 1948 йилнинг 1 май байрамини андижонлик ёр-биродарлари билан ўтказгиси келди. Ўшандай бўлди. Кечқурун Абдулҳамид Хуррамникида бедилхонлик, навоийхонлик бўлди. Ошдан кейин кўк чой ичишиб, бир оз ҳордиқ чиқаришгач, деворда осиглиқ турган дуторни олиб, навбат билан чертишди. Шоирларнинг саркардаси йўлда чарчаб келганлиги маълум, шунинг учун одатдагидан кўра эртароқ жой солинди.

Абдулҳамид Хуррам — гулчи. У азонда туриб, Андижон кўчаларидаги гулларни суғорар, парваришлар эди. Ғафур ака саҳар чоғи ўрнидан туриб қараса, Хуррам жойида йўқ.

Улфат иккалалари кўчага чиқишди. Хуррам Абдураззоқов гуллар орасида экан. Ғафур ака ва Улфат ҳам гуллар ичига кириб боришди.

Баҳор кеч келдими, гуллар очилмаган. Аммо Хуррам у ердан очилган гул топиб чиқди. Сўнг Ғафур акага узатди. Ғафур ака гулни бир-икки ҳидлади. Унинг ҳидидан завқ олиб, «оҳ» деб қўйди. Сўнг қулоғига қистирди. Қимирламай, кулганича икки кўзини гулга қаратди. Сўнг деди:

Бу баҳор тонгида биринчи гулни,
Андижон шаҳрида ҳидладим, тақдим.

Шеърни такрор айтди. Аммо Абдулҳамид Хуррам шошмасдан секин ёзарди. Биринчи икки сатр тугагач, шоир иккинчи икки сатрни айтди:

Бу гулни энг азиз ва зариф дўстим,
Мулла Абдулҳамид айлади, тақдим.

— Бўла қолинг, — деди Ғафур ака Хуррамнинг ёзувидан юраги ҳовлиқиб. — Илҳом қочиб кетади. Улфат! Ўзингиз олинг, дафтар-қаламни!

Хуррам кулиб, дафтар-қаламни тез ёзишга уста ҳисобланмиш Улфатга узатди. Ғафур ака қулоғида гул, огзида шеър. Улфат чаққонлик билан «Гул» сарлавҳали янги тугилган шеърни ёзиб бормоқда:

Ёнида гунчаси, япроғи тутал
Бу гулни китобга солиб қўйганман,
Ва унга насиҳат қилар чоғимда
Танбурнинг қулоғин бураб қўйганман.

Ҳаётдан баҳраманд жаҳонда ҳамма,
Бебаҳра яшамак муносиб эмас.
Баҳорда ерларни қазиб чувалчанг,
Қуёшга бош чўзар, олсам деб нафас.

Якка уй мўрисин тутунларидек
Юзингга сингмасин гурбатнинг доғи,
Баҳор айёмидир, баҳор айёми,
Сенга ҳам япроқлар, гунчалар чоғи.

Сен тақдим этдинг шу гулни, дўстим,
Ўз кўзинг ўнгида чаккамга тақдим.
Ҳазил-ҳузул аралаш рост сўзни айтиб,
Қалбингга гул рангли бир гулхан ёқдим.

Урфон ОТАЖОН.

Чингиз АҲМАРОВ

САҲНА УСТАЛАРИ

Ижодкор* дастлаб турли соҳалар билан қизиқиб кўрса-да, аммо кейинчалик бир йўналишда, масалан, улуғ алломалар — Ибн Сино тиббиётда, Улуғбек астрономияда, Навоий шеъриятда ўз ижодий қиёфаларини тўла-тўкис намойиш қилганларидай, қиёфалашиши маълум ҳақиқат. Айни чогда, ижодкор учун турли соҳалар билан қизиқиш, асосларни ўзлаштириб олиш учун интилиш-изланишлар ҳам ҳамиша табиий ва зарурий ҳодиса. Яъни асалари болни турли гул-гиёҳлардан тўплагани каби санъаткор ижоди ҳам хилма-хил булоқлардан тўйиниши зарур. Яна бошқачароқ айтадиган бўлсак, «Отелло» трагедиясини ёзган адиб драматург, спектаклни яратган режиссёр, саҳнани асарга мословчи рассом, ролни ижро этувчи эса артистдир. Демак, санъаткор бир-бири билан, маълум маънода, тенг ҳаракат қилсагина ривожланиб етилар экан.

Ўша йиллар ҳамда қулоғим эшитишга қобил бўлган умрим мобайнида имкон даражасида ҳамма илк намойишлар — премьераларни кўриб чиқишга тиришар эдим. Масалан, турли концертлар ва «Ҳалима», «Ҳужум», «Маликаи Турандот», «Бой ила хизматчи», «Сепсиз қиз», «Отелло» каби спектакларда Тамарахоним, Мукаррама Тургунбоева, Сора Эшонтўраева, Аброр Ҳидоятов, Шукур Бурҳонов ва Ҳалима Носироваларни кўриш мумкин эдики, бугун ўзбек санъатини уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Тошкентга келган йилим Муҳиддин Қориёқубов Фарғонадан Свердлов номидаги театрга ишга олиб келган кичкина, оқ-яшил гулли ироқи дўппи, эгнида мовий духоба камзул, атлас кўйлак, қора амиркон маҳси-калиш кийган, қулоқлари остида гажакдари бор, қўй кўзли, табассум қилганда иккита қийшиқ тиши ҳам кўриниб турадиган Мукаррама Тургунбоевага биринчи бор «Правда Востока» кўчасидаги редакциялар биноси олдида дуч келдим. Кейин уни «Танавор» рақсида, бошига савсар телпак кийиб, турли тақинчоқлар тақиб, уйгурча кўйлак, камзулда «Уйгурча рақс» ижро этаётган пайтда қайта-қайта кўрдим. Мукаррамахоним концертлардагина эмас, баъзан спектакларда ҳам қатнашар эди.

Кунлардан бирида кўчада кетаётсам: «Домла-домла, Сиз билан опа танишмоқчи», деган гапдан тўхтадим. Қайрилиб қарасам, оппоқ тишларини ярқиратиб, қўл чўзиб турган қора костюмдаги Тамарахоним. Ортида озгин йигит (Мутал Бурҳонов) турибди.

— Сиз театр учун расмлар ишлаганингизда нима учун бизлар билан маслаҳат қилмадингиз? Раққосаларимизнинг оёқлари калта, шу сабабли кўйлакларининг этакларини узунроқ қилиб кўрсатиш керак эди, — деди Тамарахоним. Мен индамай туравердим.

Ўзбек саҳна санъатини бутун дунёга машҳур қилган, ақл ва ҳиссиёти чексиз, санъатимиз фахри Аброр Ҳидоятовни «Маликаи Турандот», «Ҳужум» ва «Отелло» трагедиясида кўрдим. Трагедия узоқ йиллар давомида Отелло — Ҳидоятов, Дездемона — Сорахоним, Яго — Наби Раҳимовлар ижросида томошабинлар диққатини жалб этиб, саҳнадан тушмай келди. Кейинчалик улуғ рус актёрларидан Остужев, Мордвинов ижроларини кўрдим, лекин, менимча, ҳеч ким Отелло ролини Аброр Ҳидоятов даражасига олиб чиқиб ўйнай олмади. Маданиятимизнинг Маннон Уйгур, Комил Яшин, Сора Эшонтўраева, Мақсуд Шайхзода каби арбоблари образларини муваффақиятли яратиб, ўзбек тасвирий санъатида портретчи-рассом сифатида танилган дўстим Абдулҳақ Абдуллаев ўша кезлар Аброр ака образи устида иш олиб борар экан, у танаффус чоғларида бизларга Отелло образи устида қандай изланганини айтиб берар эдики, бир неча сеансларда бирга бўлганимдан ҳали-ҳануз хурсанд бўламан.

Ўша йилларда, Ҳамза номидаги театр репертуарида Анқабойнинг «Шодмон» номли пьесаси ҳам бор эди. Пьесанинг бош қаҳрамони Шодмон ролини эндигина кўтарилиб келаётган ёш актёр (22 ёшларда бўлса керак) Шукур Бурҳонов ижро этганди. Пьесада камбағал деҳқон фожиаси кўрсатилар эди. Шодмонни золимлар азоблайдилар, кўйлакларини йиртиб олиб, қамчилайдилар. Шодмон — Шукурнинг азобланишдаги пластик ҳаракатлари ҳамон кўз олдимда. Яна эсимда қолган мувaффақиятли ролларидан бири Шайхзоданинг «Жалолиддин» драмасидаги Жалолиддин образидир. Овоздаги салобат ва қудрат, руҳий тасвирнинг кенг кўламлиги, образлар моҳиятидан келиб чиқиб қилинадиган ҳаракатлар ва бошқа яна кўп хислатлар Шукур Бурҳоновда омухталашиб кетган.

Афсуски, биз Шукур Бурҳоновни Отелло ролида кўришга муяссар бўлмадик. Шукурдан бу тўғрида сўраганимда, у шундай жавоб берганди: «Аброрга ҳурматим шундай баланд эдики, мен унинг вафотидан кейин бу ролда чиқишни қандайдир ўзимга номуносиб деб ҳисобладим. Кейинроқ эса... вақт ўтди, афсуски... вақт ўтди...»

У кейинги йилларда Шоҳ Эдип образини муваффақиятли яратиб, таланти, қудратини яна бир бор намойиш қилди. Ўйнаётган саҳналаридан чизиб олган қатор қораламаларим асосида «Шукур Бурҳонов Эдип ролида» деган портрет-тасвирни бошлаб қўйган бўлсам ҳам, бу ишимни ҳали давом эттиргим келади.

Ҳалима Носирова хусусида ўйласам, хотирамга кўп нарсалар тушади. 1928-29 йиллар эди. Қаршидан Тошкентга келдим, поезддан тушиб, танишларимни қидириб кетдим. Аммо ҳеч бирини учрата олмай, кечқурун Ҳамза номидаги театрга келиб қолибман. Шу кун Гулом Зафарийнинг «Ҳалима» спектакли қўйилаётган экан.

Театр олдидаги майдончада одам кўп. Бу йиллар, НЭПнинг охирги йиллари бўлса керак, томошабинлар орасида извошларда келишаётган узун банорас паранжили назоратчи кампирлар кузатуви остида шу вақтдаги Тошкент бойлари — нэпманларнинг ёш хотинлари ҳам кўзга ташланиб қолар эди. Безатилган духоба паранжи ёпинган бу хотинлар қизил, кўк калта қилиб тикилган (тиззадан пастроққа тушадиган) чачвонларини тилла узуклар қадалган қўллари билан юзларига босганча театрга келишарди.

Мен ўрта қаторларда ўтирар эканман, парда очилгунча залнинг энг охири — бир неча ложаларга жойлашган бой хотинларга қараб-қараб қўярдим. Бироқ улар юзларини фақат чироқлар ўчгандагина очишар, шунда уларни кўриб олишга улгурар эдим.

Шу куни асосий қаҳрамонларни, афишаларда эълон қилинганидек, гўзал қиз Ҳалима ролини ўша вақтлар яқингинада Бокудан ўқишдан қайттан Ҳалима Носирова, Неъмат ролини Карим Зокиров ижро этишди. Мен Ҳалима Носированинг овози ва маҳоратига илк бор қойил қолдим ҳамда бу улуғ талантнинг бир умрлик мухлисига айландим.

Спектакль безаклари аниқ эсимда қолмаган, лекин қайсидир, иккинчи пардада бўлса керак, саҳна ўртасидаги, ичида электр лампа ёниб турган қайрагочга ўхшатиб ишланган шакл — дарахтнинг бир томонида Неъмат касал ётибди, иккинчи томонида Ҳалима куйлаяпти,

*Давоми. Аввали ўтган сонда.

Ч. Аҳмаров. УСТА. 1975 йил.

уларнинг ҳаёт фожиалари томошабин диққатини банд қилиб олган...

Орадан анча йиллар ўтди.

Мен Ҳалима Носирова ҳамда Карим Зокировни «Лайли ва Мажнун», янглишмасам, «Бўрон» ёки ёшларнинг муҳаббат фожиалари ҳақида ҳикоя қилувчи бошқа қатор спектакларда ҳам кўрганман, Ҳалима Носированинг такрорланмас таланти менда кучли эстетик завқ уйғотар, ҳануз театрда бўлган онларимни энг бахтли кунларим, деб ҳисоблайман.

Мен Москва бадиий институтининг биринчи курс талабаси эканимда, Кулаш Бейсеитова Қозогистон адабиёти ва санъати декадаси ўтаётган Москва Большой театрида «Қизжибек» (композитор Брусиловский)да Ипак қиз ролини муваффақият билан ўйнади. Шу куни театрга И. В. Сталин ва бошқа раҳбарлар ҳам ташриф буюрган эдилар ва бир неча кундан кейин К. Бейсеитовага СССР халқ артисти унвони берилди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Ҳалима Носирова ҳам шундай унвонга сазовор бўлди. Бейсеитова Ҳалимахонимдан, Ҳалимахоним Бейсеитовадан қолишмайдиган буюк талантлардир.

Одатда кўп артистлар бир-бирига яқинроқ ролларни танлаб ижро этадилар. Ҳалимахоним ижодидаги яна бир ўзига хослик, у трагик образларни ҳам, «Майсаранинг иши» комедиясидаги каби комик талқинларни ҳам бир хил маҳорат билан уддалаб ўйнайверади.

Мен, бир рассом сифатида, Ҳалимахонимнинг қатор портретларини чизиб кўрдим, лекин унинг серқирра таланти, катта артистларга хос ажойиб образи менинг ишларимда ҳали ниҳоясига етмаган, деб ўйлайман.

МОСКВАДА ИЗЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Қизгин ижодий муҳит, рассомлар, зиёлилар даврасида жуда кўп нарса билишим, назарий савиямни кўтаришим зарурлигини ошкор қилиб, билим олишим шартлигини сезиб, ҳужжатларимни Ленинградга жўнатдим. Кута-кута, жавоб бўлмагач, ўзим 1935 йилнинг август ойида Ленинградга жўнадим. Бадиий академияни топиб, секретариатга учрашдим. Бу ердагилар ҳужжатларимни қайтариб, имтиҳонга ўтмаганимни, уйимга қайтаверишимни айтдилар. Бу, мен учун кутилмаган зарба бўлиб, руҳим бир оз тушса-да, аммо ўқишдан умид узмадим: Тошкентга қайтмай, Москвага жўнадим.

А. Волков, Ў. Тансиқбоев, Полковировлар бадиий даражаси саёз деб, Москвада ўқишимни маъқул топмаган эдилар. Шундай бўлса-да, ҳар ҳолда ўқийман-ку, деган ўй билан ортга қайтмадим.

Москвада ишларимни кўтариб, Лев Александрович Бруни ва Владимир Андреевич Фаворскийлар ҳузурига бордим. Улар Киров кўчасидаги йигирма биринчи уйда жойлашган Изоинститутга ҳужжат топширишимни маслаҳат бердилар. Мен шу маслаҳат билан ўқишга кириб, биринчи сентябрдан дарсларга қатнай бошладим.

Бу вақт фақат графика факультети бўлиб, Москва Изоинститутига совет китобот санъатининг асосчиси, улуг график рассом Владимир Фаворский раҳбарлик қилар эди. У рус графикасида илгаридан ҳукмрон бўлган «Мир искусства» жамиятининг Александр Бенуа, Добужинский, Билибин каби машҳур асосчилари, улар теварагидаги маслакдош рассомларнинг китобот санъатига ўзгармас қонун қилиб ёпиштирган қарашларини назарий асослар билан инкор қила олди, расм услубидаги янги тасвирий-бадиий усуллар, янгича композицион асослар очиб (масалан, ёғоч гравюра санъати техникасини китобот санъатида қўллаб), совет китобот санъатининг янгича тараққиёт йўлларини белгилаб берди. Биз — студентларга асосан Фаворскийнинг шогирдлари Г. Захаров, Добров, Герман Васильевич Фёдоровлар дарс берардилар. Графика композициясидан дарс берадиган Павел Петрович Павлинов Фаворскийнинг шогирдигина бўлиб қолмай, балки маслакдоши ҳам эди.

Фаворскийни ёқловчи, у билан ҳамфикр рассомлар билан бир қаторда унинг ижодига, назарий асосларига қарши бўлганлар ҳам йўқ эмасди.

Яхши эсимда, бир ижодий баҳсда у вақтларда ҳали ёш, кейинроқ РСФСР халқ рассоми, Бадиий академиянинг мухбир аъзоси, кўп йиллар болалар китобларига суратлар ишлаб шуҳрат қозонган Борис Дехтерев, машҳур график рассом профессор Алексей Кравченко алангали нутқ билан чиқди. Залда Фаворскийнинг тарафдорлари кўп бўлганидан қарши овозлар ёш рассомнинг нутқини кўмиб кетди...

Бу вақт мен жуда берилиб ўқир, музейларга борар, театр, адабий кечаларга қатнарканман, санъатда, адабиётда, театр санъатида турли оқимлар мавжудлигини кўрар, бу каби ижодий курашлар, баҳслар ўша йиллар учун характерли эканини билиб борардим.

Эсимда, мен қандайдир сабаб билан Мейерхольд номидаги театрнинг «Дама с камелиями» спектаклига тушган эдим. Спектакль муваффақиятли чиққанидан, зал томошабинлар билан тўлиб кетганди. Мен ўтирган охирги қаторда ҳам бўш жой йўқ. Спектакль тугагач, қарсак ва олқишлар ўн беш-йигирма дақиқача давом этиб, бошқалар қатори мен ҳам саҳна томонга ёпирилганим эсимда. Ўшанда саҳна олдида Маргарита Готье ролида чиққан машҳур актриса Зинаида Райх (илгари шоир Сергей Есенининг хотини бўлган) ва унинг эри В. Мейерхольдни яқиндан кўра олдим.

Ўша куни театрнинг энг сўнгги спектаклини кўриб қолишга муяссар бўлган эканман: эртасига давлат идораларининг буйруги билан негадир Мейерхольд театри ёпиб қўйилди...

Кунлардан бирида Революция театри (ҳозирги В. Маяковский номидаги театр)да адабий кеча бўлиб, шеърият кечасида машҳур шоирлардан Борис Пастернак, Вера Инбер ва бошқалар қатнашди. Қора костюм кийиб олган, узун бўйли, чўзиқ оқ юзли Борис Пастернакнинг иякларигача катта, лаблари қалин бўлиб, шеърни увиллаган товуш чиқариб ўқирди. Юзида қизил сепкиллари бор,

малла соч Вера Инбер эса қора духобадан тикилган узун кўйлакда эди. Янглишмасам, у қирқоёқнинг қирқ боласи оёқларига калиш олиш тўгрисида ҳазил шеър ўқиб берганди.

Кўп ўтмасдан институтга рус тасвирий санъатининг келиб чиқиши, ўсиш йўллари, дунё тасвирий санъатида эгаллаган ўрни, Оврупо санъатига кўрсатган ижобий таъсирлари ҳақида қатор илмий асарлар ёзган, рус меъморчилиги намуналарини топишда биринчилардан бўлиш билан бирга, кенг миқёсда илмий тадқиқот ишлари олиб борган, ўзи саёҳат, экспедициялар ташкил қилган, академик Игорь Эммануилович Грабарь ректор этиб тайинланди-ю, олийгоҳда жиддий ўзгаришлар бўла бошлади. Игорь Эммануилович атоқли рассом, катта олим бўлиш билан бирга, бинойидек ташкилотчилиқ қобилиятига ҳам эга эди. У институтда ўзгаришлар қилар экан, ҳар бир ишни кенг ва чуқур ўйлаб амалга оширишга интиларди. Шу даврда «Школа ваяния и зодчества»нинг йўқолиб кетган рангтасвир, ҳайкалтарошлик факультетлари қайта ташкил этилиб, қатор устахоналар очилди.

Мен бу пайтга келиб, ўзимнинг шу соҳа одами бўлиб етишишимга ишонмасам ҳам борига барака деганларидай, графика факультетида уч йил таҳсил олиб қўйгандим. Институтда рангтасвир факультети очилиши билан дарҳол ҳаракат бошладим, натижада мени учинчи курсга эмас, иккинчи курсга қайтаришдо, профессор Петр Дмитриевич Покажевский устахонасига кўчиришди. Бу жойда бир йил ўқигач, академик И. Грабарь ва профессор Н. Чернишев раҳбарлигидаги маҳоботли санъат устахонасига ўтдим ҳамда бу устахонада ўқишни тугатганимга қадар таҳсил олдим.

Биз талабалар бешинчи курснинг ёзги таътилида Новгород шаҳрига саёҳатга чиқдик. Мақсадимиз бу ердаги рус маҳоботли санъатининг улуг намуналарини, «Спас-Нередица» черкови, Феропонтов монастири, София собори интерьерларида сақланган ажойиб деворий суратларни кўриш эди. Биз Взвод деган кичкина станцияда поезддан тушиб, қайиққа ўтирдик, Илмень кўлининг ажойиб манзараларидан таъсирланиб, Новгород шаҳри томон сузиб кетдик.

Куни тунидан катта фарқ қилмай, ҳамиша ёруг бўлиб турадиган ёзнинг энг гўзал вақтлари. Гуруҳимиз Виктор Коновалов, Николай Денисов, А. Чашарин, Александр Орлов, сибирлик А. Талатаров ва мендан иборат. Сочлари сариқ, кўзлари мовий, рус эртаклари қаҳрамонларини эслатадиган баланд бўйли қайиқчи йигит билан сувда бир ярим кун суздик ва Новгород шаҳрига кундуз соат ўн икки яримларда етиб, қайигимиз елканини туширдида, қиргоқ томон суза бошлади. Шу вақт қайиқларда йиглаётган хотин-қизлар кўзимизга галати кўринди. Нима бўлди, нима гап ўзи, деган саволларимизга кўзи ёшга тўла аёл:

— Қуруқликка чиққанда биласиз, — деб жавоб берди.

Қиргоққа чиққанимизда, деворлар ортидан қандайдир митинг овозлари келарди. Биз ҳеч нимага, қандай ҳодиса юз берганига тушунмай, шаҳар марказига йўл олдик. Бир одам, ярим соат илгари Молотов радиода Германия Ватанимизга қарши уруш бошлаганини айтди, деди. Парторгимиз Александр Орлов шаҳар партия комитетига кириб, аҳволни яна ҳам аниқроқ билиб чиқди. У ердагилар дарҳол Москвага қайтишимизни маслаҳат беришипти. Биз ўша куни, кўнглимизга сигмаса ҳам, фурсатни бекор ўтказгимиз келмай, «Спас-Нередица»даги Феофан Грек деворий суратларини, Феропонтов монастири ёзувларини бориб кўрдик-да, кечаси бир бева кампирникида тунаб, эрталаб Москва томон борадиган биринчи поездга ўтирдик. Вагонлар одамлар билан тўла. Узунқулоқ гапларга қараганда, Петергоф ва Ленинград атрофидаги бошқа қай бир шаҳарларни фашистлар бомбардимон қилишибди ҳам.

Поезддаги барча эркагу хотин қайгуда. Айниқса, оқ ёмгирпўш кийган, паст бўйли одамнинг юзида изтироб, қора кўзларида ёш кўринар эди. Маълум бўлишича, бу одам улуг адиб Максим Горький ҳаёти, — унинг болалик йиллари тўгрисида фильм яратган машҳур кинорежиссёр Марк Донской экан...

Ўқишимиз июнь ойларида бошланса ҳам, аммо шу кунларнинг асосий ҳаёт тартиби Ватан ҳимояси эди. Бу — ҳар бир кишининг ватанпарварлик бурчига айланганди. Октябрь ойининг бошларидаёқ душман кўп жойларимизни ишгол қилиб, талай шаҳар ва қишлоқларимизни вайрон қилган — Белоруссия, Украина, Болтиқ бўйидаги кўп жойларни босиб олишга эришганди.

Июль ойимиди, августмиди, аниқ эсимда йўқ, бизни Смоленскдаги Вязьма шаҳрига жўнатдилар. Бу ерда ҳимоя студент отрядлари ташкил қилиниб, улар немис танкларининг ҳужум йўлларини кесиш учун мудофаа хандақ-чуқурлари, катта-катта траншеялар қазиши керак эди. Бу осон эмас, кундузи тинимсиз ишлаб, чуқурлар қазир, қазилган чуқур-хандақ ва траншеяларни турли ёғоч ва қарагай дарахтлари билан мустаҳкамлардик. Шундай кезлари тепамизда қўш парракли немис самолётлари гўнгиллаши билан биз дарҳол ерга қапишиб олардик. Гумбурлашдан қулогимиз том битиб, ўпирилган тупроқ осмонга «ҳамла қилар», қўрқа-писа бош кўтариб, сал нарироқда — яйловда думини чайпаганча бомба тушган жойнинг ё устида, ё бу ёгида хотиржам ўтлаётган, сагри ялтироқ жигарранг отларни кўрардик.

Тағин терлаб-пишиб ишга берилардик.

Ўша кезларда 1812 йилги Наполеонга қарши кўтарилган Москва халқининг кўнгилли ватан ҳимоячи отрядларидек отрядлар ташкил қилиниб, уларнинг ичида ишчилар, хизматчилар, ёзувчилар ва бошқа касб эгалари бор эди.

Кечқурунлари ўрмонлар устидан учиб ўтаётган немис самолётлари советларга қарши варақалар ташлар, фашист газандалари одамларни авраб, ўзлари томонга огдирмоқчи бўладилар. Биз нафрат билан варақаларни йиртиб ташлардик.

Янглишмасам, Москвага сентябрь ойи охирларида қайтдик. Согинганимиздан бетоқатланиб қатнайверсакда, ўқиш ҳадеганда бошланавермади, ўн еттинчи октябрдагина бизларни чақириб, институтимиз Самарқандга кўчирилишини маълум қилдилар. Ўн саккизинчи октябрь куни эрталаб, елкаларимизда юк халталари, Пушкин кўчасидаги институт идорасида йигилдик, Ярославль вокзалидан кечқурун поездга ўтирадиган бўлдик.

Оқшом. Вокзалга одам сигмайди. Бир-биримизни дараклаб турарканмиз, самолёт гўнгиллай бошлади. Ваҳима билан ҳамма ташқарига ошиқди. Қоронгилик қоплаган осмонда прожектор нурлари кесишиб, аллақачон олислаб кетган немис «қўнгиз»ларини «таъқиб қилиб» борди-да, зенитчилар отишди. Немис самолёти тутун чиқариб, уфқ четидан пастга қулади...

Рухсат бўлиб, таниқли плакатчи рассом Дмитрий Стахеевич Моор (профессор), Петр Дмитриевич Покажевский (профессор), Исаак Яковлевич Лейзеров (доцент)лар ўз оилалари билан, студентлардан машҳур плакатчи рассом Н. Денининг ўгли Николай Денисов ва хотини Нина Ватолина, 4 курс студенти В. Булгаков ва мен ёнма-ён плацкарта вагонга жойлашиб олдик. Дипломант-график Ермолов қаршимизда хотини билан, ёнларида, янглишмасам, Чернова ва Лебедева деган студент қизлар бор эди.

Поезд ҳадеганда жилавермади, эшелонимиз Москвадан Ярославль шаҳрига қараб жўнаганида вақт аллама-ҳал бўлганди. Аммо юришдан кўра тўхташ кўпроқ бўлар, станцияларда узоқ туриб қолардик. Шунда айримлар нон топиб чиқиш илинжида пастга тушиб кетар, бошқалар ўзини гап билан чалгитмоқчи бўларди.

Дмитрий Стахеевич Моор ижод билан банд, гап-сўзга аралашмай, жанговар плакатлар эскизлари устида иш бошлаган. Баъзан ўтираверади-ўтираверади, бир замон қарасангиз, йўқ. У анча пайттача кўринмайди-да, яна бирдан пайдо бўлиб қолади, дарҳол ишга «шўнгийди». Унинг бир оз ичиб келганини билган хотини хуноб бўлиб, тўнгиллашни бошлайди. Вагон силтанади.

Шу зайл Ярославлдан Пенза, Свердловск каби шаҳарлар орқали 7 ноябрда Новосибирскка етиб келдик.

7 ноябрь байрами куни Сталин Қизил Майдонда катта нутқ сўзлади. У совет халқига мурожаат қилиб, тиштирноғигача, қуролланган хиёнаткор гитлерчи-фашистлар қанчалик кучли бўлмасин, ваҳшийлик билан «яшин тезлигида уруш»га кирган бўлмасин, бостириб келаётган, юртимиз шаҳар ва қишлоқларини вайрон этаётган бўлмасин, ғалаба барибир биз томонда бўлажагига, совет кишилари душманни ер билан яксон қилиб, юртларини дадил ҳимоя қила олишларига ишонч билдирди ва байрам парадини қабул қилди.

Эшелонимиз яна йўлга тушди, янглишмасам, Фрунзе, Тошкент ва бошқа шаҳарларни ортда қолдириб, 18 ноябрь куни — Москвадан чиққанимизга роппа-роса бир ой бўлганда — гўзал Самарқандга етиб келдик. Мен Самарқанд, унинг гўзал кузининг саховатини, анвойи неъматларини йўл давомида мақтаб-таърифлаб келгандим, ҳикояларимдан огзининг суви келиб ютунаётган қорни оч дўстларим поезддан тушишди-ю, ҳайрон бўлиб қолишди: шаҳарда тизза бўйи қор ётарди...

Уруш туфайли Иттифоқимизнинг Москва, Ленинград, Харьков каби шаҳарлари бадиий институтлари ва бошқа кўп муассасалар ҳам Самарқандга кўчирилган эди. Минг-минглаб студентлар, юзларча профессорлар Самарқандга тўпланиб, таълим-тарбия шарт-шароитларини вужудга келтириш ҳийлагина мушкул эди. Барча ташкилотларни жой, зарур ашёлар билан таъминлаш осон бўлмас, бу — партия ва хўжалик раҳбарларидан катта меҳнат талаб қилар, ўшаларнинг ўта жонкуярлиги туфайлигина маълум шарт-шароитлар юзага келарди. Масалан, ўқиш бинолари, рассомлик устахоналари ҳатто чойхоналарга жойлаша бошлади. Бизнинг Суриков номидаги институтнинг бир қисми Регистондаги Шердор ва бир қисми Тиллакори мадрасасига жойлаштирилди. Панжакент кўчасидаги, нечанчи эканлиги аниқ эсимда йўқ, мактаб биноси ётоқхона қилиб ажратилди.

Шундай қилиб, пойтахт профессор ва талабаларининг Самарқанддаги ҳаёти бошланди.

Шароит оғир, имконлар жуда чекланган бўлса ҳам тинимсиз ишлар эдик.

Париждан қайтиб келган Фальк, ҳайкалтарош Рабиновичлар кўзга тез-тез ташланиб қоларди.

Профессор Д. С. Моор раҳбарлигида душманга қарши жанговар плакатлар устахонаси очилди.

Кўксини саргиш соқол қоплаган, ҳар доим кенг чолворда юрадиган В. А. Фаворский Шердордан — оиласи билан яшайдиган ҳужрасидан пақир кўтариб чиқиб, ботинкасини тапиллатганча сув келтириш учун чойхона ёнидаги ҳовузга қараб жўнарди.

Сергей Васильевич Герасимов эса Москвада қолган профессор Шегаль шогирдларига ҳам ўз талабалари қатори раҳбарлик қиларди.

Институтимиз ректори, домлам Игорь Грабарь эса Тбилисида эди. Янглишмасам, 1942 йилнинг ўрталари ё иккинчи ярмида у Самарқандга келди, одатича дарҳол тарбия жараёнлари билан қизиқиб, институт илмий кенгаши билан биргаликда диплом эскизларини тасдиқлашни бошлади.

«Ўзбекистон қиличи» номли триптих эскизини тасдиқлатиб, диплом ишимни кенг кўламда бошлаб юбордим.

...Регистон майдонида жанггa отланган ўтлига душманларни йўқ қил дегандек қилич тутқазаётган ота. Бир томонда баҳодир йигитнинг онаси, қўлида, хуржун. Хуржунда эса Самарқанд нони, бошқа томонда дўстлари ва қариндошлари. Пастда гўзал қиз йигит минган от жиловидан тутиб турибди. Гўри Амир мақбараси олдида қуролланган халқ ҳарбий машқ билан банд. Чап томонда бола-чақа, чол-кампирлар — Самарқанд халқининг мудофаа фондига қимматбаҳо совға-саломлар топшириш жараёни...

(Давоми келгуси сонда).



Ч. Аҳмаров. ЙИЛ ФАСЛЛАРИ /Асардан бир кўриниш/. 1976 йил.



МУАЛЛИФ ҲАҚИДА



Журналимиз тўйи арафасида жамоамизга келиб қўшилган янги ходим — Музаффар Аҳмад ўқувчиларга яхши таниш бўлган ижодкор, шоир ва таржимондир. У кўп йиллардан буён Хоразм ва Қорақалпогистон халқлари тарихи, санъати, адабий дўстлиги мавзуларини ўрганиб келмоқда, шу хайрли мавзуларга бағишланган қатор асарлар, эсселар ва мақолалар эълон қилмоқда. Таржимон сифатида эса у буюк Шарқ мутафаккирлари — ҳазрат Махтумқулининг илоҳий-ахлоқий руҳдаги «Қиёматнома» куллиётини, улуг қозоқ шоири Абай шеърларини, қорақалпоқ булбули Ажиниёз охунднинг тўла асарларини, шунингдек, кўплаб қорақалпоқ шоир ва адибларининг шеър, достон, қисса ва ҳикояларини ўзбекчалаштирган. Айни кунларда Музаффар ўн тўққизинчи аср Хоразм созандалари, туркман ва қорақалпоқ бахшилари, сарой адабиёт ва санъат муҳити билан боғлиқ йирик бадиий асар устида ишлаётир. Бу — бежиз эмас, албатта. Музаффар — асримизнинг йигирманчи-ўттизинчи йилларида воҳада машҳур бўлган санъаткор, Шимолий Хоразм бахшичилик мактабининг асосчиси Аҳмад бахши Матназар ўғлининг набирасидир. Демоқчимизки, санъат, адабиёт, тарих ва халқлар дўстлиги мавзулари Музаффарга дил-дилдан яқин мавзулардир.

Муаллифнинг ушбу тарихий-драматик манзумасида 1873 йилги Хива истилоси, рус зобитларининг Хоразм мамлакатига тажовузи ва бу босқин оқибатлари, изтироблари қаламга олинган.

Музаффар АҲМАД

ФИДОЙИ ДАВЛАТ АРБОБЛАРИМИЗ

ФЕРУЗ ВА КАУФМАН

ИККИ КЎРИНИШЛИ ТАРИХИЙ-ДРАМАТИК МАНЗУМА

БИРИНЧИ КЎРИНИШ

1873 йилнинг 2 июнь куни. Хива яқинида жойлашган Гамдумкон қишлоғидаги хонҳовли. Ҳовли ўртасидаги соя-салқин жойга чодир тикилган. Чодирда — Хоразм хонлигини забт этган рус қўшинларининг бош қўмондони генерал-адъютант Кауфман ҳордиқ олмоқда. Узоқ-узоқларда шаҳар девори, хароб бўлган бинолар, осмонга ўрлаётган тутунлар кўриниб турибди.

КАУФМАН

Афсонавий шон-шуҳратга бурканган шаҳар,
Мана, абгор, оёқости, хор бўлиб ётар.
Инглиз, фаранг, испанларнинг кўзлари ёниб
Интилган юрт — забун бўлди кулга бурканиб.
У йиқилди улуг рақиб куч-қудратидан,
Яъни, Руснинг қуролидан, маҳобатидан.
Қайга қочиб кетган бу юрт хону беклари? —
Сичқон билан ин талашиб ётибди бари!
Уч кун бўлди, ҳатто хон ҳам — тахтнинг эгаси
Пинҳон яшар биздан қочиб, чиқмайди саси.
Неча марта чақиртирдик, жўнатдик мактуб,
Энди бугун келар эмиш... турибмиз кутиб.

(кулади)

Бечора Шарқ! Ёввойи Шарқ! Содда-анқов Шарқ!
Гўл туркийлар! Мунча ишонувчандир бу халқ?!
Бизнинг денгиз томонлардан келаётган қўшин
Қунгрод шаҳри деворига тираса тўпин,
Не дебди денг шаҳардаги аҳли акобир:
«— Нечун бизни огоҳ қилмай келурсиз ахир?
Юрт забт этиш таомили шундоқ бўларми?
Ёв дегани айтмай-нетмай босиб келарми?
Келдингларми, энди икки-уч кун кутинглар,
Биз пойтахтга йўллагаймиз тез, шитоб хабар,
Хон ҳазрат гар рухсат берса — майдон киргаймиз,
Сизлар билан жангу жадал, уруш қилгаймиз.
Бу шарт қаноатлантира олмаса сизни,

Дарвозани очдик, қилинг билганингизни!..»—
Шундай дебди оқсоқоллар чиқиб ташқари,
«Урушмоққа рухсат келсин...» — дер эмиш бари.
Ёв тўп ўқлаб, шай турса-ю жангга бетоқат.
Урушмоққа булар хондан кутар ижозат!

(Қаҳ-қаҳ уради, сўнг сукут)

Аслида бу туркий халқлар жуда соддадил,
Меҳнатсевар, жасур, ҳалол, дангал ва дадил...
Соддалиги — ҳаммани ҳам ўзидай билар,
Сен милтиқ-ла мўлжаллайвер, у келаверар,
Булар сира ўхшамайди бошқа бир халққа,
Минг алдансин, лаққа тушар янги алдоққа.
Ўзбек, туркман, қозоғи ҳам — ҳаммаси бир гўр,
Бола янглиг ширинсўзга ишонувчан, гўр!
Аммо... мадъяр Вамберининг битта сўзи бор:
«Турк қинидан чиқармасин қилични зинҳор,
Чиқардими, токи қайта киргунча қинга —
Қанча-қанча ёв калласи учар заминга!»
Эҳтиёт — шарт! Бизлар бунинг олдин оламиз,
Туркийларни алдаб-сулдаб кишан соламиз!..

Ҳовли дарвозасидан кираётган отлар дупури эшитилади.

КАУФМАН

(чодир дарчасидан мўралаб кузатаркан)

О, боже мой! Хонми ўша? Одамми, девми?
Ёки уни дев ва пари зурёди дейми?
Кўрмаганман бундай алп ва хушрўй инсонни,
Оти қандай кўтараркан бу паҳлавонни?!
Ҳузуримга келаётир... оғирқадам... суст...
Уни қандай кутиб олсам, бўларкан дуруст?
Тикка турсам — бўйим ҳатто келмас белидан,
Ўтирсамми? У — хон! Хоразм султонларидан!
Э, бас... Хонми — ўзига хон, нечук андиша?
Мен забт этдим бу ўлкани, голиб ҳамиша —
Маглубларни қандай кутиб олса — ҳаққи бор!..

Ўтирган ҳолатда кутиб олмоқчи бўлиб, оромкурсига чўкади. Муҳаммад Раҳимхон ФЕРУЗ киради. Боши чодир тепасига тегиб кетмаслиги учун у бироз эгилган. Ферузнинг бўй-бастига кўзи тушган Кауфман беихтиёр ўрнидан туриб кетади.

КАУФМАН

Ҳазрати хон! Кутмоқдамиз сизни интизор!
Мақсадимиз сулҳ тузмогу, тез кетмоқ эди,
Мажбур бўлдик меҳмон бўлиб турмоққа энди...
Бунга айбдор биз эмасмиз, бунга сиз айбдор,
Бир бор эмас, чақиртирдик сизни уч-тўрт бор.
Ўз ҳолига ташлаб давлат, тож-тахтни бутқул,
Сиз юрибсиз пинҳон кезиб овулма-овул!..

(сукут)

Мана, биз ҳам юртингизга кепқолдик... шундоқ...
Эсингизда бордир, бундан уч йил олдинроқ
Лашкар билан бораман деб сизга сўз бердим,
Шул ваъдамга вафо қилмоқ учун мен келдим...

ФЕРУЗ

Жаноб зобит! Бу — худонинг ёзмиши, тақдир,
Тақдир нени ёзган бўлса манглайга — ҳақдир...
Биз ҳаммамиз яраттаннинг бандаларимиз,
Бугун биров голиб бўлса, маглуб — биримиз.
Қодир худо не буюрса, албат, шул бўлар,
Эрта балким маглублар — шоҳ, голиб — қул бўлар?

КАУФМАН

Бу сўз хато, хон ҳазратим, бу сўз хатодир,
Сизлар «худо, худо!» дейсиз, худо ҳам ахир
Кучлиларни қўллар мудом, ожиз кимсалар
Яшайверар хору забун, мазлум, дарбадар.
Дейлик, бундан уч йил аввал сизга ёзиб хат,
Дўстлик, итоатгўйликка қилгандим даъват,
Сизга дастур бўлса эди шу хат мазмуни,
Бу ерларда асло кўрмас эдингиз мени,
Хоразмга йўлламасди мени ҳам худо!

ФЕРУЗ

Тақдир нени раво кўрса — шул бўлур раво!
Сизнинг бул ён келишингиз, жангу жадаллар,
Бизнинг таслим бўлишимиз, ожиз амаллар,
Хиёнатлар, қамал, ҳужум, истило — бари
Азал тақдир ёзмишидан эмас ташқари.
Фил ҳам таъзим қилар экан тулкига ахир,
Шул шарманда ишга фармон буюрса тақдир!

КАУФМАН

(қаҳ-қаҳ уриб)

Менга роса нашъа қилди сўнгги гапингиз,
Истагим: фил ва тулкига ўхшамайлик биз.
Бизлар чин дўст, тенг ҳуқуқли ҳамкор бўлурмиз,
Сулҳ ва битим тузиб, борди-келди қилурмиз.
Авлодларга зўр намуна қолажак биздан,
Жаҳон эса ибрат олур дўстлигимиздан.
Император ҳазратимнинг нияти ҳам шу —
Хоразмни таянч қилмоқ — энг улуғ орзу.
Бинобарин, биз учун ҳам бахт эрур мутлоқ,
Сиздай мард ва доно инсон билан дўстлашмоқ.

ФЕРУЗ

Биз ҳам мамнун бўлар эдик...

КАУФМАН

Энди, хон ҳазрат,
Шартларимиз тингласангиз...

ФЕРУЗ

Айтинг, қандай шарт?

КАУФМАН

Ҳарбу зарбнинг қонуни шу: голиблар томон
Маглубларга эълон қилар талаб, шарт, товон...
Тингланг, бизнинг талаб-шартлар шундан иборат —
Розиман деб қўл олишсак — хурсандмиз гоят!
Кимга керак беҳуда қон тўкмоқ, қурбонлар,
Ўч, интиқом, қасду қасос, оҳу фигонлар?!
Энг мақбул йўл — тинчлик учун сулҳ ва битимдир,
Бир-бировга ишонсак бас — дўстлик бутундир.
Сизга маълум, бизнинг давлат кучли ва катта,
У сизларни ҳимояга олар, албатта.
Хуллас калом, тахт-мамлакат сизда бўлади,
Эрк-ихтиёрингиз эса бизда бўлади.
Чет элларга чиқишингиз тугайди, яъни —
Ўйласангиз агар борди-келди, савдони,
Тикласангиз ҳар қанақа алоқа, ахбор, —
Барчасида биздан рухсат бўлмоги даркор!
Дарёнинг ўнг томонига энди биз эга,
Ул ёқ ўтар Россиянинг тасарруфига.

Дарёда ҳам, денгиз ҳам бизнинг кемалар
Сузмоғи шарт эмин-эркин, беҳад, бехатар.
Истеҳкомми, қалъа-қўрғон тикласак, сўзсиз
Лозим бўлар сиздан ишчи, таъминотингиз.
Бизнинг кўпас, савдогарлар истаган чоғда,
Кезмоғи шарт бож тўламай ҳар кент-қишлоқда.
Улар жони-моли омон бўлмоғи учун
Сиз жавобгар, масъул, гаров бўласиз бутун.
Бозорларда жар солдириб, айтинг ҳар ёққа,
Чек қўйилди одамни қул қилиб сотмоққа.
Қул савдоси тугатилди, кимки бўлса қул,
Шу бугундан эътиборан озоддир буткул.
Энди... бизнинг лашкаримиз таъминотига,
Қадам ранжидаси, сарфу харажатига
Икки милён икки юз минг сўм тўлайсиз товон,
Бу таъминот ўн-ўн беш йил этгуси давом...

(сукут)

ФЕРУЗ

Шулар — сизнинг шартларингиз...

КАУФМАН

Шу — бизнинг шартлар!

ФЕРУЗ

Халқ бошига ёприлажак балою дардлар!
Яна мудҳиш фожеъларга чўкар мамлакат,
Шикаст топар минг йиллик урф, тизим, расамад...

КАУФМАН

Ёқадими-ёқмайдими, шартимиз қатъий,
Ҳазрати хон, ўйлаб кўринг барини жиддий.
Хўп десангиз, тузажакмиз сулҳ моддаларин,
Йўқ десангиз, бошқа бир хон топамиз тайин.
Ака-укаларингиз ҳам, беклар, тўралар,
«Мен хон бўлай!» деган ўтинч билан турарлар.

ФЕРУЗ

Жавобини қачон айтай?

КАУФМАН

Бугун, кечқурун!

ФЕРУЗ

(киноя билан)

Ундай бўлса, рухсат беринг номоз ўқиш-чун...

Чиқади.

КАУФМАН

Йўқ, алдамас сезгим мени, бу — улуғ инсон!
Тафаккури, ақли, феъли бўлди намоён!
Шундай инсон Европада бўлсайди пайдо,
Барча қирол тиз чўкарди унинг пойида!
О, буюк Шарқ! Ёввойи Шарқ! Худо суйган Шарқ!
Дур яратиб, дур қадрини билмайсан мутлақ!..

ИККИНЧИ КЎРИНИШ

Хонҳовлидаги боғнинг ичи. Феруз изтиробли хаёллар исканжасида ёлғиз айланиб юрибди. Юз-кўзида чексиз-адоқсиз мунг ифодалари.

ФЕРУЗ

Икки йўл бор менга олдда — икки тубсиз чоҳ:
Бири — қарам, мутеъ бўлиб, қулдай яшамоқ.
Бу шармисор-шармандалик йўли, албатта,
Эрк, озодлик, мустақиллик йўқ мамлакатда.
Озор чекар боболарнинг магрур руҳлари,
Сўниб битар тарихлардан шаън-шукуҳлари.
Давлатчилик, дин-диёнат ишлари сўзсиз
Қаттиқ зарб еб, бора-бора йўқолар изсиз.
Қарам юртда нураб тушар адолат уйи,
Авжига минар мазлумларнинг жабри, оҳ-войи,
Меҳр-мурувват, ривож-равнақ, зиё йўқолар,
Ҳақсизликлар, хийла-найранг, зино кўпаяр.
Тил кесилар, халқ бўлинар, юрт йўқолади,
Минг-минг йиллик одат, дастур, урф йўқолади.
Қарам юртда тутилади эрксиз авлодлар,
Пайдо бўлар хотинаклар, сотқин зурёдлар.
Қарам юртда яшаб, эрксиз кечириб даврон,
Халқ руҳини асрамоққа бўлгайми имкон?!
Боболарим қарам бўлиб яшаган эмас,
Мен ҳам қарам яшамоқни қилмасман ҳавас!

(бошини тиклаб)

Икки йўл бор менга олдда — икки тубсиз чоҳ:
Иккинчи йўл — озодлик деб яшамоқ, ўлмоқ!
Бу йўл ёвга тик чўкмаслик, кураш йўлидир,
Эрк, ҳақиқат, ҳуқуқларни сўраш йўлидир,
Бу йўл — пок йўл, адолатли, шуҳратли, донгли,
Тарихларга безак йўл бу, қурбонли, қонли.
Шон-шарафга, жасоратга тўладир бу йўл,
Ватан! — деган мардга насиб қиладир бу йўл.
Мен шу йўлга бошлайинми камсонли халқни?
Бунда топа оламизми йўқолган бахтни?!
Ушбу йўлга шайми эл-юрт, қабила, халқлар —
Ўзбек, қозоқ, туркман, қиргиз, қорақалпоқлар?
Огзибирлик борми бизнинг туркий қавмларда?
Бир-бирини қўллагайми муҳтож дамларда?
Ёраб, бир халқ, бир тил, бир дил бўлиб ўзбеклар,
Парчаланиб, учга-тўртга бўлиниб ётар!
Душман эса гоят маккор, гоят муттаҳам,
У чангалга олмоқ истар кенг дунёни ҳам.
Сони ҳам кўп, кучи ҳам кўп, қуроллари кўп,
Режалари, ҳийлалари, аъмоллари кўп,
Мен Ватанни юҳо аждар огзига ташлаб,
Агар борсам ботирларни ўлимга бошлаб,
Бу юрт унда кимга қолар? Бунда ким қолар?
Жавоб беринг, азиз руҳлар, мардлар, боболар?
Оллоҳ, ўзинг умидларим айлагин қабул,
Йўл кўрсатинг, сарвар бобом — Муҳаммад расул!..
Қўксим тўла зор, илтижо, ғам-армон, умид,
Йўл кўрсатинг, пирёй отам — Паҳлавон Маҳмуд!
Тошиб борар бўзловларим, йиги-ҳасратим,
Йўл кўрсатинг, валитарош Кубро ҳазратим!
Йўл кўрсатинг, қадим туркий султонлар, беклар, —
Қозоқ, туркман, қорақалпоқ, қиргиз, ўзбеклар!

Ўтиради, муқаддас руҳларни ёдлаб, Қуръони карим оятларини ўқийди. Қўшиқ куйлаб келаётган қизалоқ унга яқинлашади.

ҚИЗАЛОҚ

Патиййр ё-ооптим зиййй-рали,
Бийри-бийридан шиййй-рали,
Юринг, бо-о-оққа гиййрали-и-и,
Қизил гуллардан тиййй-рали.
Жоқувв! жоқувв! жоқув-жоқув-жоқуввв!

ФЕРУЗ

Қизим, сенинг отинг нима?

ҚИЗАЛОҚ

Отим Гулистон.

ФЕРУЗ

Отанг кимдир?

ГУЛИСТОН

Отам менинг шу боғда боғбон.
Ҳозир уйда қорнидан қон оқиб ётибди,
Уни ўрис соллод аямасдан отибди.

ФЕРУЗ

Онанг борми?

ГУЛИСТОН

Онам мени туққанда ўлган.
Мени эса опабийим парвариш қилган.

ФЕРУЗ

Опабийинг қайда?

ГУЛИСТОН

(ўйланиб туриб)

Опам — кундуз тўлада,
Тунда эса мизғиб олар у молқўрада.
Юзларига суртиб олган куя, ахлат, гўнг,
Одам қўрқиб кетар уни кўрганидан сўнг.
Ўзи ём-мон чиройли қиз...

ФЕРУЗ

Хўш, нега бундоқ?

ГУЛИСТОН

Соллодлардан қочиб юриб, қўрққаниданоқ,
Шундай бадрўй бўлиб олди, уйга кирмайди,
Менга чўрак, отамга ҳам овқат бермайди.
Ога, ҳозир бизнинг қишлоқ жувон-қизлари
Қўраларга яшринганлар, куя — юзлари!
Мен дим очман... Ога, менга беринг айтиб,
Қачонгача қиз-жувонлар яшринар бейтиб?
Соллодлар-чи, топиб олса опабийимни,
Ўлдирарми, урадими, не қилар уни?
Ога, сизда милтиқ борми ё қилич, камон?
Опабийим қўлга тушса, уни, огажон,
Сиз қутқара оласизми? Қаҳрамонмисиз?
Гавдангиз топ девга менгзар, паҳлавонмисиз?
Ога, нега кўзингизда ёш бўлди пайдо?
Ога, сиз ҳам қўрқасизми соллодлардан ё?!

ФЕРУЗ

(энтикиб)

Йўқ, қўрқмайман! Мен қўрқмайман! Асло
қўрқмайман!
Жоним қизим, жоним борки — сени қўриқлайман!
Отанг, опанг, қизлар, барча қавму қариндош,
Омон яшар шул ватанда! Садқаи кўзёш!
Қизларга айт, юзин ювсин, чиқсин қўрадан,
Онт ичаман: мен барига чора кўраман!!!

(Гулистон чиқади)

Онт ичаман: мен барига топаман тадбир!
Мен айёрга айёр энди, ботирга ботир!
Оғир шартлар қўйса қўйсин муттаҳам ёвлар,
Мен халқимнинг фойдасига тикаман довлар!
Шартларингни тузавергин, қабоҳат душман,
Халқим учун барин-барин қабул қиламан:
Тиз чўкишми — тиз чўкаман қиличим билан!
Қасос, алам, изтиробим, ўкинчим билан!
Бош эгишми — халқим учун бош ҳам эгаман,
Ғуруримни эзиб-букиб ёш ҳам тўкаман!
Эвоҳ, бордир юрагимда армон қатма-қат:
Мамлакатим яшаса бас омон-саломат!
Озодликка чиққан чоғи келажак авлод,
Англаса бас менинг ҳолим, қилса бас хуш ёд!
Англаса бас бизнинг аҳвол танг-тор бўлганин,
Бизларга эрк, оғзибирлик етмай қолганин!

(ўрнидан туриб)

Оғзибир бўл, азиз халқим, юртим, ватаним!
Ўзбек, қозоқ, қорақалпоқ, қиргиз, туркманим!
Оғзибир бўл, биз каби бош эгмайин десанг,
Оғзибир бўл, бир-бир ўлиб кетмайин десанг!
Шундай умид, изтироблар, армонлар билан
Мен ҳозир ёв шартларини қабул қиламан...

(кетади)

Узоқдан қўшиқ садолари эшитилади:

Маниий о-ғам қаҳ-рамон,
Қўлин-да бор қилич-қалқон,
Қалқо-онинга, о-га-жо-он,
Тақиб қўяйин марр-жон.
Жоқувв! жоқувв! жоқув-жоқув-жоқуввв!

ТАМОМ

Сентябрь — 1994 йил.

ИЖОДИЙ ЖУРЪАТ МАКТАБИ

Олтмишинчи йиллар охири, етмишинчи йилларнинг бошлари эди. Биз — яқинда Тошкент дорилфунунида ва бошқа жойларда ўқишни тугатиб, журналистикага янги кириб келган ёшлар, бениҳоя гайрат ва ҳавас билан халқимиз маданиятини кўтаришга, миллий қадриятларимизни тиклашга бел боғлаб юрган чоғларимиз. Қатағон йилларида фидойиларча ижод қилгани учун қамоқ, сургунларга маҳкум этилган ва жазо муддатини ўтаб келган Мирзакалон Исмоилий, Мақсуд Шайхзода, Миртемир, Миркарим Осим, Саид Аҳмад, Лазиз Азиззода, Шорасул Зуннун, Ҳамид Сулаймон, Шукрулло каби табаррук зотлар суҳбатига мушарраф бўлиб, улардан эл-юртга фидойиликни мерос қилиб олишга чоғланган пайтларимиз. Марказда доҳий Сталин шахсига сигинишга қораланиб, Н. С. Хрушчев даврида қатағонлик музлари бир оз эрий бошлади, илгари ижоди тақиқланган Борис Пастернак, Александр Солженицин каби айрим буюк

санъаткорларнинг асарлари чиқа бошлади. Аммо, бу — собиқ СССР қудратли империянинг марказида эди. Қардош республикаларда эса Қодирийнинг «Ўтган кунлар»и эндигина оқланган, аммо Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», Ҳамид Олимжоннинг «Муқанна» драмалари ҳали ҳам тақиқда эди. Мумтоз адабиётимиздан Навоий, Машраб, Огаҳий, Комил Хоразмий, Аваз Ўтардан бошқалар, хусусан, Бобур ижодини, Яссавий ҳикматларини, соҳибқирон Темурни тилга олиш ашаддий миллатчилик ҳисобланиб, жазога мустаҳиқ эди. Ўзбекистоннинг энг қадимий тарихи ва, айниқса, темурийлар даври тарихини фақат қоралаш мумкин эди. Шундай мураккаб бир вазиятда республикада партия ва ҳукумат раҳбарлигига Нуриддин Акрамович Муҳиддинов, ундан сўнгроқ Шароф Рашидов келди ва мафкуравий қатағонликнинг муз тоғлари бошқа миллий республикалар қатори бизда ҳам сал эрий бошлади. Ижтимоий ҳаётда бу ҳурриятни яна қайта чиқа бошлаган «Гулистон» мажалласи бошлаб берди. Энг дадил юракли, жасур муҳаррирлардан бири, илгари «Қизил Ўзбекистон»га раҳбарлик қилиб, дадиллиги учун бўшатилган Иброҳим Раҳим «Гулистон» раҳбарлигига келгач, ўша вақт шароитида кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ажойиб янгиликлар туғила бошлади. «Гулистон» саҳифаларида ижодий жамоа — Иброҳим Раҳим, Султон Акбарий, Суннатилла Анорбоев, Саъдулла Сиёев, Шукур Холмирзаев ва бошқа жасур адиблар меҳнати билан «Гулистон» қадимий, ширали, миллий тилда ёзишга ўтди ва гўзал, жозибали тил бойликлари билан ҳаммани ҳайрон қолдирди. Бугина эмас. «Гулистон»да «Темур тузуклари», Эркин Воҳидов таржимасида Расул Ҳамзатнинг «Менинг Дағистоним» асарлари босила бошланиши жамиятимиз маънавий ҳаёти мусаффолашуви эл-юрт дардига малҳам бўлди, меҳнаткаш халқимизнинг қоронғу дилига нур устига нур бўлиб кира бошлади, чуқур ўрнашиб қолган марказга, мустамлакачиларга қуллик кайфияти ўрнини озод, ҳур инсонлик туйғулари эгаллай бошлади. Бу қутлуғ тафаккур куртаклари ҳукумат доиралари вакиллари қалбида ҳам униб-ўсиб, бугунги азиз истиқлол кунларини яқинлаштирди.

Камина «Совет Ўзбекистони» редакциясида ишлаб, «Гулистон»га илк бор қатнаша бошладим. Ўша вақтдаги газетамиз бош муҳаррири, адиб ва ҳуқуқшунос олим Мақсуд Қориев, унинг ёрдамчилари Холбек Ёдгоров, Расул Раҳмон, Ҳабиб Нуъмон, Эътибор Охунова, Абдулла Абдуқодиров ёш ижодкорларга меҳрибон, ғамхўр эдилар. Биз «Совет Ўзбекистони»га иш тақозосига кўра, журъатсизроқ фикрларни, «Гулистон»га эса кўнглимиздаги дадил, эркин фикрларни ёзар эдик. Шоир Сайёр «Гулистон» журналида каминага танқидчиликда, Маъруф Жалилга шеър соҳасида илк бор устозлик қилган, буни биз ҳозиргача унутмаймиз. Ўшанда Сайёр ака таклифи билан мен Пиримқул Қодировнинг «Қора кўзлар» романига тақриз ёзган эдим.

«Гулистон» журналидаги жасоратли ишлар (айниқса, «Темур тузуклари», «Менинг Дағистоним») учун бош муҳаррир Иброҳим Раҳим империя марказига содиқ кишилар томонидан жазоланди, ишдан бўшатилди. Аммо, Иброҳим ака бошқа бир жойга («Ўзбекфильм»га) раҳбар бўлиб, яна миллий истеъдодларга ғамхўрлик қила бошлади. Али Ҳамроев, Шуҳрат Аббосов, Темур Малик Юнусов каби режиссёрларнинг вояга етишига ҳисса қўшди. «Гулистон»га бош муҳаррир бўлиб келган атоқли адиб ва шоир Асқад Мухтор эса, Иброҳим Раҳим бошлаган журъатли ишларни янада кенг кўламда давом эттирди. У энг яхши услуб устаси, моҳир таржимон ва ҳикоянавис Ваҳобжон ака Рўзиматовни, ўзига яраша ўжар ва ўша давр тили билан айтганда, «исёнкор» ёш ижодкорлар — Мурод Хидир, Маҳмуд Саъдий, Саъдулла Аҳмад, Абдулла Шер, Сулаймон Раҳмон, Абдуқаҳҳор Иброҳимов, Эмин Усмон ва бошқаларни (жумладан, каминани ҳам) редакцияга ишга жалб қилди. Асқад ака, Ваҳобжон ака ва шу ёшлар журъати билан «Гулистон» журнали Ватанимизнинг бугуни ва тарихининг тиниқ кўзгусига айланди, жаҳонга танилди. Ўша вақтда «Гулистон» АҚШ, Саудия Арабистони, Туркия, Афғонистон, Эрон каби 30 га яқин хорижий давлатларда ўқиларди.

Ўша йиллари юз берган серташвиш воқеалардан бири шу эдики, «Гулистон»нинг 1972 йил сонларидан бирида «Бадиий ижод табиати» сарлавҳали мақолам босилди ва мен унда Карл Марксниng эстетика соҳасидаги фалсафасини яроқсиз деб, унинг санъат ҳақидаги фикрлари юзаки ва хато деб, танқид қилиб чиқдим. Аслида ниятим — шу соҳада илмий-назарий диссертация ёзган Тилаб Маҳмудовнинг китобига тақриз ёзиш эди. Аммо, ёшлик ғайрати билан, ҳаяжонланиб, жўшиб, мақолам марксизмга қарши руҳда бўлиб қолди. Аммо кутилганидек, ҳар тарафдан менга ҳужум бошланиб, марксизмни ревизия қилувчи, деган ёрлиқ ёпиштирилди. Ёзувчилар союзидан ўчирайлик дейишса, ҳали ижодий уюшмага ўтмаган эканман. Кейин ўчириш учунми, ўшанда ижодий уюшма сафига қабул қилишди. Сўнг ёш мунаққид Ботир Норбоев «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да менинг «Талант ва ижод фалсафаси» китобимга тақриз эълон қилди.

«Гулистон» журналида босилгани етмагандай, Марксга қарши мақоламни китобимга ҳам киритган эдим. Ботир Норбоев тақризида худди шу мақолани мақтабди. Шундан сўнг садоқатли «марксчи»лар менинг 3—4 йил аввал босилган мақоламга сиёсий айблар қўя бошладилар.

Аммо, ўша пайтда Чингиз Айтматов асарларининг моҳир таржимони, ижодкорлар ғамхўри Асил ака Рашидов мени қаттиқ ҳимоя қилди ва шу туфайли мени жазоламай, огоҳлантириш билан чекланишди. Табаррук 70 ёшга тўлган «Гулистон» журнали истеъдодларга кенг йўл очар ва шу тариқа ижодий журъатга ўргатар эди.

Маҳкам МАҲМУД,
адиб, мунаққид, Халқаро Аҳмад Яссавий мукофоти совриндори.

ЭРКИН ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ҲАЁТ ДОРИЛФУНУНИ

Биз, адабиётга олтмишинчи йиллар охирида кириб келган авлод вакиллари учун «Гулистон», «Шарқ юлдузи», «Ўзбекистон маданияти» ижодий изланишларимиз учун ҳам парвозлайдиган, ҳам парвоз осмони эди, десак янглишмаймиз. Ўрта Осиё дорилфунунида устозларимиз Озод Шарафиддинов, Ғулом Каримов, Субутой Долимов, Лазиз Қаюмов адабиёт ва мафкура майдонида етакчи кучлар бўлиб, баъзилари жамият ҳаётининг қайси муаммоларини қаламга олиш зарурлигини, баъзилари қайси мавзуларни қаламга олмаслик кераклигини ўргатар эдилар. Ватан, партия, Ленин — етакчи мавзулар эди. Ватан деганда, албатта, кўпмиллатли СССР, Ватан тарихи деганда Иван Грозний, Владимир Мономах, Петр I тарихи тушуниларди. Аммо, бизнинг бахтимизга Алишер Навоий, Бобур, Машраб ҳам бор эди. Бўлганида ҳам, бу зотлар тубсиз уммон, чексиз осмон эдилар. Аммо, мумтоз шеъриятдан илҳомланиб ёзишни у вақтда баъзи «ўткир» танқидчилар миллий маҳдудлик, ғазал ёзишни эса — тор мавзуга ўралашиб қолиш деб тушунтиришарди (Хайриятки, бундай «ўткир» танқидчиларнинг ҳужумларидан бизни худо асради). Эски тилда, нафис ва миллий оҳангда ёзиш «совет тузумига қарши» иш деб, қораланарди. Биз, албатта, бундай айбловлардан дилимиз ғашланар, руҳимиз тушарди. Шундай бир вазиятда миллий оҳангларда, эскича, мумтоз тилимизда сўзлайдиган «Гулистон» журналининг қайта тикланиши қалбларимизни нурга тўлдирди. Димиққан ижодхоналаримизга, Навоий ва Бобурнинг, Машраб ва Нодиранинг мусаффо ва муаттар ҳаволари кириб келди.

«Гулистон» журнали фақат миллий тилдагина ислоҳот қилиб қолмай, шу вақттача бўғилиб келаётган миллий тафаккурни жонлантирди. «Темур тузуклари» бизнинг ижодимиз уфқларини кенгайтириб, миллий давлатчилигимизнинг қудратли тажрибалари борлигини кўрсатди. Бу адолатли давлат тажрибаларидан Шарқ ва Ғарбнинг энг буюк давлатлари баҳраманд бўлганини кейинчалик равшанроқ била бошладик. Худди шу пайтларда қудратли империянинг кичик бир мустамлакаси — Дағистонда етишган шоир — Расул Ҳамзатнинг миллий мустақилликка даъват этувчи гўзал асари — «Менинг Дағистоним» энг дадил журнал «Новый мир»да босилиб чиқди ва барча республикалар ижтимоий ҳаётидаги сийқа гоялар мудроқлигидан қўзғотиб, миллий уйғониш даврини бошлаб берди. «Ёшлик девони» ҳам мақтов, ҳам танқидлар билан машҳур бўлиб турган бир пайтда мен «Гулистон» журналидаги дўстларнинг дадил таклифи билан «Менинг Дағистоним» таржимасига журъат қилдим. «Гулистон»нинг ҳар бир сонида «Дағистоним»нинг янги боблари босилган сари мен яқин атрофимда ва олисларда ҳам минг-минглаб софдил инсонларнинг меҳри ва миннатдорчилигини теран ҳис этдим. Аввало, халқимизнинг миллий уйғонишига фидойиларча ҳисса қўшган «Гулистон» журнали ижодий жамоаси кўнглимдаги журъат ва матонатни қўллаб-қувватлади.

«Гулистон» журнали ўша вақтда мана шундай журъатли ишлари билан собиқ империя га содиқ айрим раҳбарларга ёқмади ва журналнинг довюрак муҳаррири Иброҳим Раҳим ишдан олиниб, «Темур тузуклари» ва «Менинг Дағистоним»нинг охирги қисмлари тақиқланиб, босилиши тўхтатиб қўйилди. Аммо, Асқад ака муҳаррирлигида ҳам «Гулистон» миллий қиёфасини йўқотмади. Журнал жаҳон тараққиёти жараёнига ҳамнафаслик билан айни вақтда миллий ифтихоримиз манбаи бўлган буюк Шарқ алломалари Форобий, Беруний, Ибн Сино, Хоразмий, Замахшарий меросларига фаол мурожаат қилаверди. Журнал саҳифаларида бу алломаларнинг минг йиллик юбилейлари муносабати билан энг йирик олимларимизнинг асарлари йил бўйи босилар эди. ЮНЕСКО қарори билан Самарқандда ўтказилган «Темурийлар даври санъати» халқаро анжуман материаллари «Гулистон»да кенг ёритилиб, ҳукуматимизнинг ҳам, илм-фанимизнинг ҳам халқпарварлигини кенг намойиш этди.

«Гулистон» журнали саҳифаларида шеъриятга ҳам катта ўрин берилар, ёрқин истеъдодларнинг кўпчилиги шу журналда кашф этиларди. Бу ерда менинг ҳам анча-мунча ғазалларим ва достонларимдан парчалар эълон қилинган. Журналда «Жаҳон адабиёти хазинасидан» рукни доимий эди ва бу рукнда инсоният бадиий тафаккурининг энг гўзал намуналари халққа тақдим этиларди.

Қутлуғ 70 ёшга қадам қўйган қадрдон «Гулистон»ни мен ҳам бир муаллиф қатори чин дилимдан табриклайман, бу имкониятдан фойдаланиб, бизга жуда кўп билим ва жасорат ҳадя этган бу ҳаёт дорилфунунига таъзим бажо этаман.



Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,
адабиётшунос, Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси

ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Бир сўз билан айттанда, матбуот ҳаёт кўзгусидир. Қатор газеталар, журналлар ичида етмиш йиллигини нишонлаётган «Гулистон» журнали алоҳида ўрин тутади.

Жанр эътибори билан «Гулистон» ижтимоий-сиёсий ва бадиий нашр бўлиб, унда республика ҳаётининг турли-туман томонлари акс эттирилади. Журнал саҳифаларида оддий ишчидан тортиб, олиму фузалогача ўз фикрини эркин баён қила олиши мумкин.

Ҳар бир нашр сингари «Гулистон» адабиёт ва санъатни ҳам четлаб ўтган эмас. Кўзга кўринган адиб ва шоирлар, рассом ва бастакорлар, қўшиқчи-санъаткорлар, халқ ҳунармандчилигини янада ривожлантираётган усталар меҳнати журнал саҳифаларидан ўрин олган. Бу фикрни журналнинг ҳар бир сони тасдиқлаб турибди.

«Гулистон»да XX аср адабиётининг намояндалари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитратларнинг шеърий ва насрий асарлари чоп этилган. Уларнинг мақсадларига кенг ўрин ажратилган. Шахсан ушбу сатрлар муаллифи 30-йиллар адабиёти хусусидаги кўп маълумотларни шу журнал саҳифаларидан олганини қайд қилишни лозим кўради.

Журнал саҳифаларида адабиётнинг ҳар бир авлоди ўзига хос ўрин эгаллаган. Ойбекнинг шеърлари, насрий асарларидан парчалар, Абдулла Қаҳҳорнинг ҳикоялари, Ғ. Ғуломнинг шеърлари аксарият ҳолларда шу журнал саҳифасидан китобхонлар қўлига бориб етган. Саид Аҳмад, Шукрулло, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодировларнинг камол топишида ҳам журнал ўзгача роль ўйнаган.

Кейинги авлод ижодкорлари учун ҳам «Гулистон» журнали кенг майдон бўлди. Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ш. Холмирзаев, О. Матжон, Ўткир Ҳошимов, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Хайриддин Султоновларнинг қатор асарлари шу журналда ёруғ дунёни кўрди. Ҳозир ҳам ёш қаламкашлар учун журнал муҳарририятининг эшиги очиқ эканлигига шубҳамиз йўқ.

Асримизнинг ҳар хил бўронли йўлларида ҳам журнал ўз мавқеини қўлдан бермади. «Темур тузуклари», Р. Ҳамзатовнинг «Менинг Дагистоним» асарлари «Гулистон» орқали журналхонлар қўлига бориб етди. Аммо мафкуравий яккаҳокимлик йилларида журнал бошлаган бу савоб иш учун танбеҳлар ҳам эшитди. Хайриятки, бу танбеҳлар ҳам журнални ўзининг тутган йўлидан чеккага чиқариб юбора олмади. Мустақиллик учун кураш йиллари ва мустақилликни тўла қўлга киритишга ҳаракат қилинаётган пайтларда ҳам журнал бир қанча матбуот нашрлари ичида олдинги сафлардан бирида турди. Бу йўлда олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлади ҳамда қатор мақолалар эълон қилиб, халқ олдидаги ўз бурчини бажарди ва бажаряпти.

Табиийки, бугун биз бозор иқтисодиётида тегишли қийинчиликларни бошимиздан ўтказяпмиз. Ишончимиз комилки, яқин йиллар ичида қийинчиликлар ҳам ўтиб кетади ва Ўзбекистон ўз ҳаётини янги босқичга олиб чиқади. Бу ишларда ҳам «Гулистон» бундан етмиш йил олдин баланд кўтарган байрогини янада юксакроқ кўтаради, деб ишонамиз.

Ўзбек халқининг мусиқа маданияти жуда бой ва кўп асрлик тарихга эга. Маданий мусиқа меросимизда, айниқса, чолғу мусиқаси ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу соҳанинг ижро анъаналари ҳам қадим замонлардан буён авлоддан авлодга, устоздан шогирдга ўтиб бизгача етиб келган. Эндиликда, ўзбек чолғучилик санъатида мавжуд бўлган миллий мусиқа асбобларини ва анъанавий ижро усулларини ўрганишга қизиқиш ортаётгани ҳам қувончли жараёндир. Бинобарин, миллий чолғу асбобларини ўрганиш борасидаги ҳар бир янги қадам қизиқиш ва миннатдорчиликларга боис бўлмоғи табиий ҳолдир.

Тўғрисини айттанда, анъанавий ижрочилик санъатига доир турли муаммолар, чолғу асбоблари билан боғлиқ шу пайттача ечилмай келаётган кўпгина масалалар кейинги пайтларда халқаро анжуманларда, юксак минбарларда ҳам таъкидланган эди. Самарқандда ўтган учта халқаро анжуман, Тошкент ва Хивада ўтган мусиқа санъатига доир симпозиумларда мана шу фикрлар тилга олинган эди.

Ўзбек халқи жуда қадимий мусиқа маданиятига эга, дедик. Халқимиз қадимий мусиқа ва чолғу асбобларига ҳам эга. Танбур — ана шундай қадимий чолғу асбобларидан ҳисобланади. Бу соз ҳақида Ўрта Осиёлик кўпгина мусиқашунос олимлар, муаррихлар ўз асарларида қимматли маълумотлар ёзиб кетганлар. Масалан, Шарқда мусиқа фанининг асосчиларидан бири Абу Наср ал Форобий ўзининг қатор илмий асарларида мусиқа ҳақида, мусиқа асбобларининг инсон руҳиятига таъсири, шунингдек, танбур созининг ажойиб хусусиятлари ҳақида ёзиб қолдирган.

МОДДИЙ МАДАНИЯТ МУАММОСИ

«Фан» нашриёти Наманган Давлат университети «Этика, эстетика ва маданиятшунослик кафедраси»нинг мудири, фалсафа фанлари доктори, профессор Алексей Васильевич Цайнинг «Ҳозирги замон эстетикасида моддий маданият муаммоси» номли монографиясини чоп этди.

Муаллиф ҳозирги замон эстетикасининг долзарб масалаларидан бўлган моддий маданиятнинг эсте-

ТАНБУР НАВОЛАРИ



Маълумки, Бухоро «Шашмақом»ини ижро этишда танбур алоҳида ўрин тутади. Таниқли танбурчи Маъруфжон Тошпўлатовнинг айтишича, мусиқа амалиётида, «Шашмақом»ни ижро этишда танбур етакчи созлардан ҳисобланган. Бу мусиқа асбоби Бухорода ҳам кенг тарқалган ва ҳудудда кўпгина машҳур ижрочилар, танбур санъатининг усталари етишиб чиққан, булардан Ота Жалол Носиров, Леви Бобохонов, Домла Ҳалим Ибодов, Шоҳназар Соҳибов, Фазлиддин Шаҳобов, М. Тошпўлатовларнинг номи халқимиз ичида машҳур. Бу ажойиб мусиқа асбоби нафақат моҳир ижрочилар, балки ҳаваскор ижрочилар орасида ҳам севиб қўлга олинишига сабаб шуки, танбур сози нозик ва бой тембри (овоз тебранишлари)га, кенг диапазон (овоз кўлами)га эга. Хуллас, мамлакатимизда ҳозир танбур санъатининг мухлислари кўпаймоқда.

Ана шунинг учун ҳам, яқинда «Фан» нашриёти чоп этган «Танбур наволари» қўлланмаси (муаллифи Абдулла Умаров) мусиқа ихлосмандларининг айни кўнглидаги иш бўлди.

Мазкур китобда ўзбек халқ чолғу асбобларидан бири — танбур созининг анъанавий услублари, танбурнинг миллий мусиқа ижрочилигига хос талқинлари, энг заррур амаллари, ўтмиш ва ҳозирги замон танбур ижрочилигининг йўналишлари, ижрочилик услубига хос бўлган ҳаракатлар ва шуларни амалий жараёнда ўзлаштириш тажрибалари атрофлича баён этилган. Китобга анъанавий мусиқа ижрочилигини ўзлаштиришга мўлжалланган 70 дан ортиқ асар киритилган. Узоқ ўтмишга эга бўлган мумтоз мусиқа меросимиз асрлар оша бизгача етиб келиши жараёнида айнан мана шундай асарларнинг аҳамияти катта бўлган, албатта.

Яна бир гап: ҳозирги пайттача бир қанча ўзбек чолғу асбоблари — рубоб, чанг, гижжак, най, дутор, доира асбобларини ўрганишга доир нота-ўқув қўлланмалари, хрестоматиялар нашрдан чиқарилган, аммо шу пайттача танбурга бағишланган бундай дарслик йўқ эди.

«Танбур наволари» китоби муаллиф томонидан мазмунли, содда, тушунарли қилиб нашрга тайёрланган. Бу чолғу асбоби ҳақидаги айрим зарур маълумотлар, ижро этиш усуллари, созланиши ва танбургагина хос бўлган зарблар аниқ қилиб кўрсатилган.

Муаллифнинг бу китоби ўқув қўлланмаси сифатида, айни пайтда, жуда ҳам зарурдир, чунки бу китобдан олий ўқув юртларининг, ўрта мусиқа билим юртларининг, мусиқа мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчи-талабалари, қолаверса, ҳаваскорлик тўгаракларининг раҳбарлари ҳам дарслик сифатида кенг фойдалана оладилар.

Абдулла Умаров ўз китобида кўплаб бастакорларимизнинг асарлари, жумладан К. Жабборовнинг «Наззора қил», М. Муртазоевнинг «Бир ишва билан», Ғ. Тошматовнинг «Гул жамол» ашулаларини, маданий меросимиз дурдоналари бўлмиш «Шашмақом» йўлларидан «Таснифи дугоҳ», «Чапандози баёт», «Наврўзи ажам», «Ажам тароналари» куйларини танбур созига жуда чиройли мослаб, ўз ўрнида берган.

Ушбу дарслик ҳам мусиқа маданиятимизни, танбур санъати илмини ривожлантиришда, шунингдек моҳир танбурчилар етиштиришда муҳим қўлланма бўлиб қолади, деган умиддамиз.

Дарслик китобнинг чоп қилинишида ҳомийлик қилган «Сотимҳожи» фирмасининг кўмагини ҳам шу ўринда ёдлаб, бошқаларга ибрат қилиб кўрсатамиз.

Иқболхон ТОШПЎЛАТОВА,
Тошкент Давлат консерваторияси
Анъанавий ижрочилик
кафедрасининг
катта ўқитувчиси.

тик жиҳатларини кенг кўламда ёритишга бел боғлаган.

Мустақил республикамизга чет эл илғор технологияси кириб келаётган, Ўзбекистон жаҳоннинг тараққий этган технологик жараёнига кириб бораётган бир пайтда мазкур асарнинг чоп этилиши ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан катта аҳамиятга молиқдир.

Монография 3 боб ва 11 параграфдан иборат. Муаллиф биринчи бобда моддий-эстетик маданиятнинг моҳияти, ўзига хос хусусиятлари бўйича фикр юритади. Иккинчи бобда эса Ғарб ва Шарқ моддий-эстетик маданияти ривожланиши баён этилади. Муаллиф моддий-эстетик маданиятнинг илдизлари, меъморчилик ва ҳунармандчиликнинг моддий-эстетик маданият ривожида асосий аҳамият касб этганлиги, машиналашган саноат ишлаб чиқариши шароитида дизайн ҳамда меъморчиликнинг ўзаро нисбати сингари масалаларни илмий жиҳатдан тадқиқ этишга ҳаракат қилган.

Муаллиф Ўрта Осиё ҳунармандчилиги, меъморчилигидаги ўзига хос эстетик хусусиятларни очиб беришга муваффақ бўлган. Шунингдек, монографияда меҳнат эстетикаси моддий-эстетик маданиятнинг моҳияти эканлиги, моддий-эстетик муҳитнинг нарсалар тимсолида акс этиши, миллий моддий-эстетик маданиятнинг ўзига хослиги ва унинг умуминсоний бойликлар билан ўзаро муносабати масалалари қамраб олинган.

Муаллифнинг ютуғи шундан иборатки, у «эстетиклик», «бадиий маданият», «эстетика» ва «маданият тушунчаларининг моҳиятини тушунтириб беришга интилади.

А. В. Цай инсон моддий неъматлар ишлаб чиқариш фаолиятининг барча томонларини эстетика нуқтаи назаридан талқиқ этади ва бозорга ўтиш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг рақобатга бардош бера олиш хусусиятларига диққатни жалб этади.

Монография назарий ва услубий жиҳатдан юқори даражада, равон ёзилган.

Ушбу асар ўзбек тилига ўгирилиб чоп этилса, мустақил мамлакатимиз маънавий-эстетик оламида катта иш қилинган, маданият ва моддий эстетик маданият муаммоларига қизиқувчилар учун маънавий бойлик совға қилинган бўлур эди.

С. НОРҚЎЗИЕВ,
катта илмий ходим, доцент.
Ғ. СОАТОВ,
филология фанлари номзоди.

ШАФҚАТ МИЛЛАТ

ЁХУД 52 НАФАР ЕТИМНИ ТАРБИЯЛАГАН ВОЛИДАИ МУҲТАРАМА ҲАҚИДА АНДАК МАҲЗУН ҲИКОЯ

Ким дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиқ.

Заҳириддин Муҳаммад БОБУР.

УЧ КУН давомида муттасил эсган палгар[1], ниҳоят тинди. Файзулла Жумаев ва Ойимгул Ражабова ҳамроҳлигида шалоғи чиққан «Москвич»да Она изларини қидиришга тушдик.

Ҳай, аттанг, Тожикистонда бўлиб ўтган фуқаролар урушининг шум нафаси Осиёдаги бу кўҳна ва ҳамиша навқирон кент — суғдийларнинг қадимий пойтахтига ҳам ўз таъсирини кўрсатипти: шаҳар ўзининг аввалги файзу тароватини йўқотган, одамларнинг қиёфаси жиддий, ғамгин. Онанинг невараларидан бири Ахтам Худойбердиев билан биргаликда шаҳардаги Сарикамар қабристонига чиқиб бордик.

Дарвозанинг темир панжарасида эрталабки шабнам ялтирайди. Баҳор нафаси тўлган осмонда, қабристон йўлкасидаги куртак чиқарган садалар узра тиловат садолари таралади: «Раббано, фи-д дунё, ҳасанатино...» Қаердадир қарға қағиллади, бир гала қуш осмону фалакка парвоз қилди. Ҳов нарида Зарафшон шовуллайди. Дарё устида оқиш тусли ҳовурми, ғуборми муаллақ туради. Мана, атрофи пишиқ ғишт билан ўралган, янтоқ, ўт-ўлан ўсиб ётган оддий мозор.

Кичикроқ мармар тахтадаги битикни ўқиймиз: «Тожиклардан етишиб чиққан милиционер аёл Мамлакат Худойбердиевага. 1902 йил 25 мартда туғилган, 1984 йил 12 мартда вафот этган. Панжакент шаҳар ички ишлар бўлимидан ёдгорлик». Хаёлимдан шундай фикр ўтди: «Она! Сенинг қалб саховатинг қаршисида Ҳотами Той, Ҳорун ар-Рашид, Жамшид, Анушервони Одил, Қоруннинг сахийлиги нима деган нарса? Улар ўз тасарруфидаги давлатнинг бир қисминигина одамларга улашганлар. Сен эса фақат бойлигингнигина эмас, қалб кўрингнинг охирги мисқолигача ҳожатмандларга бахшида этдинг!» Онанинг пок руҳига Қуръони карим оятларини бағишладик.

...Саъдий Шерозий кўчасидаги 5-уйдамиз. Бу камтаргина кулбани Она ўз қўллари билан 1963 йили қурган. Танобий ҳовлида икки туп тут дарахти ўсади. Тутлардан бири учта бақувват шохга эга. Шунинг учун ташқаридан қарасангиз, бу ерда тўрт туп дарахт ўсаётгандек туюлади.

Бизни хушрўйгина жувон — Ҳасратой кутиб олди. Олдимизга нон, хуйрок деб аталувчи хушбўй гиёҳ солинган мастава қўйди. Ҳасратой ва Холиқберди Она тарбиялаган сўнгги фарзандлар сифатида ана шу уйга қонуний эгалик қилар эканлар.

Аста-секин ён дафтарим Она ҳақидаги янги-янги маълумотлар билан тўлиб бораверди: шу тумандаги Ёри қишлоғида туғилган, ота-онасидан эрта жудо бўлиб, амакиваччаси, Панжакент шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи Мирзояҳё Аминовникида бир муддат тарбияланган, кейинчалик милиционер аёл Патти Азизова хонадонида ўсган, алғов-далғовли 20-йиллари милиционер сифатида Ҳомидбек, Кўри Ҳамро тўдаларига қарши жангу жадалларда иштирок этган, иморатсоз уста — Атоуллога турмушга узатилган.

Сўнг Она — Аллоҳ кўнглига меҳр-шафқат солиб — етимларни асрайверди. Бироқ бу ёқда эса ўзининг фарзандлари ўлаверди. Бирин-сирин Мирмаҳмад, Эргаш, Ҳамроқул, Ҳасан, Ҳусан, Хосиятларини тупроққа топширди. (Онанинг яна бир фарзанди бўлган. Ўлган. Исму шарифини аниқлашнинг имкони бўлмади — Ш. С.). Шулардан фақат олтинчи фарзанди — Бузруккина омон қолиб, 45 йил умр кўрди.

...Шундайки, туманда бирон-бир гўдакнинг бошига кулфат тушгудай бўлса, одамлар дарҳол Она ҳузурига югурардилар. Она ҳам болалар тақдири учун масъул бўлган давлат муассасалари (болалар уйи, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот бўлимлари)дан илгари етиб келиб, мурғак қалбни ўз ҳимоясига оларди. Уларни ойдан ардоқлаб, кундан кўрдоқлаб катта қиларди.

Кўз ўнгимда шундай манзара жонланди: қиш асноси сандалга суқилишиб, тиқилишиб, ухлаб ётган болабақра, пилиги пастлатиб қўйилган «еттинчи» чироқнинг хира ёғдуси, шифтда лампа шиша учидан чиққан нур доираси... Ёлғиз бешик ғичирлайди. Она алла айтади:

Сой тўлиб сомон келсин,
Йўл тўлиб йўрға келсин, алла.
Совчи келсин юзлардан,
Кулиб турган кўзлардан, алла.

Гўдак овуниб қолади. Онанинг ўзи ҳам бешикни қучганича, дам-бадам мудрайди. Бир маҳал қўли бешик устидан «шилқ» этиб тушади. Гўдак уйғонади. Яна бешик ғичирлайди. Яна Она алла айтади:

Олмадандир бешиги,
Олсин энди опаси, алла.
Жийдадандир бешиги,
Жийранмасин опаси, алла.
Ўрикдандир бешиги,
Ўртанмасин, опаси, алла.

Ибодулла МУЛЛАЕВ ҲИКОЯСИДАН:

— Уруш даврида чечак, қизамиқ, сувчечак, кўкйўтал, безгак болаларнинг бошига битган бало бўлган эди. Кулфат ҳам эгиз-эгиз келади, деб бежиз айтишмаган. Сўжина қишлоғида Истампўлатнинг укаси ва синглиси бир кечада қизамиқдан ўлди. Мен эса бирваракайига ота-онамдан айрилиб, ғирт етимча бўлиб қолганимдан кейин Она мени ўз бағрига олдилар. Эсимда, «Ватан» кинотеатрининг ёнидаги бир даҳлиз, бир хонадан иборат уй остонасидан илк марта хатлаб ўтдим. (Шу уйни сув босгач, Онам кейинчалик Саъдий Шерозий кўчасидаги ҳозирги уйни қурдилар). Жуда-жуда очиққан эдим. Апил-тапил нон емоқдаман. Онам эса тепамда турганича, рўмоли учини кўзларига босиб, жимгина йиғлардилар.

Нима дей? Онам қаршисида барча — шоҳу гадо баробар эди. Ҳамма уни «Биби», «Бибича» деб атарди. Ҳатто СССР Олий Совети Президиуми томонидан берилган Фахрий ёрлиқда Онанинг исми «Мамлакат» эмас, «Биби» деб ёзилганди. Бунга таажжубланманг, Тожикча «Биби» сўзи «Она» демакдир.

Гоҳо эрталаб уйқудан уйғонганимизда кечаси билан сафимизга янги фарзандлар — ҳа, айнан фарзандлар, чунки Она бирontaмизни етим демас, умуман етим деган сўзни ишлатмасдилар — келиб қўшилганини би-

[1] Палғар — Зарафшон дарёсининг юқори оқимида ғарбдан шарққа эсувчи кучли шамол.

ТАНЛАМАС...

либ қолардик. Очлик, йўқчилик исканжага олган, илик узилган маҳалларда бир сиқим жийдами, майизми, туршакми ёки иккитагина картошками жонимизга ора кирган вақтлар бўлган. «Заборная книжка» — насия дафтарчаси бўйича «анжирной» (ржаной, яъни жавдар демоқчи — Ш. С.) нон олиш учун 8-10 соатлаб навбатда турардик. Нон бўлмай қолган кунларда очдан ўлмаслик учун чакса ундан аталами, ёвғон шўрвашўтирми қилиб ичардик. Обжувоздан нарма (гуручнинг майин қипиги), тоглардан олгу, ожит деган ўсимликлар илдизларини, баъзан эса боқила териб келиб, шундан нон қилардик. Бундай кезларда, айниқса, кепак иш берарди.

Айтмоқчи, Али нонвой деган художўй киши гоҳо бизга ун, кепак бериб турарди. Уйимизда нон ёпилган кунлари байрам бўлиб кетарди. Нонни еб бўлиб: «То пагоҳ Худо подшоист», — дердик. Бу ўзбекча: «Эртагача Худо подшодир, ризқимизни Ҳақнинг ўзи етказади», — деган маънони билдиради. Ҳаммамизга тўрт кўрпа, икки товоқ, икки қошиқ... Овқат маҳалида қошиқ навбати билан етгунича индамай сабр қилиб турардик.

Она чорасиз қолган кезларда Аллоҳ-таолога муножот қилиб: «Ё, поко Парвардигоро, болаларимни очдан ўлдирмагайсан, эл-улус ичра шармандаи шармисор этмагайсан», — деб субҳи кизбгача дуои такбир қилиб чиқардилар. Бундай чоғларда мен кўпинча Онанинг ёнидан бир одим ҳам нари жилмасдан, унга қўшилиб дуо қилар, йиглардим. Аҳ, меҳрибоним онам... (Суҳбатдошим муштумини пешонасига тираб, йиглаб юборди). Бир куни рўзғорда тишга босадиган ҳеч вақо қолмагач, бисотидаги тилла узукни арзон-гаров сотиб, қорнимизни тўйгазгандилар.

— Қийналмаяпсизларми, болаларим? — гоҳо Она биздан сўраб қўярдилар.

— Кўп қатори-да. Нима, қийналган фақат бизми? — деб жавоб берардик...

ЯГОНА «ҲУЖЖАТ»ДАН «КЎЧИРМА»:

Панжакендаги Рўдакий номли Республика музейида бир сурат-экспонат сақланади. Тасвирнинг чап томонида юзини чуқур ажин қоплаган, пешонабоги устидан рўмол ўраган Она, ўртада қиз бола (Онанинг невараларидан бири дейишди, ҳозирча исмини аниқлашнинг имкони бўлмади.), ўнгда Ҳасратой, Она хиёл чап томонга қараган, мийигида кулганича, невара ва Ҳасратой эса кулиб турган кўйи тасвирланган, Суратнинг тагида ёзув: «Мамлакат Худойбердиева. 23 болани тарбиялаган». Вассалом.

«ЗАРАФШОН» ГАЗЕТАСИ ХОДИМИ ТУРДИБОЙ СОЛЕҲЗОДА ҲИКОЯСИДАН:

— Чамаси, бундан йигирма йиллар муқаддам Она ҳақида бир очерк ёзгандим. Чўзинчоқдан келган юзида билинар-билинмас чечак излари қолган, бугдойранг, кўзлари тим қора, новча, қотма, тишлари гуручдай майда ва текис, ниҳоятда камтар, саксон ёшларни қоралаб қолган хушкалом онахон мени «болам» деб қарши олганини ҳамон эслайман.

Қиш келиб, совуқ тушиши билан Она шаҳар ижроия қўмитасидан болалар учун мавсумбоп уст-бош, озиқ-овқат, ўтин-кўмир сўрамоқчи бўлиб турган эканлар. Мен Онага ҳамроҳ бўлдим, ул-бул нарсаларни «ундириш»да ёрдамлашдим. Бир куни ижроқўмнинг масъул ходимларидан бири:

— Мамлакат Худойбердиева нафақа олиш учунгина етим асрайди, — деб қолди. Онанинг қанча нафақа олиши билан қизиқдим: 28 сўм экан. Шунда ундан сўрадим:

— Бас, шундай бўлгач, нега ўзингиз қаровчисидан жудо бўлган болаларни тарбияламайсиз?

— Бе, нима, мени жинни-пинни бўлган деб ўйлаяпсизми? — жавоб берди амалдор.

Ён дафтаримда Она оқ ювиб, оқ тараган болаларнинг исму шарифлари сақланиб қолган. Мана, улар: Тўйчи, Анатолий, Шариф, Қурбонқул, Хушвақт, Ўгилой, Бибироҳила, Муяссар, яна бир Ўгилой (ҳозир у Ўзбекистоннинг Гиждувон шаҳрида яшайди), Истадой, яна бир Қурбонқул, Ражаб, Ибодулла, Хурсандқул, Шарофат, Қумри, Равиль (татар), Ҳасратой, Женя (рус миллатига мансуб бу йигит Иккинчи жаҳон уруши фронтларида дом-даракссиз кетди), Насиба (13 ёшида вафот этган), Хосият, яна бир Хурсандқул (асли рус фарзанди, бу исмни унга Она берган), Моҳбиби (вафот этган, Ёри қишлогидан), Азизқул (ўзбек, Қўштепа қишлогидан), Холиқберди. Шу муқаддас даргоҳда аҳилиноқ яшаган тожик, ўзбек, рус, татар, украин ва бошқа миллат болаларининг ҳар бири Она учун шабнамдек бегубор ва масъум эди.

Она юртга 15 марта суннат тўйи қилиб бердилар. Фарзандларининг неча-нечасини ўқитдилар, зеро болаларга бир парча нон бериш, уларнинг қорнини тўйгазиш билан иш битмаслигини, фарзандлари тарбия кўрган, билимли одамлар бўлиб етишишлари муҳим эканлигини тушунардилар, Жигаргўшаларининг ҳаммаси ҳам қанот чиқариб, катта ҳаёт сари парвоз қилдилар, турли-туман касб-кор эгалари бўлиб етишдилар.

Биласизми, ҳамма жамулжам бўлганда, Она хонадони Зарафшон дарёсидек тўлиб-тошиб кетарди. Дастурхон атрофида 90 киши йигилган вақтлар бўлган. Бундай кезларда Она хурсандчиликдан ичига сигмай кетарди, фарзандлари жамолига боқиб тўймасди.

Кўпдан бери Онанинг қўлида тарбияланганларни тўплаб, улар билан учрашув ўтказиш тараддудидаман. Аммо, илгари шундай эзгу анъана бор эди: йилда бир марта Она тугилган кунда йигилишарди. Энди эса ҳаммаси собиқ СССРнинг турли республикаларида, яъни узоқ-яқин хорижда яшаётганликлари сабабли, уларнинг бошини бир жойга қовуштириш қийин бўлмоқда. Бунга, иккинчи томондан, ҳозирги иқтисодий қийинчиликлар ҳам монелик қилмоқда.

— Биласизми, — деди Турдибой сўзининг охирида, — қандайдир сабабларга кўра, Онанинг фуқаролик жасорати шу чоққача муносиб тақдирланмасдан келади. Онага бир карра, икки карра, беш карра «Қаҳрамон она» унвони берадиган бирон-бир парламент дунёда борми?

Ҳалқумимни изтироб бўғди. Ҳамкасбимга нима деб жавоб берай? Албатта, дунёда бундай парламент бўлмоги лозим эди. Ахир мен ҳам уруш фарзандиман. Аммо мен «гул» етим эдим: то суягим қотгунига қадар бобом Карим Норбек ўғли, бувим Улмон Эшмат қизи қаноти остида ўсдим. Ватандошларимизнинг фуқаролик жасорати ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам муносиб тақдирланмоғи лозим.

Айтмоқчи, Турдибой Солеҳзода билан суҳбатлашганимдан кейин Она яна Маҳмуд, Сергей Рубцов, Зарофат, Жавод деган болаларни ҳам тарбиялагани маълум бўлди.

ҲАСРАТОЙ ХУДОЙБЕРДИЕВА ҲИКОЯСИДАН:

—Укам Холиқбердини дорихона ёнидаги қўш симёғоч ёнидаги ахлатхона ёнида йўргакланган ҳолда топиб олдик. Ахлат ичидаги қогоз қутида бир нима гимирларди. Онам дедилар:

— Қара, бир нима қимирлади. Мушук боласи бўлса керак.

Қутини очиб қарадик. Бола! Кечирасиз, 40 кунлик чақалоқ битлаб кетган эди. Онам уни ювиб-тараб, одам қилдилар. Орадан анча йил ўтиб, уйимизга нотаниш бир аёл кириб келди. «Шу — менинг болам. Исботдалилим бор», — деб даъво қилди. Болага қараб буюрди: «Исминг Толиб. Уйга кетдик». Онам Холиқбердига: «Онанг билан бора қол, болам. Берган тузимга мингдан-минг розиман», — дедилар. Бироқ Холиқберди ўша аёлни на она сифатида тан олди, на унинг ортидан эргашди. Аёл эса зор-зор йиглаб, келган йўлига равона бўлди.

— Ўзингиз қандай қилиб Она даргоҳида пушти-паноҳ топдингиз? — сўрайман Ҳасратойдан.

— Волидам кўз ёриш чогида ўлиб қолгач, Она мени ўз тарбиясига олганлар.

— Она сиймоси хотирангизда қандай муҳрланиб қолган?

— Раҳматли ширинсўз, етимпарвар, болажон эдилар. «Йиглаб турган боланинг бегонаси бўлмайди. Бундай норасидага раҳми келмаган одам-одам эмас», — дегич эдилар. Оҳ, бизни деб ўзларини чўтдан олиб, сувга урганлари! — Ҳасратой кўз ёшларини артиб деди. — Кейинги йилларда Онамнинг хотираси заифлашиб, нечта фарзанд тарбиялаганларини, уларнинг исму шарифларини фаромуш қиладиган бўлиб қолгандилар.

Ҳасратой шундай деб, қўлимга ҳажми 9x12 сантиметрли бир суратни тутқазди. Оқ рўмол ўраган Онанинг лаблари қимтилган. Ёнида икки қизи: Қумри ва Шарофат.

— Қумри ва Шарофатларни онаси уйимиз остонасига ташлаб қочиб кетгач, Волидам уларни ўз тарбиясига олгандилар. Биласизми, Онамда бир рўйхат бўларди. Унда ўзлари тарбиялаган 52 нафар боланинг исму шарифи бор эди. (Буни Ибодулла Муллаев ҳам, Турдибой Солеҳзода ҳам суҳбат чогида тасдиқладилар — Ш. С.). Ўша рўйхат ва бошқа архив ҳужжатлари йўқолди, уларни Онам ҳақида картина яратган Москвадаги ҳужжатли-хроникал фильмлар студияси ходимлари ёки Душанбедан келган журналист аёл Онамнинг чойнак-пиёлалари, жойнамозига қўшиб олиб кетганмиди — аниқ эсимда йўқ. Ёш эдим-да.

РАСУЛ САРИМСОҚОВ ҲИКОЯСИДАН:

— Мамлакат Худойбердиева ва мен турли йилларда ички ишлар бўлимида хизмат қилганмиз. 1946 йили фронтдан қайтиб келиб, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идорасига ишга кирдим. Она бу пайтга келиб, милициядаги хизматдан бўшаб кетган эканлар. Ҳақиқатгўйлиги учун биз уни ҳазиллашиб, «Қалампирмомо» дердик. Она ўз тарбиясидаги болаларни бамисоли товуқ жўжаларини етаклагандай, кўча бўйлаб етаклаб юрганини неча-неча марта кўрганман. Эсимда, Она бир куни: «Қандоқ қилай, қийналиб қолдим. Болаларимнинг бошида отаси бўлмаса. Шуларгинам ўксимасин дейман-да, Абдурасул», — дея мурожаат қилгандилар. Қўлимдан келганича ёрдам бериб турганман. Жаннати камшир эди, раҳматли.

Шундай бир воқеа хотирамда қолган. Бақо Саидмуродов деган бир кимса қотиллик қилиб, қўлга тушди. Она қотилни фош қилувчи ягона гувоҳ сифатида судда қатнашди. Қотил: «Агар ўлмай қамоқдан соғ-омон чиқсам, энг аввало сени ўлдирганим бўлсин!» — деб онт ичди. Бироқ Она қўрқоқлар тоифасидан эмасди. Қотил қамоқдан қочишга муваффақ бўлиб, Қиргизистонга кетди. Ўша ёқларда гумдон бўлди.

— Дарвоқе, Панжакентда Мамлакат Худойбердиева номидаги кўча бор, — деди суҳбат пировардида жонланиб Расул ака. — Албатта, ўша кўчани бориб, зиёрат қилинг.

АХТАМ ХУДОЙБЕРДИЕВ ҲИКОЯСИДАН:

— Уруш йилларида Онам нонвойхонада ишловчи Раиса исмли рус қизини кўзи остига олиб қўйган эканлар. Орадан бир неча йил ўтиб, ўгли Бузрукни шу қизга уйлантирганлар. Мен мазкур никоҳдан тугилганман.

1984 йилнинг эрта баҳори эди. Она ўсма хасталигига йўлиқиб, бир муддат турли шифохоналарда даволаниб чиққандилар. Бир куни сафардан (Бухорода эдим) қайтиб, Онамни кўргани уйга кирдим. Ранг-рўйи бир аҳволда, кўзлари нурсизланган эди. «Куним битди, болам. Укаларингни эҳтиёт қил: ҳали улар бамисоли заиф ниҳолдай гап. Шуларга кўз-қулоқ бўлиб тургин», — дедилар. Қариндош-уруғларимизни, хеш-ақраболаримизни йигдик. Рози-ризолашдик. Тунда Онам жон таслим қилдилар. Эртаси куни дафн маросими олдидан шаҳар ижроқўми митинг ўтказди. Минг-минглаб одам тўпланди. «Онанинг нақадар буюк зот эканлиги биринчи марта билинди, — деди сўзга чиққан шаҳар ижроқўми раиси, — Қалбинг қанчалар кенг бўлган, Она!»

* * *

Азал-азалдан ҳаммамизнинг қалбимизни бир армон кемириб келади: қани эди эл-юрт гамида жон чеккан одамлар қилган эзгуликларига яраша ажр (мукофот) олсалар. Шу ўринда ҳурматли панжакентликларга, Мамлакат аянинг тарбиясида бўлган қоракўзларга мурожаат қилмоқчимиз: ҳар биримизнинг қалбимизга эзгулик уругини сепиб кетган Онанинг қабри ободонлаштирилиб, унга ҳайкал ўрнатилса, қабрни зиёрат қилиш халқаро туристик йўналишга киритилса (ахир Панжакент халқаро туризм шаҳри-ку?), Она яшаган уй музейга айлантирилса, багоят савоб иш бўлур эди. Инсон қадри кун сайин пасайиб кетаётган бизнинг алгов-далгов даврimiz учун бу ниҳоятда муҳимдир.

Шерали СОКИН.
Тошкент — Самарқанд — Панжакент — Тошкент.

Суратда: Мамлакат она ХУДОЙБЕРДИЕВА.
Қиём Шаропов тасвирга туширган.

ЧУКОТКАДА БЎЛГАН ВОҚЕА

(ЎЗБЕКИСТОНЛИК МАШҲУР ОҚИН МЕКЕМБОЙ ЎМАРОВ ҲИКОЯСИ)

Чукотканинг қанақа жой эканини биласиз. Жуда бўлмаганда совутини эшиттансиз. Бориб кўрмаганман дейсизми? Борманг! Борманглар, кўрмангларам у ёқларни! Бизларнинг ҳарбий хизматимиз шу ёқда ўтган, биламиз, Ер юзининг энг совуқ нуқтаси ўша ёқда. Ўҳ-ҳў... Чукчалар муз устига уй қурволиб яшайверади. Уйларининг таги тўрт томондан очиқ бўлади, шамол ўтиб, музлатиб туриши учун. Бўлмаса, муз эриб, уй музга ботиб қолади, совуқ, совуқ...

Мана шу ерда хизматда бўлганмиз. Шу ерда қизиқ бир воқеага дуч келганман: марҳум отамни учраттанман! Рост. Ҳозир гапириб бераман. Аввал отам ҳақида айтай. Отам — Ўмар Шоди ўғли, манов Тошкентнинг этаклари, Чирчиқнинг бўйларида ўсган, умр бўйи калхўзда деҳқончилик қилиб ўтган одам. Ўзи деҳқон-у, лекин ўланга, айтишувга уста эди. Чечан, диловар, сайисликдан ҳам хабардор одам эди. Тўйларга олиб кетишарди. Булар асли ўзи ота-бобоси суяк суриб келаётган оқинлар. Мана, отамдан менгаям ўтди-ку шу, бўлмаса, нима, мен оқин бўламан деб мактабга қатнадимми ё институтга бордимми? Жўқ-е, бари ўз-ўзинан, илоҳийдан-ку булар. Институт ўқиб оқин бўладиган бўлса, институтни битирганларнинг қайси бири оқин бўлиб ўтирибди? Оқинлик барибир ўз одамини топади, суяк суриб келадими, ўтказиб келадими, қувиб келиб топадими — билмай ҳам қоласан, шундай... Отам умр бўйи кетмонидан айрилмаган деҳқон эди, лекин қўлига дўмбира бериб, беш минг одамнинг ўртасига юбор, қани! Пирли, арвоҳли дейди бундайларни!

Отам қартайиб қолган кезларинда, мен институтда ўқиб юрганимда вафот қилди. Мен унинг вафотидан сўнг институтни тамомладим, бир-икки йил мактабда ишладимми-йўқми, ҳарбий хизматга кетдим. Чукоткага!

Ана энди ҳарбий хизмат ҳақида гапирсам бўлади. Худой эллтандай, бизни Тошкентдан Чукоткага ташлашди! Иссиқ иқлимда ўсган йигитларни қақшаган совуққа юбориш, у нимаси — совет даврининг сиёсатимиди ё жиноятимиди? Йўқ, бу ерда гап ҳарбий хизматни мансимаслик ё бошқа нарса ҳақда кетаётгани йўқ, гап иссиқ ва совуқ иқлим, ҳарбий хизматчининг иқлимга боғлиқ саломатлиги, қаерда кўпроқ фойда келтириши ҳақида кетаётир. Иссиқ юртда ўсган нихолни совуқ иқлимга олиб бориб экиш нималигини биологлардан сўраб кўринг, қандай жавоб эшитар экансиз?

Борганимизда дўхтирлар бизларни синовдан ўтказишди: бир аппаратлари бор экан, шунга яқинлашсанг — аввалги касалликларинг бари қайтадан қўзиб, хизматга яроқли-яроқсизлигингни очиқ-ойдин қилиб қўяр экан. «Ленин учқуни» (ҳозирги «Тонг юлдузи»)да ишлайдиган бир шоир йигит бор эди, асли наманганлик, Мирзадавлат Юнусов, ҳалиги аппаратдан ўтгач, оёғи шишиб кетди. Бир пайтлар синган эканми, шуни кўрсатди-да аппарат. Бизлар: касали аниқ бўлди, синган оёқ билан юрмаса керак, юртга қайтариб юборади энди деб, суюнишдик. Бекор қувонган эканмиз, қайтариб юбориш қайда, бечорани энг совуқ, энг оғир ерга ташлашди...

Чукоткада хизматни бошлаб юбордик. Постда турамиз (юрамиз, турсанг, қотиб гуппа қулайсан, шундан сўнг сени ҳеч ким тополмайди!). Муз денгизи... ҳув ана, Америка томон, кўриниб туради, сўкиниб-сўкиниб юраверасан (у пайтлар Америка ёв эди-ку бизга?!). Хуллас, кечаси-кундузи ишимиз шу — қоровуллик. Айттандай, у ёқда кеча билан кундузнинг ҳам фарқи йўқ, уч ой-тўрт ойлаб қуёш деганни кўрмайсан. Яна, постда ухлаб қолишдан қўрқамиз, ухладинг, тамом, қотасан! Қор ёгса, шу билан сени эллик, юз, минг йилдан кейин ё топишади, ё топилмай мангу музга айланиб қоласан. Йигирманчи йилда қор тагида қолган биринчи ревкўм аъзоларини яқинда топишди-ку!! Шундай худо газаб қилган совуқ.

Бир куни постда айланиб юриб, эътиборсиз қолдимми ё тўхтаб совқотдимми, хуллас, ўзимни унутадиган даражага етибман. Тўхташ — ўлим, ухлаш — ўлим эканини биламан, лекин не иложки, ихтиёр қўлдан кетган эди. Биринчи марта шундай ҳолга тушишим, эҳтимол, охиргиси ҳамдир, чунки бундан кейин ўзим ҳам бўлмайман-да. Шуларнинг барини билиб турибман, нима қилай, бефойда, совуқ мени ўз ҳукмига олган, ҳозир йиқиламан, шу билан ҳаммаси...

— Мекембой ўғлим, ухлама! Кўзингни оч!

Отамнинг овози! Марҳум отамнинг овози!

Кўзимни очдим. Йиқилмаган эканман ҳали. Оёқда эканман. Ёнимда отамни кўрдим. Уй томондаги дала кийимида турибди.

— Ота, нима қилиб юрибсиз бу ёқларда? Қандай қилиб келиб қолдингиз?

— Сени уйғотиш учун келдим, ўғлим. Кўзингни очдингми, энди ухлама, ўғлим, ухлама!

— Яхши, энди ухламайман. Ота, сиз бу кийимда совқотасиз, боринг, уй томонга кетинг! — дейман-у, яна кўзим юмила бошлайди.

— Кўзингни оч, Мекембой! Кўзингни юмма, жоним болам! Мен сенинг отангман, Мекембой, сени шу музликларда қолиб кетсин деб худодан тилаб олдимми? Оч дейман кўзингни!

Шунда, билмадим, отам мени уриб йиқитдими ё қотиб қолганим учун ўзим йиқилдимми, ҳайтовур, гурсуллаб қуладим. Бошим музга қаттиқ тегди-ю, огриқнинг зўридан ўзимга келдим. Сакраб ўрнимдан турдим.

Ҳали-ҳанузгача ҳайрон қоламан: ўшанда отамни тушда кўрдимми? Тушда кўрган бўлсам — уйқу ҳам, совқотиш ҳам ўлимга юзланиш дегани эди у пайтда, мен эса, мана, тирикман. Отамни ўнгимда кўрдимми? Ундан чиқди, отамнинг безовта руҳи менинг олис-олисларда ҳалок бўлаётганимни кўриб, чирқиллаб-чирқиллаб келгани бўладими бу?! Ё дунёда биз тушунмайдиган, илоҳий ҳодисотлар ҳам рўй бериб турадими?

Айттандай, армиядан келганимдан сўнг бирданига оқин бўлиб кетганим — рост...

Жавоҳир САНЪАТИЙ
ёзиб олди.

ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ

«Гулистон» журналининг 70 йиллик тўйини ўзбек халқи маданияти, адабиёти ва санъати тарихида муҳим сана деб биламан. Ўтган йиллар мобайнида мазкур журнал халқимизнинг энг мўътабар қадриятларини тарғиб қилиш, инсонлар кўнглида олий туйғуларни қарор топтириш, дўстлик ва тинчликни ардоқлашга чорлаш каби эзгу ишларда ибрат кўрсатиб келди, шу билан обрў қозонди ва халқимизнинг севимли ойномасига айланди. Журнални қайта тиклаш ишларида ғайрат кўрсатган, шу журналда бош муҳаррир сифатида жон куйдириб ишлаган таниқли адиб Иброҳим Раҳимдай элдошимиз билан биз қуваликлар чин дилдан фахрланамиз.

Булар бежиз эмас. Қува — азал-азалдан ҳар хил соҳа истеъдодларини етиштириб бераётган макон ҳисобланади. Бу ҳудуддан маданиятимиз, адабиёт ва санъатимизнинг қатор-қатор таниқли вакиллари етишиб чиққан. Ҳайкалтарош Абдумўмин Бойматов, қўшиқчилик ва мусиқа санъати вакиллари Кўчқор Мадазимов, Абдуҳошим Исмоилов, Абдулҳай Каримов, Ҳасанбой Холиқов, Эркин Рўзиматов, Маҳмуджон Тожибоев, Шарофиддин Исмоиловларнинг номлари бутун элимизга таниш. Ўйлайманки, бундай истеъдодларнинг етишиб чиқишида «Гулистон»дай ўқишли, сермазмун нашрларнинг ҳам ўзига хос ибрати ва ҳиссаси бор.

Қува — истеъдодлар юрти, дедим. Бизнинг мусиқа мактабимизда ҳам истеъдодларни, қобилиятли ёшларни тарбиялаш, рағбатлантириш, вояга етказишдай хайрли ишларда собит туриб меҳнат қилаётган мураббийлар жуда кўп. Мен жамоамиз номидан, қолаверса, санъатсевар қуваликлар номидан севимли журналимизни қутлуг 70 ёши билан табриклайман!

Ҳокимжон РАҲМИДДИНОВ,
Қува шаҳар Қўчқорали Мадазимов номидаги болалар мусиқа мактаби директори.

Ойбек МАҲМУДОВ

ГУЛҚАЙЧИ

ТАРИХ УСТУНЛАРИ

(ФАНТАСТИК ҲИКОЯ)

Кеч тушган, саройда одам зоти кўринмайди. Ўртадаги баланд, ҳашаматли олтин тахтнинг нарирогида — пастда икки кимса ўзаро секин суҳбатлашардилар.

— Анави меъморни асло ишлатма. У минг уддабурро, улкан тажриба соҳиби бўлгани билан бари бир бизнинг қасру иморатларимизни тушунолмайди. У ишни барбод этгуси. Сен уни бирон-бир бўлак жойга тайинла. Ўрнига узоқ Ясрибдан уста Исмоилни кўмакка чорла, шаксиз етиб келгусидир. Унинг моҳир бинокорлиги сенга ҳам аёндир, — деди улуг шаҳаншоҳ.

Бош уста Абдулмажид ергача букилиб, таъзим бажо этдию, очиқчасига юриб, чиқиб кетди...

Ясовул дарвозадан ичкарига кириб, шаҳаншоҳ Абу Саидга машҳур тарихчи — Ҳидоят ибн



Замон «Фарҳод-Ширин»лари,
Тантиқ чиқди мошинлари...

Аббос саройга ташриф буюрганини тантанавор маълум қилди. Гала-говур тиниб, барча аъёнлар остона тарафга ўгирилишди. Найзадор соқчилар салобатли нақшинкор дарвоза табақаларини икки четга суриб очдилар. У ёқда эгнига қизил зарбоф барқут тўн кийган, ўнг қўлида жигарранг тасбеҳ, чап қўлида каттакон китоб ушлаган олим қалтираб турарди.

— Сен, нонкўр, ҳали ўз бобокалонларингнинг номини ҳам билмас экансан, шундайми?! — дея бақирди шаҳаншоҳ унга, — буниси менга энди ошкор бўлди!

— Олампаноҳим!.. Ахир... Бобомнинг бобосидан бўлак барини биладурмен! Шоҳим, афу этинг! Афу этинг, — ибн Аббос тиз чўкиб, оёқ остидаги қалин гиламни етти марта ўпди.

— Бас қил! — деди мисссиз газабга минган Абу Саид. — Тағин мен сенга атаб Ер юзида ягона мақбарани қурдирсам-у, сен аблаҳ... Бу зайлда келгуси авлодлар ўз отасини ҳам билмай қолади-ку. Тамом! Уста Абдулмажид! Фармонни бажар! Мақбаранинг йигирма тўртинчи — сўнгги устуни тескари ҳолда ўрнатилсин?!

— Хўп бўлади, олампаноҳ, — деб бош эгди уста.

Саройда шов-шув кўтарилди. Саркардалар, туманбошилар, аъёнлар ҳаяжонга тушишди. Лекин тахт олдидаги кекса вазири-аълам хомуш эди. Унинг кенг пешонаси беҳисоб ажинларга тўлиб-тошганди.

— Қолаверса, Жалолиддин Мангубердини ҳам, Мангу Жалолиддин-берди деб ёзиб эрурсан китобингда! — бақирди шаҳаншоҳ, қоп-қора қошларини чимириб.

Авом халқ орасида турли-туман хабарлар тарқаларди. Саройдаги юз бераётган ишлар ҳаммага сир эди:

— Вой, буни! Шоҳимизнинг тарихчи Ҳидоят ибн Аббос ҳазратларига атаб, тенги йўқ мақбара қурдираётганларини билармидингиз?

— Ҳа, қизим. Нима бўлибди?..

— Ўша йигирма тўрт устунли мақбаранинг битта устунини тескари қилиб ўрнатишаркан.

— Ия, чинданми-а? Тоза кўнгилсиз иш бўлибди-ку. Агдариб қўйишармишми? Не сабабдан ундай қилмоқчилар, қизим?

— Ҳазрат Ҳидоят бобомиз ўзларининг «Замона зайли» аталмиш китобларида боболарининг отасини нотўғри қайд этибдурлар. Уларнинг исми-шарифларида андак адашиб кетиб эканлар, бундан шаҳаншоҳимизнинг аччиқлари келибдур.

* * *

Оқшом чоғи. Богда одам кўп. Барча жойларда турлича ўткирликдаги прожекторлар ёқилган. Ўйин-кулги авжида. Одамлар куни кеча газетанинг сўнгги сонида босилиб чиққан бир талай жуда қизиқарли янгиликлардан хабар топишган, шунинг учун ҳам хушнуд эдилар.

Чеккаларида ям-яшил, сунъий дарахтлар гуркираб ўсган хилват йўлда ёшгина, қирчиллама йигит — тарих ўқитувчиси ортидан шим кийиб, юзига аллambало упа-эликлар суртиб олган бир қизни эргаштириб борарди. Йигитнинг қўлида — газетанинг кечаги сони.

«Қадимги Хоразм яқинидаги водийдан қадимшуносларимизнинг қидирувлари натижасида бир қадимги иншоот харобалари топилди. У ерда фалон асрда яшаб ўтган, машҳур уста — Ҳидоят ибн Аббос томонидан ўтмишдаги Хоразм давлатининг шаҳаншоҳ — Абу Саид ал-Аброрга атаб қурилган улкан мақбара яхши сақланиб қолган экан. Мазкур мақбара йигирма тўрт устунга эга бўлиб, улардан бир донасигина бутун топилди. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, мақбарани вайронага айлантирган одам — бинокентлик қароқчи от ўғриси Абдулмалик исмли шахсдир. Яна олимлар шу нарсани аниқладиларки, мақбаранинг барча устунлари тескари тарзда қурилган. Бунга унинг омон қолган устуни мисол бўлади. Жуда қизиқ! Хулосада шуни маълум этишимиз мумкинки, қадимги иморатларнинг ҳаммаси нотўғри қурилган, деган илмий фаразимиз исботланди!»

Оврупоча «гижжагингни»
Тинглай-тинглай чарчадик.
Эшитайлик энди миллий
Созларни ҳам беҳадик!

Изоҳи ўзингиздан.

ТИЛСИМ

Жавоблар шаклда белгиланган хонадан соат мили йўналишида рақам атрофига ёзилади.

1. Таниқли ўзбек устоз санъаткори, театр ва кино артисти. 2. Саид Аҳмаднинг «Уфқ» асари асосида саҳналаштирилган драма қаҳрамони. 3. Чўлпоннинг олти пардали афсонавий томоша асари. 4. Асрор Самаднинг «Соҳибқирон Темур» драмаси қаҳрамони, саркарда. 5. Ўзбек халқ достони асосидаги Собир Абдулла ва Тўхтасин Жалиловларнинг мусиқали драмаси. 6. Фармонбиби сиймосини маҳорат билан ижро этган Ўзбекистон халқ артисти. 7. Алишер Навоий достони асосидаги Комил Яшин ва Мухтор Ашрафий операси. 8. Отелло роли ижроси билан жаҳонга танилган ўзбек санъаткори. 9. Ўзбек халқ эртаги асосида саҳналаштирилган асарлардан бири. 10. Баҳром Раҳмоновнинг Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқали театрида саҳналаштирилган асари. 11. Ўзбек балети санъати устаси, халқ артисти. 12. Таниқли ўзбек театр режиссёри. 13. Мусиқали саҳна асарлари муаллифи, дирижёр, Ўзбекистон халқ артисти. 14. Асримиз бошларида мамлакатимизда «Турон» театр труппасини ташкил қилган шоир ва олим. 15. «Муқимий» спектаклида санъаткор Эътибор Жалилова ижросидаги қаҳрамон. 16. П. Қодировнинг «Юлдузли тунлар» асари асосидаги видеофильм қаҳрамони. 17. «Алишер Навоий» драмасидаги тарихчи олим. 18. Марказий Осиёдаги афсонавий халқ қаҳрамони ҳақидаги тарихий драма. 19. Чингиз Айтматов асари асосидаги «Момо ер» мусиқали драмаси қаҳрамони. 20. Лутфий достони асосида режиссёр Н. Отабоев саҳналаштирган «Гул ва Наврўз» асари қаҳрамони. 21. Ўзбек саҳнасида Брут, Улугбек, Эдип сиймоларини яратган улуг санъаткор. 22. Таниқли инглиз драматурги. 23. Шукур Холмирзаевнинг «Қора камар» драмаси қаҳрамони. 24. Ўзбекистон халқ артисти, Амир Темур сиймоси ижрочиси. 25. Ўлмас Умарбековнинг «Қиёмат қарз» спектакли бош қаҳрамони.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

ЎТГАН СОНДА ЧИҚҚАН ТИЛСИМНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Очқич:
1. «Панднома». 2. Шажара. 3. Бухоро. 4. Эзгулик. 5. Меҳр. 6. Тўмарис. 7. Қавс.

Ҳикмат:
Подшолик истасанг бўл эл гадоси.
Ўзингни унутгу, бўл эл ошноси.
Эл тож каби бошга кўтарсин десанг,
Эл қўлин тутгину бўл хокипоси.

Паҳлавон МАҲМУД.



Гулистон

5
1995

Учредитель:
Министерство по делам культуры Республики Узбекистан.

На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир
Асқар МАҲКАМ
Рассом
Л. САЛИМЖОНОВА.

Мусаҳҳиҳ
М. АБДУЛЛАЁРОВА.

Муҳарририят тураржойи:
700000, Тошкент — ГСП,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 36-78-90.
Бош муҳаррир ўринбосари — 33-07-94.
Масъул котиб — 36-56-01.
Санъат ва маданият назарияси — 33-07-94.
Мусиқа ва халқ ижодиёти — 36-56-02.
Маданий-маърифий муассасалар — 36-58-69.
Тасвирий санъат — 36-58-69.
Рассом — 36-56-02.
Мусаҳҳиҳ — 36-56-02.

Теришга берилди 21.07.95 й.
Босишга рухсат этилди 4.09.95
Қоғоз ҳажми 60x84 1/8
Офсет босма.
Шартли босма тобоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5.
Буюртма № 3898.
7165 нусхада чоп этилади.
Сотувда эркин нарх.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси,
700083
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.

© «ГУЛИСТОН» 5, 1995.

Бош муҳаррир Тилаб МАҲМУДОВ.



Бош муҳаррир ўринбосари Михли САФАРОВ.

Бир инсон умрига тенг бўлган 70 йил мобайнида журнал муҳарририятида жуда кўплаб истеъдодли қаламкашлар меҳнат қилишди. Улар ўз шеър, достон, лавҳа, очерк, эссе, ҳикоя, қисса ва романларида диёримиз меҳнат аҳлининг шижоаткорона меҳнатини авж пардаларда васф этдилар. Бугун биз уларнинг номларини чуқур ҳурмат ва миннатдорчилик туйғуси билан тилга оламиз.

Айни кунларда ҳам муҳарририятда журналнинг ҳар бир сони ўқимишли ва қизиқарли бўлиши учун жон куйдирувчи салоҳиятли, ўз касбининг фидойилари бўлган заҳматкашлар ижод қилмоқдалар. Қуйида уларнинг бир гуруҳи билан танишасиз.

Масъул котиб Шерали СОКИН
ва бўлим муҳаррири Музаффар АҲМАД.

«Гулистон»нинг уч гўзали — Кароматхон ДЎСТМАТОВА (бўлим муҳаррири),
Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА (мусаҳҳиҳ) ва



Рассом Лайло САЛИМЖОНОВА ва бўлим

7р60.

Гулхан

Асқар тоғ — минг йиллик жозиба,
тилсим,
Ҳар дарахт, ҳар тошқин сойда — чўнг
сурур...
Кўнгил, тўйиб боқ, то сеники бўлсин
Ўзбекистон номли қутлуғ тасаввур!

ИНДЕКС 75233.
Баҳоси: чакана савдода — эркин нархда.

Тасвирлар муаллифи М. НУРИНБОЕВ.